

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАИМОВ ШЕРАЛИ САЙДИКАРИМОВИЧ**

**КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ  
ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА  
ТАРМОҚЛАРАРО АМАЛИЙ ИНТЕГРАЦИЯ**

**«NAVRO'Z» нашриёти  
Тошкент – 2014**

**КБК 84.11(5 O'zb) 6**

**A 35**

**UO'K: 54.10.3.5**

**ISBN 978-9943-381-87-2**

**Абдураимов Ш.С. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграция. Монография. –Тошкент, 2014. – 144 б.**

Мазкур монографияда касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг мавжуд ҳолати, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда фанларни интегротив ёндашув асосида ўқитиш мазмуни самарадорлиги, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда интеграциялашган инновацион шакллари, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграция асосида тайёрлаш тизимини интегротив дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш механизмлари, касб таълими ўқитувчиларини тармоқлараро амалий интеграция таълим мазмуни ва жараёни сифати мониторингини амалга ошириш технологиялари ёритилган.

Монографиядан касб таълими ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилар, методистлар, магистрлар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари ўз фаолиятида фойдаланишлари мумкин.

Монография ИТД-1-164 “Кадрлар тайёрлаш сифати ва бандлигини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграция фаолияти мазмуни ишлаб чиқиш ва жорий этиш” амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Масъул муҳаррир:**

**педагогика фанлари доктори, доцент Ш.С.Шарипов**

**Такризчилар:**

**педагогика фанлари доктори, профессор Х.Ф.Рашидов,**

**педагогика фанлари доктори, профессор Н.А.Муслимов,**

**педагогика фанлари доктори, профессор У.Ш.Бегимқулов.**

**© «NAVRO'Z» нашриёти**

**© Ш.С. Абдураимов**

## КИРИШ

Республикамизда амалга оширилаётган туб ислохотлар жамиятда ўзига хос ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланиш йўлининг танлаб олинishi, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграция назарияси ва методикаси жаҳон таълим стандартларига мувофиқ келувчи узлуксиз таълим тизимини шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратди.

Ўқув фанларини интеграциялашнинг назарий асослари, тамойиллари, интеграцияга бўлган ёндашув, интеграция йўналишлари, интегротив дастурлар, интегротив дарс, интеграциялашган курс моделини яратиш каби масалалар ўз ечимини кутаётган энг муҳим педагогик муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги ПҚ-1767-сонли «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан олий таълим тизимида касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграцияни амалга ошириш мазкур муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

Муаммога оид мавжуд адабиётлар, мақолалар, ишланмалар ҳамда таълим тизими амалиёти таҳлили натижасида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида қуйидаги зиддиятлар аниқланди:

- бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграциянинг илмий-методик жиҳатдан етарлича асосланмаганлиги;

- бўлажак касб таълими ўқитувчиларини хар томонлама етук мутахассис қилиб тайёрлашда таълимнинг барча зарурий жиҳатлари етарлича қамраб олинмаётганлиги;

- интегратив ёндашув асосида ўқитиш жараёнининг самарали шакл ва методларини аниқлаш мезон ва кўрсаткичларининг мукамал эмаслиги ҳамда улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишнинг замонавий талаблар даражасида эмаслиги;

- тайёрланаётган мутахассисларнинг ўзини касбий-ижодий ривожлантириши билан боғлиқ шахсий сифатларини, мустақил ўқув-методик фаолиятини кучайтириш зарурати;

- олий таълим тизимида бакалавр ўқитувчиларни тайёрлаш ўқув режаларидаги фанларни блоклараро, блокнинг ичида ҳамда предмет доирасида интеграциялашнинг касбий педагогик таълим асосий мақсадларига мувофиқ ижтимоий ва шахсий тажрибанинг моҳияти, ижтимоий жамиятда, касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида ҳаётий кўникмаларни эгаллашга имкон берувчи асосий турлари етарлича амалга оширилмаганлиги мавжудлигини кўрсатди.

Интеграциянинг назарий, фалсафий, психологик-педагогик, методик асослари Е.Н.Кабанова-Меллер, Ю.А.Самарина, С.Л.Рубинштейн, С.Е.Каменский, И.Д.Зверев, В.Н.Максимова, Г.Спенсер, М.Г.Чепиков, Н.К.Чапаев, Р.Ф.Сафарова, Р.Ш.Ахлидинов, У.Қ.Мусаев, И.В.Макухина, П.Мусаев, М.Ғ.Нишонбаева, М.Х.Лутфуллаев, М.Жуманиёзова каби олимларнинг ишларида ёритилган.

Республикамик педагог олимларидан табиий фанлар йўналиши буйича Б.Мирзаҳмедов, Э.О.Турдикулов, М.М.Мамадазимов, Ю.Ғ.Маҳмудов, П.Мусаев, М.Ғ.Нишонбаева, М.Жуманиёзова, касб таълими буйича А.Р.Ходжабоев, У.Нишоналиев, А.И.Авазбоев, О.А.Абдуқуддусов, бошланғич таълим буйича Р.Ғ.Сафарова, И.В.Макухинанинг илмий тадқиқот ишларида ўқитишни интегратив мазмундаги билимлар доирасида ташкил этиш илмий асосланган. Предметлараро интеграция И.Д.Зверев, В.Н.Максимова; М.Г.Чепиков, Н.К.Чапаев, Б.Д.Комиссаровлар, фанлар интеграцияси ва педагогик интеграцияни таъминлашнинг назарий-методологик асослари, мазмуни, тузилиши ҳақида; Б.М.Мирзаҳмедов, Ю.Ғ.Маҳмудов физика ўқитишда политехник

таълимни амалга оширишда интегртив ёндашиши, М.Жуманиёзова физика ва астрономия фанлари интеграцияси ҳақида; Э.О.Турдикулов, С.М. Файзуллаев, М.Ғ.Нишонбаевалар табиий фанларни интегртив мазмунига таянилган ҳолда ўқитиш орқали талабаларга экологик таълим бериш (экологик таълимнинг физик, биологик асослари) тўғрисида; А.Р.Ходжабоев, У.Нишоналиев, Р.Чориевлар олий ва касб-ҳунар таълимида интеграция муаммоси ҳақида А.А.Абдуқодиров, М.Ҳ.Лутфуллаев, У.Ш.Бегимқуловларнинг олий таълимда ўқув жараёнини ахборот технологиялари ёрдамида интеграциялаш ва такомиллаштириш тўғрисида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мазкур монографияда касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда интеграциялаб ўқитиш илмий муаммо эканлиги, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграциянинг педагогик ва методик имкониятлари, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда таълим мазмуни ва ўқитиш самарадорлигини ошириш технологиялари каби масалалар кенг ёритилди.

# **Ў БОБ. КАСБ ТАЪЛИМИ ҲҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНТЕГРАЦИЯЛАБ ҲҚИТИШ ИЛМИЙ МУАММО СИФАТИДА**

## **1.1. Касб таълими ҲҚИТУВЧИЛАРИНИ тайёрлашнинг мавжуд ҳолати таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси амалга ошириладган давлат таълим сиёсатининг асосий моҳияти баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашдан иборатдир. Мазкур сиёсат мазмунини тўлақонли ёритишга хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш жараёнининг умумий моҳияти, муҳим босқичлари, узлуксиз таълим тизими доирасида фаолият юритувчи таълим муассасалари олдида турган вазифалар, уларнинг ижобий ечимини кафолатловчи омиллар, таълим ва тарбия самарадорлигини таъминловчи асосий тамойиллар кўрсатиб берилган. Ушбу ҳолат барча босқичларда амалга оширилувчи педагогик фаолиятнинг муйаян тизими, изчиллик ва ўзаро боғлиқликда йўлга қўйилишига имкон беради.

Малакали педагог мутахассисларни тарбиялашда педагогика олий таълим муассасалари алоҳида ўрин тутади. Жумладан, ҳозирги кунда академик лицей ва ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларига педагог мутахассисларни етиштириб беришда Тошкент давлат педагогика университети таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади. Айнан шу олий таълим муассасасида бўлажак касб таълими ҲҚИТУВЧИЛАРИНИ мутахассислик фанлари асослари билан таништириш, уларнинг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш, шунингдек бўлажак касб таълими ҲҚИТУВЧИЛАРИДА касбий фаолият кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда айнан касб таълими мазмунини такомиллаштиришни таъминловчи Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари касб

таълими йўналишлари бўйича ўқув режалари, такомиллашган ўқув дастурлари, дарсликлар ҳамда қўлланмаларнинг яратилишига эътибор қаратилди.

Касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш ўқув режасига киритилган фанларнинг тўғри танланиши, уларнинг ўқув материал ҳажми, ўқув материал мазмуни, ўтиш вақти, назарий ўқув материал ҳажми, амалий таълим ҳажми ва бошқаларни илмий асосда ташкил қилиш, давр талабига жавоб берадиган мутахассис даражасидаги касб таълими ўқитувчисини тайёрлашни таъминлайди.

Ҳозирги кунда педагогика олий таълим муассасалари касб таълими йўналишларини битирганлар касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда муваффақиятли касбий-педагогик фаолият кўрсатмоқдалар.

Касб таълими таълими ўқитувчиларини тайёрлаш масалалари бўйича кўплаб олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Бу ишларда касб таълими ўқитувчиси тайёрлаш муаммосининг турли томон ва қирралари ёритилган бўлиб, қуйида биз уларнинг айримларини таҳлил қилмоқчимиз.

В.Д.Симоненконинг ишларида меҳнат таълими машғулоти, IV-VIII синф ўқувчиларини касбга йўналтириш ишининг мазмуни, шакллари усули ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, техник, қишлоқ хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш меҳнати жараёнида шу соҳа вакиллари билан таништириш, уларнинг фаолияти моҳияти, мазмуни, ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари бўйича касбга йўналтириш машғулотларининг тахминий режалари келтирилган.

У.Н.Нишоналиев педагогика олий таълим муассасаси амалиётини, чуқур ҳар томонлама таҳлил этиб, қуйидаги хулосаларга келган, амалиётда қўлланилаётган ўқув режаларига махсус курслар ва махсус семинарлар киритиш зарур, чунки улар бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик даражасини шаксиз ошириш имконини беришини таъкидлаб ўтган.

Бўлажак меҳнат ва касб таълими таълими ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик даражасини оширишда ўқув-услубий

мажмуаларнинг ролини А.Р.Ходжабоев ўзининг докторлик диссертациясида ҳамда ундан кейинги ишларида мукамал тадқиқ этган.

Н.А.Муслимов касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришда мотивацион сифатлар, интеллектуал салоҳият, ҳиссий, иродавий сифатлар, амалий кўникмаларга эга бўлиш ва ўз-ўзини бошқариш лаёқатларини таркиб топтиришга қаратилган замонавий таълим – касб таълими ўқитувчисининг касбий тайёргарлигини юқори даражага кўтарувчи яхлит тизимнинг таркибий қисми, олий таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш жараёнининг педагогик шарт-шароитлари ҳамда воситаларини аниқлашда асос бўлади деб қайд этган.

А.И.Авазбоев ўқув предметларини мазмунини интеграциялаш асосида меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

Ш.С.Шарипов талабалар ихтирочилик ижодкорлигини шакллантиришнинг педагогик шароитини меҳнат ва касб таълими факультетлари мисолида кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини олиб бориб зарур хулоса ва тавсиялар келтирган.

О.А.Қўйсинаев касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширган.

Д.У.Эргашев томонидан ҳозирги фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини амалиётга жадал суръатлар билан кириб келаётган, жамият ва табиатда юз бераётган ўзгаришлар, миллий тикланиш ва ривожланиш, бозор муносабатлари ва турли мулкчилик шароитида ишлай оладиган, дунёқарашни ҳар томонлама кенг, ижодкор, меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш муаммоси тадқиқ этилган.

Юқорида кўрсатилган ва шунга ўхшаш бир қатор ишларнинг таҳлили педагогика олий таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчилари тайёрлаш тажрибасини умумлаштириб қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон беради:

1. Касб таълими ўқитувчилари тайёрлаш ишини такомиллаштиришни талабгорларни танлаб олишдан бошлаш, уларнинг қизиқиши, мойиллиги, ҳиссиёти, касбий йўналганлигини ҳисобга олишга имкон берувчи мутахассислик фанларидан кириш имтиҳонларини киритиш;

2. Касб таълими ўқитувчилари тайёрлаш қамровини кенгайтириш, яъни халқ хўжалигининг муҳим тармоқларига мослигини таъминлаш;

3. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда уларнинг қизиқишини қолаверса жинсини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириш. Бу муаммо айниқса касб таълими ўқитувчиларини турли йўналишлар бўйича касбий-педагогик тайёргарлигида муҳим аҳамият касб этади.

4. Ўқув режа ва дастурларини фан-техника ютуқлари ҳамда илғор, истиқболли, ишлаб чиқариш технологиялари асосида такомиллаштириш;

5. Таълим-тарбия ишида талабаларни фаоллаштирувчи илғор педагогик технологиялардан кенг кўламда фойдаланиш;

6. Талабаларнинг мустақил ижодий қобилиятларини таркиб топишини таъминловчи бошқа элементлари билан уйғун ҳолда ташкил этиш;

7. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ахборот технологияларининг ўқув жараёнидаги интеграциясини таъминлаш;

8. Мазмунан яқин, бир-бирини тўлдириб, кенгайтириб ва чуқурлаштириб борувчи ўқув предметларини яхлит фан сифатида интеграциялаб ўрганиш йўли билан такрорланишларга чек қўйиш, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ҳар томонлама мукамал билим ҳамда касбий иш-ҳаракат усулларини шакллантириш.

## **1.2. Олий таълимда интеграцияни таъминлаш муаммолари**

Республикамизда узлуксиз таълим тизимини модернизациялаш боسقичи кечаётган ҳозирги даврда таълим тизими сифатини

ошириш, таълим-тарбия жараёнига илғор технологияларни татбиқ этиш, таълим мазмунини интеграциялаш борсида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов «Жамият тараққиётнинг, фан ва техниканинг жадаллашуви, ахборотлар технологиясининг кун сайин ривожланиши, XXI асрни тинчлик асрига айлантириш учун инсониятни янги халқлар жамиятига, чуқур интеграциялашган иқтисодий маконга, ягона коммуникация ва ахборотлар тизимига етакламоқда. Бундай жамиятда яшаб кетиш анчагина тайёргарлик ва катта билимни талаб қилади», - деган сўзларида келгусида айнан ҳар томонлама интегротив билимли, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш зарурлигини башорат қилган. Демак, таълим жараёнининг интеграциялашган механизмини яратиш ва амалиётга жорий этиш муҳим педагогик муаммодир.

«Интеграция» атамаси мазмун ва моҳият жиҳатдан узок тарихга эга бўлиб, у дастлаб XVIII асрларда файласуф олим Г.Спенсер томонидан қўлланилган. Ҳозирги кунга келиб жамиятнинг иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий, шу жумладан таълим соҳаларида, микро оламдан тортиб макро оламгача интеграция муҳим аҳамият касб этмоқда ва унинг ривожлантирувчи функцияларини амалда қўллай олиш натижасидагина муҳим илмий муаммоларни ҳал қила олиш мумкинлиги анланган ҳолда, унга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Интеграциянинг назарий, фалсафий, психологик - педагогик, методик асослари Г.Спенсер, С.Л.Рубинштейн, И.Д.Зверев, В.Н.Максимова, Н.С.Светловская, Ю.М.Колягин, Л.В.Тарасовлар томонидан, шу жумладан республикамиз педагог олимлари Р.Ф.Сафарова, У.Қ.Мусаев, И.В.Макухина, П.Мусаев, Б.Мирзахмедов, А.Р.Ходжабоев, У.Нишоналиев, Р.Чориев, М.М.Мамадазимов, Ю.М.Махмудов, О.Кувондиқов, М.Ғ.Нишонбаева, Р.А.Мавлонова, А.И.Авазбоев, О.А.Абдуқуддусов, У.Ш.Бегимқулов, М.Ҳ.Лутфуллаев,

Э.Турдикулов, М.Жуманиёзова каби олимларнинг илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган ишларида ёритилган.

Биз фан ва таълимдаги интеграция жараёни тарихи тўғрисида тўхталишдан олдин «Интеграция» сўзининг луғавий маъносига изоҳ беришни лозим топдик.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ушбу атама қуйидагича изоҳланган: «интеграция сўзи латинчадан олинган бўлиб, *integratio* – тиклаш, тўлдириш, *integer* – бутун деган маъноларни англатиб, қуйидагича таърифлар берилган: 1. Система ёки организмнинг айрим қисмлари ва функцияларининг ўзаро боғлиқлик ҳолатини ҳамда шундай ҳолатга олиб борувчи жараёни ифодалайдиган тушунча. 2. Фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни, дифференциация билан бирга кечади. 3. Икки ва ундан ортик давлатларнинг иктисодиётини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш».

Шунингдек, республикаimizдаги кўпчилик олим ва методистлар интеграция муаммосининг мазмун моҳиятини аниқлаш бўйича фикр берганлар. Ҳозирги кунда «Интеграция» тушунчаси бўйича методик адабиётлар, мақолалар ва илмий тадқиқот ишларида бу муаммо билан шуғулланган олимлар томонидан турлича таърифлар берилган. Биз қуйида улардан бир нечтасини келтириб ўтамиз.

А.И.Авазбоев «Ўқув предметларини мазмунини интеграциялаш асосида меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш» номли диссертациясида интеграцияни «айрим таркибий қисмларнинг янги хосса ҳосил қилиб бир бутун бирлашиш жараёнидир», - деган хулосага келган. Бунда муаллиф фикрича интеграция жараён сифатида талқин қилинган бўлиб, анчагина тўлиқроқ таърифланган. Яъни, жараёнда иштирок этувчи қисмларнинг бирлашиш натижасида янги хоссага эга таркибий жараён назарда тутилган.

Р.А.Мавлонова ҳам интеграцияни жараён сифатида талқин қилиб, «Интеграция» сўзини латинча *integratio* – тиклаш, тўлдириш, «*integer*» бутун сўздан келиб чиққанлигини қайд этган ҳолда, унинг икки маънода ифодаланишини таъкидлайди: 1.

Тизим, организмнинг алоҳида табақалаштирилган қисм ва вазибаларнинг боғлиқлик ҳолатини билдирувчи тушунча ва шу ҳолатга олиб боровчи жараён. 2. Табақалаштириш жараёнлари билан бирга амалга ошириладиган фанларни яқинлаштириш жараёни.

М.Жуманиёзовнинг «Физика ўқитишда интеграллашган билимлар ва улардан фойдаланишнинг услубий асослари (физика ва астрономия ўқув материаллари мисолида)» номли диссертациясида интеграция тушунчасига таълимда интеграцияни синтезнинг натижавий жараёни деб таърифлайди. Бу ерда интеграция атамаси бир мунча хусусийлашгани кўринади, яъни таълимда интеграция тушунчаси келтирилади. Лекин биз аввало интеграция атамасининг соф яъни хусусийлашмаган ҳолатдаги маъносини аниқлаштирганимиз сабабли бу таърифни ўз ўрнида ишлатиш маъқул деган фикрга келамиз.

Муаллифларнинг барчаси таълимда интеграцияга оид таърифлар берганлигига яъни бир нечта ўқув предметлараро, фанлараро боғланишлар ҳақидаги фикр юритилганлигини кўрамыз, яъни уларда асосан ёритилган М.Жуманиёзова эса интеграция тушунчасини «атрофимиздаги борлиққа яхлит, бир бутун объект сифатида қарашга эришишдан иборат» деб хулосалаган. Муаллиф хулосасига кўра интеграция натижасида вужудга келган объектга бутун бир яхлит объект сифатида қараш таърифланган. Лекин, бу ерда биз яхлит, бир бутун объект сифатида қарашимиз учун у дифференциацияга бўйсунмаслиги назарда тутилмаган. Бундан ташқари таърифда аниқ қандай объект ҳақидаги фикр кенгрок ёритилмаган.

О.Абдуқуддусовнинг «Қасб таълими ўқитувчилари тайёрлашга интегралтив ёндашув» номли монографиясида «интеграция (лотинча *Integration* – тиклаш, тўлдириш, бирлаштириш. *Integer* – яхлит) бир бутун қилиб бирлаштирмоқ, мантиқий яхлит ҳолга келтирмоқ» маъносида тушунилади, айнан шу манбада муаллиф яна «интеграция – синтезнинг юқори даражаси ҳисобланади», - деган фикрни илгари суради. Бунда муаллиф интеграцияни синтез

жараёнининг юкори даражаси деб тушунтиради, яъни синтез жараёнида қисм ёки элементларнинг бирлаштириши (мумлаштириши) вужудга келади. Шу маънода интеграция натижасида қисм ёки элементларнинг бирлашиши назарда тутилган.

Э.Турдикулов «Ҳозирги замон тиббиёт фанлари мазмуни ва уларни интеграциялаб ўқитиш муаммолари» илмий мақоласида М.К.Қўшчионовнинг «интеграция – ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, бир бутун қилиб бирлаштирмақ, яхлит ҳолга келтирмақ», - деган фикрини келтириб, унинг ўзи интеграцияни «тарқоқ, бўлак-бўлак, айрим-айрим ҳолдаги нарсаларни бир бутун, яхлит, тизимлашган ҳолатга келтиришдир», - деб таърифлаган.

М.Х.Лутфиллаевнинг «Ахборот технологияларининг ўқув жараёнидаги интеграцияси» илмий мақоласида Д.Н.Ушакованинг атамалар луғатида интеграцияга «тараққиёт жараёнида элементларни ёки бўлақларни қандай бўлмасин бир бутунга бирлаштиришдир» деб таъриф берилганлигини қайд этган ҳолда, Н.И.Кондаковнинг «Мантикий луғат-маълумотномаси» китобида «Интеграция – қандай бўлмасин элементларни ягона бир бутунга бирлаштириш ва қандайдир яхлитликни тиклашдир», - деб берилган таърифига қўшилишини билдирган.

Булардан ташқари яна турли манбалар билан танишганимизда интеграция сўзига муаллифлар томонидан турлича таърифлар берилганлигини таҳлил қилдик. Юқоридагиларни назарга тутган ҳолда биз интеграция сўзига қуйидагича таъриф беришни лозим топдик: Интеграция – бу тизим элементларининг айрим қисмлари ва функцияларини ривожлантириш мақсадида ўзаро боғлиқлик ҳолатига кўра янги хосса ҳосил қилиб бир бутун, яхлит ҳолатда бирлашишидир. Бу таъриф кенгроқ маънога эгаки, яъни бирон-бир тизимда қатнашаётган элементларнинг айрим қисмлари функцияларини ривожлантириш мақсадида бошқа бир янги хосса ҳосил қилган ҳолда яхлит ҳолатга бирлашиши тушунилади.

Чунки, Н.С.Светловская интеграцияни бир нечта ўқув предмети материалларини методиканинг вазифаси ва ягона мақсадига табиий бўйсундириш асосида тузиш усули [37];

Л.Т.Тарасов предметлараро боғланишнинг энг юқори даражаси, умумметодологик принциплар асосида муаммони комплекс ўрганиш ҳамда ўқув предметлари ўқитувчи-талаба ва мактаб билан ҳаёт орасида ўзига хос чегарани бартараф этиш йўли [37];

Л.Н.Бакарева ўқитишнинг фанлараро боғлиқлик даражасига кўтарувчи бир яхлит кўринишдаги билимларни яратишга имкон берувчи восита [37];

Ю.М.Колягин атроф-муҳит ҳақида яхлит тасаввурни яратишда предметлардаги билимларни яқинлаштирувчи, умумий платформани белгиловчи омил [37];

Мужассамлаштириш таълим соҳаси ва педагогика фанининг рифожланишига таъсир кўрсатувчи омил (З.Л.Малкова, Н.Д.Никандаров, Б.С.Гершунский, В.С.Шубинский, М.Пак ва бошқалар) [9];

Ўқитишда интеграциялаш мураккаб жараёнларни очиб берилишини таъминловчи зарурий омил (А.П.Беляева, В.Н.Федорова, И.Д.Зверев, В.Н.Максимова, Г.Ф.Федорец) [9];

Касб-хунар таълими ва тайёргарлиги мазмунини интеграциялаштириш зарурлиги (А.П.Беляева, А.Н.Лейбович ва бошқалар) [9];

Олий таълим тизимида таълим-тарбия жараёни ва илмий тадқиқот ишларини интеграциялаштириш (В.С.Кабаков ва унинг шогирдлари) [9];

Ўқув предметлари мазмунини интеграциялаштириш билан кўп предметлилиқни олдини олиш ва таълим-тарбия самарадорлигини ошириш (А.А.Пинский, Ю.К.Дик, В.В.Усанов ва бошқалар) [9];

Ўқув предметлари, ўқитувчи ва талаба ҳамда мактаб билан ҳаёт орасидаги ўзига хос чегарани бартараф этиш (Л.В.Тарасов ва бошқалар) [9];

Умумтаълим ва касб-ҳунар таълимига оид ўқув предметларини, табиий-илмий ва техник технологик билимларни интеграциялаштириш (М.Н.Берулава) [9];

Кимёвий ва биологик тушунчаларни интеграциялаш (Е.Н.Кузнецова, М.Пак, Л.Ф. Кейран ва бошқалар) [9];

Ҳунар билим юр்தларида умумилмий ва махсус билимларни интеграциялаштириш билан меҳнатни илмий ташкил этиш ва муҳофаза қилиш (Н.Ш.Собиров) [9].

Интеграциялашган таълим олий таълим муассасаларида фан асосларидан бериладиган билимлар мазмунига янгича ёндашувни кўзда тутати ва унинг асосий мақсади ўқув материалларини мантиқан тугал мазмундаги муаммолар мажмуаси сифатида ўрганиш, талабалар онгида олам ва жамиятнинг яхлит илмий манзарасини шакллантириш, табиат ва унда инсоннинг ўрни ҳақида илмий тушунча ва билимларни таркиб топтиришдан иборат.

Шунинг учун ҳам ўқув фанларидан бериладиган таълимнинг мазмуни ва усулларини такомиллаштириш интеграция асосида амалга оширилмоғи лозим. Бу эса, ўз навбатида, турли фан асосларидан ўрганиладиган билимлар тизимини интеграциялаш билан бирга, ўқитишнинг ташкилий шакллари, методлари ва воситаларига нисбатан интегротив ёндашувни талаб этади.

Фанлар интеграциясини фақат предметлардан ўрганиладиган билимларнинг ўзаро боғланиши деб тушунмай, балки ўқитиш технологиялари методлари, шаклларининг ҳам интеграцияси сифатида қаралиши лозим.

Интеграция муаммосини ечиш таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Мазкур жараённи тўғри ташкил этиш ўқитиш самарадорлигини таъминлайди.

Ҳозирги кунда ахборотлар кўламининг ортиши, талабаларга бериладиган билимлар ҳажмининг кўпайиши ўқитиладиган фанлар миқдорининг ортишига олиб келди. Бу, эса навбатида, талабаларга психологик ва физиологик жиҳатдан оғирлик қилиб, уларнинг

фанга бўлган қизиқишларини сусайтирмоқда, билимларни ўзлаштириш даражасининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш учун ўқув фанларини интеграциялаш муаммосини муваффақиятли ҳал этиш зарурати вужудга келди.

Интеграция туфайли талабалар билишлари зарур бўлган ахборотлар ҳажми маълум даражада қисқаради, талабалар зўриқшининг олди олинади ва вақт тежалани.

Дарсликлар таҳлили ва талабалар билими мониторинги натижаларидан маълум бўлмоқдаки, талабалар ўрганидиган ўқув материалларининг қўлами кенг ва мураккаб; уларнинг батафсил баён этилиши талабаларни ортиқча зўриқишга, кенг ҳажмдаги маълумотларни эслаб қолишга ундайди, шу билан бирга замонавий фан асослари, техник ва ишлаб чиқариш технологиясидан орқада қолишга олиб келади.

Интеграция куйидагича таркибга эга:

- объектга доир интеграция. Бунда бир объектнинг турли фанлардаги тимсоллари бир мавзу, бўлим ёки курсларга (ер, сув, ҳаво, озиқ-овқат ва бошқа) киритилади.

- тушунчага оид интеграция. Бунда умумий тушунча (энергия, ҳаракат, модда, ахборот ва бошқалар) лар мазмунини очиқ берадиган мавзу ёки курслар қамраб олинади.

- назарияга оид интеграция. У физика, кимё, биологиядаги квант назарияси; биология, кимё, астрономия, техника, социологиядаги эволюцион назарияга асосланади;

- методологик интеграция. У фалсафа методологияси каби илмий билишнинг алоҳида методларига тааллуқли интеграция бўлиб, уларга тизимли ёндашувнинг қўлланилиши ва унинг моҳияти, табиатшуносликка оид муаммоларнинг қўйилиши ва уларнинг ҳал этилиши; фандаги тушунтириш ва прогноз қилиш; кузатиш, тажриба, моделлаштиришнинг тузилиши моҳияти ва қўлланилиши кабилар киритилади;

- муаммоли интеграция. У турли кенглик даражасидаги фанлараро муаммоларни камраб олади (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, гиёҳвандликка қарши курашиш ва бошқалар);

- фаолиятга оид интеграция (мунозара, гуруҳлар таркибида ишлаш, фанлараро режа ва лойиҳалар тузиш ва бошқалар);

- амалий интеграция (турли жараён ёки техник маҳсулотларни ҳар томонлама кўриб чиқиш: антибиотиклар, синтетик моддалар, биотехнология компьютерлар ва бошқалар).

Кўпгина хорижий мамлакатлар таълими жараёнида интегратив курслардан самарали фойдаланилади. Масалан, Россияда «Атроф олам ва чет тили», Францияда «Иқтисодий ва ижтимоий фанлар», Германияда «Техника ва биологияда сузиш» каби интеграциялашган курслар ўқитилади. Шунингдек, Россияда адабиёт, тасвирий санъат, мусиқага оид интеграциялашган дастурлардан фойдаланилади. АҚШда эса фан. техника, ишлаб чиқариш ва маданиятнинг турли соҳаларини ўзида мужассамлаштирган дастурлар кенг тадқиқ этилмоқда.

Интеграциялаб ўқитиш муаммосининг амалиётдаги аҳволини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу соҳада (ўқув предметлари мазмунини интеграциялаш бўйича) бир қанча ижобий ишлар қилинган бўлсада, ҳали янада кўп ишларни амалга ошириш зарур, чунки:

- олий таълим муассасалари учун интеграциялашган таълим концепцияси ишлаб чиқилмаган;


- ўқув предметларининг интеграциялашган мазмуни ва уни ўқитиш методикаси такомиллаштирилмаган;

- ўқув предметлари мазмунини интеграциялаш методлари аниқланмаган;

- ўқитувчилар ўқув предмети мазмунини интеграциялашнинг таълимий имкониятларини аниқ тасаввур эта олмайдилар.

Интеграция муаммосини дидактик жиҳатдан тадқиқ этилиши - уни таълим принципи сифатида талқин этилишини талаб этди.

4-7788/6



Методик нуқтаи назардан олиб қараганда интеграция таълим – тарбия жараёнини такомиллаштирувчи ва кўзланган натижани кафолатловчи шарт -шароит ва усул деб тадқиқ этилишидир.

Интегратив ёндашув: илмийлик, касбий йўналганлик, политехнизм, узвийлик, мунтазамлик, тизимлилик, кўрсатмалилик, тушунарлилик, табақалаштириш каби дидактик принциплар билан алоқадорлик ҳамда уйғунликда фаолият кўрсатади.

Интегратив ёндашув кўп ҳолларда юқорида кўрсатилган принципларнинг маълум маънодаги бир кўринишида тўлиқ ва чуқур амалга оширилиши ўрганилаётган объектни яхлит тизим шаклида тасаввур этишга имкон беради.

Ўз навбатида интегратив ёндашув ҳам ҳеч қачон бошқа дидактик принципларга ўхшаб ўқитувчига тайёр рецепт бермайди, аммо ундан фойдаланилган ҳолда дидактик ва методик масалалар ечимини аниқлайди.

Ўқув материали мазмунини интеграциялаш дидактик жараён сифатида кўпқиррали, кўп ўлчовли, тизим шаклидаги тадқиқот объекти ҳисобланади: уни таҳлил қилиш тизимли - тузилмавий ёндашувни талаб этади. Чунки унинг функцияси, таркиби, тузилиши ва шу каби муҳим хусусиятларини ўрганиш кўзда тутилади.

Билиш жараёнида диалектик таҳлил методини қўлланилиши билимларни оддийдан мураккабга, сабабдан оқибатга, тасодифийдан зарурий ёки тескари томон ҳаракатланишини талаб этади. Шундай қилиб, бир сўз билан айтганда таҳлилнинг энг юқори нуқтаси яхлит объект ҳисобланади.

Диалектик таҳлилнинг энг юқори фазаси (даражаси) синтезлаш натижасида вужудга келади.

Моҳиятига кўра синтезнинг вазифаси интеграциялаш (умумлаштириш, бирлаштириш, яхлитлаш)дан иборат бўлиб, ўрганилаётган объектнинг кўп қирралари (томонлари) бирлиги, ички алоқадорлиги ва муносабатлари тикланади. Шу йўл билан объектнинг ўзгариши ва ривожланиши ҳақида билимга (тасаввурга) эга бўлинади.

Таҳлил ва синтез ҳар доимо бир-бирини тақозо этувчи узвий, изчил алоқадорликда бўлади. Уларнинг бирлиги олий даражадаги билишга олиб боради. Билиш жараёнида таҳлил ҳар доим синтезнинг асоси ҳисобланади.

Илмий билишда синтез - интеграциялаш ва тизимлаштириш шаклида ўз ифодасини топади.

Илмий билишнинг тарихий ва мантиқий ривожланишини дифференциация (табақа)лаштириш, интеграциялаштириш ҳамда таҳлил ва синтезни ўзаро бир-бирини тақозо этишини исботлади. Тарихий шароитда (бир пайтда) у ёки бу йўналиш ҳукмронлик қилади. Масалан, XX асрнинг 50-80-йилларида дифференциация (табақаланиш) ҳукмронлик қилган бўлиб, ҳозирги пайтда интеграциялаштириш муаммолари кенг кўламда муҳокама этилмоқда. . Махсус фанларни интеграциялашда улардаги барча характерли хусусиятларни синтезлаш эмас, балки энг муҳим ва умумий ғоялар, муаммоларни синтезлаш кўзда тутилади.

Маълумки ўқув предмети ўзида маълум яхлитликни ифодалаб, ташкил этувчи элементларнинг мустақкам доимий ва барқарор алоқадорлик ҳамда ўзаро муносабатлари билан бирлаштирилгандир. Шунинг учун ҳам ўқув предмети ижтимоий ва педагогик талабларни қондирувчи билимлар иш-ҳаракат усуллари, шахсий сифат ва фазилатлар тизими деб қараш мумкин.

Билимларни тизимлаштириш мураккаб жараён бўлиб, қуйидагаларни кўзда тутати:

- тизимга киритилувчи компонентларни аниқлаш;
- бу компонентларни ўзаро алоқадорлиги ва муносабатига кўра маълум тартибда жойлаштириш, яъни тизимлаштириб яхлитликка келтириш кабилар.

Интеграциялаш алоҳида ўқув предметлари чегарасида амалга ошириладиган назарий синтез воситаси сифатида ва фанлараро синтез шаклида намоёи бўлиб, бевосита умумилмий билимларни таркиб топдиришни кўзда тутати.

Интеграциялашган фаннинг ички алоқалари воситасида тушунча ва далилларни синтезлашдан илмий дунёқараш даражасигача бўлган жараён.

Агар тизим органик яхлитлик бўлса, мажмуа нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлган тизимларнинг ўзаро таъсирли бирлигидир.

Интеграциялаш за тизимлаштириш билиш жараёнининг икки томонидир. Интеграция ва синтез жараёнлари орасида муҳим фарқ бўлмай, улар бир-бирига кирувчанликни бирлаштириш, турли фан элементларидан бир бутун яхлитликини ҳосил қилиш, билимларни мантиқий тугаллик даражасига келтиришни кўзда тутади.

Интеграция - синтезнинг юқори даражаси ҳисобланади.

Билиш жараёнида, таҳлил қисмларга ажратиш, синтез эса уларни бирлаштириш (умумлаштириш) сифатида намоёи бўлади.

Ҳар доим синтезлаш натижасида моддий оламнинг яхлитлиги вужудга келади. Яхлит оламни фикран ташкилий қисмларга бўлиш, билиш жараёнида таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Фанлараро интеграцияни турларга ажратишда у ёки бу мазмундаги компонент интеграциялаш жараёнида қўлланиши асос ҳисобланади. Масалан, горизонтал - эмпирик интеграциялаш - амалий мазмундаги вазифани ечиш учун турли фанлар бўйича керакли бўлган билимларни синтезлаш ва интеграциялаш асосида амалга оширилади.

Тик - методологик интеграциялаш - ўрганилаётган объектни тушунтириш учун керак бўлган иш - ҳаракат усулларини ҳамда мумкин қадар умумий назарий билимларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Интеграциялашган ўқув предметидан бир қанча мазмуни ва туташ фанларни синтезлашда ўқув материалининг мантиқий қатъий ички алоқадорлиги характерли ҳисобланади. Лекин, интеграциялаш мантиқий мазмуний бирлик учун эмас, балки билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий сифат ҳамда фазилатларнинг, мукамал тизим яхлитлигини таъминлашга қаратилган ғоя ва қарашлар асос сифатида танланади.

Таълим жараёнини фан билан интеграциясини юқори даражада ташкил этиш учун энг аввало ўқув ва илмий лабораториялар ҳолатига ва унда олиб бориладиган тадқиқотларнинг мазмун ва моҳиятига эътибор бериш лозим. Бу жараёнда талаба шу фаолиятга қизиқади ва кўникмалар ҳосил қилади. Бунинг учун эса олий таълим муассасаларидаги илмий лабораторияларда олиб бориладиган тадқиқот кўпроқ маҳаллий муаммолар билан боғланган бўлиши лозим. Чунки талаба ўзи ҳар куни ва доимий дуч келадиган муаммо ечими билан шуғулланса у олиб борадиган тадқиқот мақсадли, режа асосида, онгли равишда амалга ошади. Ушбу жараён таълим ва фан интеграциясини ташкил этишнинг бош мезонларидан бирига айланади.

Таълим мазмунини интеграциялашда ўқув предмети мазмунига талабаларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши учун зарур бўлган билимларни сингдириш мақсадга мувофиқдир.

Таълимда интеграцияни амалга ошириш ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам педагогик, психологик, гигиеник ва физиологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Интеграция натижасида ўқув режасидаги дарс соатлари иқтисод қилинади. Шу билан бир қаторда, талабаларнинг ижодий қобилиятларини намоён қилиши учун қулай имконият туғилади. Чунки интеграллашган ўқув фанларида билимлар кўп тармоқли ва яхлит бўлади. Бу эса уни ўзлаштириш ва қўллашда қулайликни вужудга келтиради. Талабаларнинг вақти тежалани, ортиқча зўриқишнинг олди олинади. Натижада ўқув-билув жараёнининг самарадорлик даражаси ортади. Фанларни интеграциялаш таълим олувчиларда фанларга бўлган қизиқишини кучайтиради, билим даражаларини оширади, ўқув материалининг ўзаро узвийликда бўлишини таъминлайди.

Бизнинг фикримизча, интегратив ўқув предмети мазмунини танлаб ва маълум тизимга келтириш жараёнини қуйидагича амалга ошириш мумкин:

- жамиятнинг аниқ соҳа мутахассисларига қўйган ижтимоий-иқтисодий ташкилий ишлаб чиқариш ва шу кабиларни танлаш;

- соҳа фани, техникаси ва ишлаб чиқариш технологиясининг ҳозирги замондаги ривожланганлик даражаси ва истикболга мос келадиган ахборотларни танлаб олиш;

- танлаб олинган маълумотларга педагогик ишлов берилиб, ўқув-меъёрий ҳужжатларга киритиш;

- интеграллашган материални бевосита таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш;

- таҳсил олувчилар томонидан ўқув материалининг мазмуни қандай ўзлаштириляётганлиги ва амалиёт талабининг қандай қондириляётганлигини аниқлаш;

- аниқланган муаммоларнинг ечимини топиш ва зарур йўналишларга кўра такомиллаштиришдир.

Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрлар тайёрлаш ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг калити ҳисобланади.

Табиий, аниқ ва умумтаълим фанлари талаблари асосида битирувчи талаба:

- ишлаб чиқариш ва бошқариш ҳолатини аниқлашнинг ижтимоий, иқтисодий, ташкилий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш хусусиятларини;

- мураккаб тизим ва жараёнларни моделлаштиришни билиш лозим.

Барча фанларни ўқитиш тизимли мувофиқлаштирилган ва интеграллашган бўлиши, бу ягона мақсад-давр талабларига мувофиқ касбий мослаша оладиган тармоқ мутахассисларни тайёрлашга қаратилган бўлмоғи лозим.

Шахс фаолиятининг турли босқичларида типологик эҳтиёжлар узлуксиз таълимнинг тегишли босқич ва даражаларини белгилаб берадиган қуйи тизимлар одиган унинг аниқ мақсадларини амалга оширишни таъминлайдиган талабларни кўяди. Мазкур мақсадларга мос равишда мавжуд муаммолар таълим тузилмаларининг вертикал (таянч маълумот ва таълим ривожининг барча поғоналари) ҳамда горизонтал (таълимнинг қўшимча, норасмий шакллари)

интеграциялашуви амалга оширилган турли хил кичик тузилмаларини бирлаштириш асосида ҳал этилган бўлиши зарур.

Интегратив жараёнлар узлуксиз таълим тизимида бир нечта вазифа, интилиш, йўналиш, тур даража ва аниқ шаклларнинг қандайдир ўзаро, бир-бирига тобе бўлган моделини ҳисобга олади.

Ўқув фанларининг мантиқига мувофиқ интеграция қуйидагилар асосида намоён бўлади:

- мавжуд фанларнинг объектлари орқали;
- мавжуд фанларнинг объектлари моҳиятини изоҳловчи қоида қонуният ҳамда назариялар орқали;
- тадқиқот услублари ва амалий фаолият орқали;
- ўлчов-ҳисоб тарзидаги алоқалар ёрдамида;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақидаги илмий билимлар орқали;
- таълим ва тарбия воситаси бўлган замонавий интеграллашган педагогик технологиялар орқали.

Демак, ўқитувчи интеграциялашган таълимни амалга оширишда, энг аввало:

- у ёки бу жараён ва ҳодисалар моҳиятини ўрганишга умумий ёндашувни акс эттирадиган мақсадни аниқлаб олиши;
- фанлараро алоқалардан фойдаланиш кўникмасини етарли даражада яхши эгаллаган бўлиши ва улардан амалда муваффақиятли фойдалана олиши;
- таълимни табақалаштиришни сақлаган ҳолда, уларни интеграциялаш учун алоҳида предмет доирасида ўрганиладиган ўқув материалларининг мақбул ўзаро муносабатини билиши;
- предметларни интеграциялаш асосига қўйиладиган етакчи ғояни аниқлай олиш маҳоратига эга бўлиши керак.

Бажарилган таҳлилий тадқиқотларимиз интеграция атамаси талқинига турлича қарашлар мавжудлигини кўрсатди. Бизнинг бу борадаги ёндашувимиз таълим жараёнларини, жумладан касб таълими жараёнларини янада такомиллаштириш борасидаги қарашларимиздан келиб чиқади. Тадқиқотларимиз таълим

ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири сифатида касб таълимини ислоҳ қилишда интегратив ёндашувнинг улкан имкониятларга эга эканлигини кўрсатмоқда.

### **1.3. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда интеграциялаб ўқитишнинг аҳамияти**

Узлуксиз таълим тизиминининг олий таълим босқичини ташкилий ва мазмун жиҳатидан қайта қуриш «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим. Бундай қайта қуриш таълим мазмунини интеграциялаш, илм-фан услубларининг олий таълим шарт-шароитларига мослаштириш йўли билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Таълимда бир тизимлилик ва кетма-кетликни турли ўқув фанларига оид тушунча, қонун ва назарияларни ўзаро бир-бирига боғлиқ таъсирчан омили сифатида талқин этиш лозим, чунки бу фанларнинг интеграциялашуви умумлашган билимларни шакллантириш, улар мазмунини чуқурлаштириш ва бойитиш имконини беради.

Талабаларда умумлашган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёни фан ўқитувчилари томонидан мунтазам ва мақсадга йўналтирилган педагогик раҳбарлик ва бошқарувнинг йўлга қўйилишини талаб қилади. Бундай раҳбарлик ва бошқарувнинг таъсирчан воситаларидан бири умумлашган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг дидактик асоси сифатида майдонга чикувчи фанлар интеграциялашувини ўрнатиш ҳисобланади.

Интеграцияда, аввало педагогик интеграцияда унга мақсадга йўналганлик ва маъно берадиган «аҳамиятли компонент» ҳал қилувчи роль ўйнайди. Жараён ва натижанинг узвий алоқаси – интегратив бутуннинг навбатдаги жиддий хусусияти. Адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб, интеграциянинг процессуал ва натижаловчи томонлари ўртасидаги муносабатларни баҳолашда

учта позицияни фарқлаш мумкин. Биринчи позицияга кўра, интеграция яхлит бутуннинг тикланиш жараёни. В.Н.Кузьминанинг фикрича, интеграция тушунчаси бирлашиш жараёни ва механизмини, бутун ёки комплекснинг интегротив сифатларни эгаллашини таърифлайди. Бу ёндашувга кўра система тушунчаси бутуннинг объект шаклини, интеграция тушунчаси эса унга олиб борадиган жараённи қайд қилади. Бу нуқтаи назар кенг тарқалган. Тасодифий саралаш методи билан олинган 30 таърифдан 22 тасида интеграция деганда жараён назарда тутилади. Бошқа нуқтаи назар тарафдорлари интеграцияни натижа сифатида баҳолайди. Бу фикр тарафдорлари камроқ, масалан, интеграция – «системанинг мувофиқлашганлиги, тартибланганлиги, стабиллиги» деб тушунтирадilar. Учинчи қараш тарафдорлари интеграцияни бутунликнинг тикланиш жараёни ва натижаси сифатида тушунади: интеграция – «алоҳида дифференциацияланган қисмларнинг бошқа алоқадорлик ҳолатини англадиган системалар назарияси тушунчаси, шунингдек бу каби ҳолатга олиб келадиган жараён», интеграция – «узвий боғлиқликни яратиш жараёни ва натижаси» ва бошқалар. Биринчи позиция тарафдорлари сон жиҳатидан кўплигига қарамай, биз учинчи позиция тарафдоримиз. Фикримизча, сўз мавжуд далолатлар билан тўла бирлашувчан воқеликка эҳтимолий қарашларнинг бири ҳақида эмас. Биз охириги позиция интегротив соҳадаги нарсаларнинг ҳолатини энг кўп адекватлик даражаси билан акс эттиради, деган фикрдамиз.

Педагоглар (В.С.Безруков, М.Н.Берулава, И.Д.Зверев, М.Н.Максимова) интеграцияни жараён ва натижа сифатида таърифлагани тасодиф эмас.

Илмий - педагогик адабиётларда «интегротив жараённинг моҳиятли белгилари» ажратилади, жумладан Ю.С.Тюнников:

1) интеграция турли хил, аввал тарқоқ бўлган элементларнинг ўзаро ҳамкорлиги сифатида кўрилади;

2) интеграция ўзаро ҳамкор элементларнинг сифат ва миқдор ўзгаришлари билан боғлиқ;

3) интеграция жараёни ўзининг мантикий-мазмуний асосига эга;

4) интегратив жараён ўз структурасига эга,

5) педагогик жараённинг педагогик йўналганлиги ва нисбатан мустақиллиги деб таърифлб ўтади.

Юқорида келтирилганларга асосланиб, уларни тўлдирадиган интегратив жараён тавсифларининг гуруҳини ажратдик: олдиндан айтиб бериш мумкинлиги ва узлуклилиги (Ўтувчанлиги) ва узлуксизлиги (Ўтувчан эмаслиги), унинг компонентлари сифатлари ўзгарувчанлиги ва константлиги. Олдиндан айтиб бериш мумкинлиги интеграция жараёнини бошқариш мумкинлигини белгилайди. Бироқ бу бошқарув эҳтимолийлик омилларини ҳисобга олиб амалга оширилиши керак. Узлуклилиги интегратив жараённинг ривожланиш босқичлари (даражалари, поғоналари) мавжудлигини белгилайди, бу интеграция жараёнининг ва умуман интеграциянинг иерархик характери ҳақида сўз юритиш имконини беради. Узлуксизлиги интеграцион жараённинг бу босқич (даража, поғона)ларни бөлгловчи ягона заҳжир бўла олишга қодирлигини ифода этади. Ўзгарувчанлик интеграция давомида унинг компонентлари трансформацияси ва ўзгариши ҳамда шу асосда интегратив янги тузилмалар ҳосил бўлишини англатади. Масалан, педагогик ва техник билимлар интеграцияланганда, уларнинг элементлари ўзаро трансформацияси (ўзаро бир-бирига ўхшаш) кузатиладики, бу сифат жиҳатидан янги касбий – педагогик билимлар ҳосил бўлишига олиб келади.

Интеграция – жараён, жараён ўз сифатларига эга бўлиши мумкин. Бу ҳолда у: а) шу вазият доирасида ҳодисаларнинг юзага келиши, ривожланиши ва йўқ бўлиши босқичлари кетма-кетлиги; б) қайд қилинган вақт оралиғида ҳодисаларнинг изчил алмашинуви; в) қайд қилинган вақт оралиғида маълум система ичида вазиятларнинг изчил алмашинуви; г) қайд қилинган вақт оралиғида системалар алмашинуви сифатида намоён бўлади.

Айни пайтда интегратив янги тузилма умуман уюшганлик, мувозанатланганлик кирраларига эга бўлади. Интеграциянинг

тушунчавий майдони бирликларини ажратишда унга ўз мазмун, семантик юкмасига кўра яқин ва адекват сўзлар мавжудлигидан келиб чиқамиз.

Улар таркибига: а) «интеграция» терминини у ёки бу кўринишда бевосита ўз ичига оладиган сўзлар (интеграл сифат, интеграл ахборот, интеграл қисм, интеграл эффект, интегратив потенциал, интегратив мақсад, интегратив фаолият, интегратив иш); б) педагогик интеграция тушунчавий майдонининг вертикал структурасини ифодаловчи сўзлар (алоқа, ўзаро алоқа, ўзаро таъсир, ўзаро ўтиш, органик синтез); в) педагогик интеграция тушунчавий майдонининг горизонтал структурасини ифодаловчи сўзлар (система, синтез, диффузия ва бошқалар) киради.

ИНТЕГРАЛ СИФАТ ўзида индивидуал усти белгиланганликни ташкил қиладиган, предметли тасаввур қилинмайдиган ва кузатилмайдиган педагогик ҳодисалар берилган кўплигининг хоссалари ноаддитив йиғиндисидан иборат (В.П.Кузьмин).

ИНТЕГРАЛ АХБОРОТ деганда ўзаро таъсир этадиган компонентларга интеграцион алоқаларга кириш имконини берадиган хоссани тушунамиз. Бу позиция фалсафий ва педагогик адабиётларда мавжуд нуқтаи назарга яқин. Энг кўп ҳолларда алоқадаги томонларнинг ҳар иккаласи бу хоссаларга эга бўлади. Шундай, муҳандислик – педагогика таълими доирасида педагогик ва техник билимлар уларнинг умумий хоссаси – муҳандислик-педагогик фаолиятни амалга оширишда ўзаро белгиланган функцияларни бажара олиш қобилияти билан белгиланади.

ИНТЕГРАЛ ҚИСМ - бутуннинг жиддий қисми бўлиб, усиз бутунни тасаввур қилиб бўлмайди. Акцидентал (жиддий бўлмаган) бутуннинг моҳиятини ифодаламайдиган, шу сабабли вариатив характерга эга бўлган қисмлардан фарқли ўларок, интегратив қисмлар бутуннинг зарур, инвариант атрибутлари саналади, бусиз бутун ўзига хос сифат белгиланганлик сифатида содир бўла олмайди. Масалан, дарснинг турли модификациялари бўлиши мумкин: дарс-маъруза, дарс – суҳбат ва ҳоказо. Улар қанчалик вариантланмасин, дарс маълум ўзида «нарса» сифатида қолади.

Бироқ дарс, ундан умуман педагогик жараённинг жумладан дарснинг инвариант, жиддий қисми бўлган таълим ва тарбия мазмунини олиб ташласак, мавжуд бўлмаётган қолади.

**ИНТЕГРАЛ ЭФФЕКТ** (самара) кооперацияланган компонентларнинг интегратив потенциали очилганлик ва унинг «тарбия предмети – инсонга» таъсир даражасини ифода этади. Интеграл эффект «плюс» (музбат) ва «минус» (манфий) белгили бўлиши мумкин. Ташқи ва ички шароитларнинг бутун жамини ҳисобга оладиган оптимал интеграция «плюс» белгили самара беради. Салбий эффект оптималлик тамойили бузилганда, масалан, педагогик интеграция талабаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олмаганда, юзага келади.

**ИНТЕГРАЛ ПОТЕНЦИАЛ** у ёки бу ҳодиса, предмет, жараённинг у ёки бу интеграция функцияларини бажариш имконияти чегараларини биндиради. Интегратив вазифаларни ҳал қилишга мураккаб қодир бўлмаган системалар мавжуд эмас: интеграция умумий ва универсал ҳодиса. Айни пайтда уларнинг бундай фаолиятни амалга оширишга тайёрлик даражасидаги тафовутларни кўрмасликнинг иложи йўқ. Масалан, тошлар уюми ва техник агрегат, биологик механизм ва инсон, ишлаб чиқариш таълими анъанавий дарси ва ишлаб чиқариш таълими интегратив дарси каби системаларнинг интегратив имкониятлари бир хил эмаслиги равшан.

**ИНТЕГРАТИВ МАҚСАД, ИНТЕГРАТИВ ФАОЛИЯТ, ИНТЕГРАТИВ ИШ** тушунчалари В.Д.Семенов, В.И.Загвязинскийнинг ишларида кўзга ташланади. Интегратив мақсад – интегратив фаолиятнинг тахмин кўзда тутилган натижаси, у ўз навбатида, интегратив мақсадни амалга оширишга қўмаклашадиган мотивлар ва вазифалар, операция ва амаллар, усул ва воситалар, технология ва методикаларнинг динамик системасидан иборат. Фаолият ва мақсадни оппозиционал талқинидан ташқари, биринчиси иккинчисини ўз ичига олади. Интегратив иш -- у ёки бу конкрет вазифаларни бажариш бўйича интегратив фаолиятни бевосита амалга ошириш жараёни.

**ИНТЕГРАТИВ МАҲСУЛОТЛАР** - интеграция – натижа мавжудлигининг маълум тарзда моддийлаштирилган шакли. Масалан, интегратив – педагогик фаолият маҳсулотлари интегратив курслар, интегратив дастурлар, интегратив малакалар ва ҳоказо бўлиши мумкин.

**ИНТЕГРАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ** – унинг охиригича якуни. Ижтимоий интеграция соҳасида у, кўп ҳолларда инсонларга улар интегратив маҳсулотлардан фойдаланганда кўрсатилган натижаларда ифодаланади. Бу энг аввало, бошлангич ва якуний натижа инсон бўлган, педагогик интеграцияга тегишли.

Г.Ф.Федорец асосий фарқловчи белгилар, биринчидан, синтез ўзаро таъсирдаги системаларни бир турдаги бутунликка қўпишни, интеграция эса кўп қирраликнинг бирлиги экани ва дифференциацияни истисно қилмаслигини; иккинчидан, интеграция бирлаштириш жараёнлари қамровига кўра синтезга қараганда кенгрок ва нафақат ривожланиш жараёнининг ўзига, балки уни ташкил қилиш воситаларига ҳам дахлдорлигини, синтез эса билиш фаолиятини ижодий келтириб чиқарувчи акт ва, бундан ташқари, интеграция жараёнини тугалловчи шакл ҳамда билимнинг янги соҳаси учун асос эканини таъкидлайди. Педагогикада бу каби нуқтаи назар анча кенг тарқалган. Масалан, болгариялик тадқиқотчи Х.Сантулов фикрича, интеграция – ўзаро таъсир шакли, синтез – унинг натижаси; В.С.Безрукова таъбирича, синтез – айнан ўша интеграция, бироқ ўз ривожланишининг олий босқичидаги интеграция; М.Н.Берулова айтишича, синтез –интеграциянинг якуни.

Педагогик интеграциянинг моҳияти ва ўзига хос белгиларини илмий – педагогик адабиётларда интеграция «педагогик назария ва амалиёт ривожланишини бошқариш тизимида қониқарли фаолият юритиши учун айнан педагогик таъқинга эга бўлиши кераклиги уқтирилади, жумладан интеграция моҳиятини аниқлаштиришга уринишлар қилинади. Жумладан, интеграция моҳияти тушунчасини тарбия муаммосига турли фанлар ёндашувларида зиддиятларни баргараф қиладиган тадқиқотнинг диалектик усули

сифатида тавсифланадиган фанлараро ўрганиш тушунчаси орқали таърифлашга уришилар маъжуд.

Педагогикада интеграцияни таърифлашга «социологизаторлик» ёндашувлар ҳам учрайди. Бунда у «жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник, гоявий-сиёсий бирлиги асосидаги меҳнат ва ижтимоий фаолиятнинг барча асосий соҳаларининг ўзаро ўтиши ва ўзаро бир-бирини бойитиши сифатида тақдим этилади. Педагоглар интеграцияни таърифлашнинг фалсафий даражаси билан чекланиши, уни билиш предмети ўзига ҳослигига етарлича мослаштирмай бевосита ўз фанига кўчириши ҳақидаги гапларда ҳам маълум маънода ҳақиқат бор.

Педагогика энг аввало инсонлар ўртасидаги педагогик муносабатларни ўргангани учун интеграция ҳам муносабатларнинг айнан шу соҳасини ўраганиди». Шу билан педагогик интеграция моҳиятини «инсондан», «тарбия предметидан» тамойилга таяниб таърифлаш мумкинлиги айтилади. Бунда таян олиш керакки, педагогика фақат «одамлар ўртасидаги муносабатларни» эмас, балки инсоннинг тикланиши бошқа томонларини ҳам ўрганади.

Юқорида шакллантирилган педагогик интеграция ва педагогиканинг предметлар ўхшашлиги тамойилга асосланиб, хулоса қилиш мумкинки: педагогик интеграция инсоннинг тикланиши, ривожланиши, шаклланишига дахлдор барча муносабатлари соҳасини қамраб олади. Шундан педагогик интеграция жуда кенг маънода – интегратив-педагогик фаолиятни амалга ошириш шароитида кўп ўлчамли инсоний бутунлигининг ривожланиш, тикланиш ва шаклланиш жараёни ва натижаси. Бунда ривожланиш – инсоннинг жисмоний, маънавий ва рухий хоссаларининг ўзгариш жараёни; шаклланиш – нисбий барқарор, белгиланган ва тугал жисмоний, маънавий ва рухий янги тузилмаларни эгаллаш; тикланиш - инсонда жисмоний, маънавий ва рухий янги тузилмаларнинг юзага келиши. Булар барчасининг пировард натижаси кенг ва тор маънода ижтимоийлаштириш, персонализация, индивидуаллаштириш. Ижтимоийлаштириш инсоннинг ташқи олам билан алоҳаси (инсон – дунё) моментини

акс эттиради ва: а) инсоннинг тур сифатларини эгаллаши; б) унинг жамият, маданият, гуруҳ томонидан талаб қилинадиган қадриятли йўналганлик, норма ва хулқ шаклларини эгаллашини ўз ичига олади. Персонализация – инсоннинг бошқа инсонлар билан алоқаси моментини (инсон – инсон) акс эттиради. Индивид ўзини бошқа инсонда жисмонан давом эттиришга интилгани каби индивид шахси индивидуал тақдим этилганлиги, ўзининг бошқа инсонларда ўзга мавжудлигини таъминлаб, ўзини сақлашга уринади. Индивидуаллаштириш инсоний муносабатларнинг ички аспектини (инсон – ўз «Мени») ифода этади ва бизнинг ҳолатимизда инсоннинг ўз «Менини» ўзи учун эгаллашини англатади.

Интегратив терминологиядан фойдаланиб, хулоса қилиш мумкинки, ижтимоийлаштириш – инсоннинг ташқи олам билан интеграцияси, индивидуализация – инсоннинг ўз-ўзи билан интеграцияси. Юқоридагилардан педагогик интеграциянинг бошланғич ўзига ҳос белгиси унинг антропо йўналганлиги: инсон педагогик интеграциянинг мақсади ва предмети, унинг мулоқ система ҳосил қилувчи омилли эканлиги келиб чиқади. У педагогик интеграцияни келтириб чиқаради, унинг ҳаракатини йўналтиради, ривожланишига қўмаклашади.

Таълим назарияси ва амалиётининг қайси даражаларида, қандай шаклларда амалга оширилмасин барча ҳолатларда педагогик интеграциянинг предмети ва мақсади инсондаги сифат ўзгаришлари бўлиб қолаверади. Таълим мазмунини олайлик, маълумки унда бешта даража фарқланади: назарий тасаввур даражаси, предмет даражаси, ўқув материали даражаси, педагогик воқелик даражаси, шахс структураси даражаси. Санаб ўтилганларнинг қай бирида интеграция амалга оширилмасин, у инсонга чиқади: таълим мазмуни компонентлари билан уни интеграциялашга қарата бажарилган ҳар қандай назарий ва амалий ҳаракатлар айна пайтда шу ҳаракатларни шу мазмунни ўзлаштириши керак бўлган инсон билан содир этишни англатади.

Педагогик интеграция ўзининг технологик инфраструктурасига, ўзининг асосий технологияларига эга.

Педагогик интеграциянинг белгиси сифатида бошқарилувчанлик иккита, бир қарашда, қарама-қарши шариит: бир томондан, унинг стохастик-эҳтимолий табиати, бошқа томондан унинг технологиклиги билан белгиланган. Биринчиси педагогик интеграция жараёнларини бошқариш заруратини белгилайди, иккинчиси буни бажариш имконини беради. Н.С.Антонов ўқув жараёнида интеграция ходисалари ё стихияли ё бошқариладиган интеграция шаклида кузатилишини таъкидлайди.

Педагоглар томонидан педагогик интеграция, фанлараро алоқалар, ўзаро алоқалар, узвийлик каби ягона лексик-семантик майдонни ҳосил қиладиган, белги, ҳосса, алоқа ва муносабатлари бутун хилма-хиллиги билан олинган педагогик воқеликда амалга ошириладиган бирлаштириш жараёнлари яхлит манзарасини акс эттирадиган, тушунчаларни фарқлаб олишлари зарур. Айнан бир хил фактлар педагогик интеграция, фанлараро алоқалар, ўзаро алоқалар тарзида талқин қилинади.

Педагогик интеграциянинг айниқса фанлараро алоқалар билан муносабати мураккаб. Адабиётлар таҳлили уларнинг ўзаро муносабатлари турли шакллари ҳақида гапириш имконини беради. Улардан асосийларига тўхталиб ўтамиз:

1) фанлараро алоқалар билимларни интеграциялаш вазибаларини реализациялаш воситаси. Интеграциянинг асосий дидактик инструментариёси фанлараро алоқалар саналади.

2) интеграция фанлараро алоқаларнинг шаклларида бирини ифодалайди: анъанавий фанлараро алоқалар ўқув фанларининг алоҳида элементлари ўртасида уларнинг мазмуни ва ўрганиш муддатларини мувофиқлаштириш учун ўрнатилади. Улардан фарқли ўларок, комплекс фанлараро алоқалар таълим мазмунини интеграциялаш йўналишларини акс эттиради ва унинг комплекс бирликлари тизимида намоён бўлади. Кўрсатилган шакллар бир-бирини инкор этмайди, балки тўлдиради: координация ва интеграция замонавий билим ва таълим учун хос бўлган фанларароликнинг иккита ўзаро алоқадор тенденциясидир.

3) интеграция ва фанлараро алоқаларни бир-биридан сифат жиҳатидан фарқ қиладиган ходисалар сифатида тушуниш: асл интеграцияни, яъни бир неча ўқув фанини билимлар умумий мазмун ва ўқитиш методлари билан боғланган битта фанга бирлаштириш ва координация (мувофиқлаштириш)ни, яъни ўқув фанларининг батафсил ишлаб чиқилган ўзаро алоқадорлиги (фанлараро алоқалар)ни фарқлаш керак. Қуйидаги парчада интеграция ва фанлараро алоқаларнинг (мувофиқлаштиришнинг) характеристикалари батафсил келтирилади: «Интеграция узвий боғлиқ, ягона ва яхлитни яратиш жараёни ва натижаси. Таълимда у битта синтезланган курсда (мавзуда, бўлимда, дастурда) турли ўқув фанлари элементларини, турли фанларга оид илмий тушунчалар ва методларни умумилмий тушунча ва билиш методларига бирлаштириш, фанлараро ўқув муаммоларини очишда фан асосларини комплекслаш ва кўшиш йўли билан амалга оширилади. Координация – турдош ўқув фанлар бўйича дастурларни ўрганилаётган тушунчалар, ходисалар, жараёнларнинг талқини умумийлиги, уларни ўрганиш вақти нуқтаи назаридан мувофиқлаштириш, яъни ўқув фанларининг батафсил ишлаб чиқилган ўзаро алоқаси (тор маънода фанлараро алоқалар), у билимлар интеграциясига хизмат қилади. Бизнингча, охириги ёндашув тобора маҳсулдор кўринади. Унда интеграциянинг спецификаси, сифат жиҳатидан ўзига хослиги аниқ кўзга ташланади. Унинг доирасида интеграциянинг мазмунли-предметли даражадаги асосий белгиси - битта синтезланган курсда (мавзуда, бўлимда, дастурда) турли ўқув фанлари элементларининг қўшилиши шакллантирилган. Айнан шу мезон интеграцияланган ўқув фани асосини ташкил қилади, у турли соҳаларга оид турли билимлар асосида ягона система сифатида шакллантирилади. Бу таркибий элементлар интеграциялаштирилган ўқув фанида ўзининг структуравий мустақиллигини йўқотади. Комплекс ўқув фанлар фанининг бир неча элементини бирлаштиради, бироқ шундай бирлаштирадими, таркибий элементлар интеграциялаштирилган

Ўқув фаёли ичида араланиб кетмайди, ўз мустақиллигини кўргазмалари тарзда сақлаб қолади.

Интеграциянинг ўзаро алоқалар билан муносабатлари ҳам қизиқиш уйғотади. Бу жиҳатдан М.И.Махмутовнинг «Взаимосвязь общего и профессионального образования» (Умумий ва касбий таълимнинг ўзаро алоқалари) номи иши эътиборга молик. Унда ўзига хос генетик зинапоя қурилади: фанлараро алоқалар – ўзаро алоқалар – интеграция, уларнинг фарқли жиҳатлари кўрсатилади. Масалан, фанлараро алоқалар яқин-турдош тушунчалар, мавзулар, ўқув фани бўлимлари даражасида ўрнатилиши ва билимларнинг ўқувчилар томонидан янада оғли ўзлаштирилишига кўмаклашиши таъкидланади. Бироқ улар гизимли алоқаларни таъминламайди. Фанлараро алоқалар имкониятларини тажрибада синаш билимларни ўзлаштириш даражасида ҳам, ўқиш мотивлари характерида ҳам, шахснинг ривожланиш даражасида ҳам жиддий ўзгаришларни кўрсата олмайди. Айнан шу муаллифнинг фикрича, биринчи ўринга умумий ва касбий таълимнинг ўзаро алоқалари концессиясини олиб чиқди, у нафақат фанлараро алоқалар воситалари, балки специфик принциплар: политехнизм, узвийлик, касбга йўналганлик, муаммолик ва бошқаларни қўллаш ҳисобида ҳам таъминланади. Бироқ айрим ютуқларга қарамай, ўқувчиларнинг билим ва тарбияланганлик даражаси сезиларли даражада ортмайди. Шунда учинчи фараз келиб чиқди: ҳунар мактабида таълим ва тарбиянинг сифат жиҳатидан янги даражасига интеграция ва билишни дифференциациялашга, мазмуний умумлаштирилга (В.В.Давидов), «йириклаштирилган бирликлар» тамойилига (П.М.Эрднчев), ва «технологик тамойил»га асосланган яхлит таълим жараёни шароитида эришиш мумкин. Умумий ва махсус билимларни интеграциялаш (синтезлаш) политехник таълимни такомиллаштиришнинг муҳим шарти, деб эълон қилинади. У ўз навбатида ягона мактабнинг система ҳосил қилувчи омили деб аталади. Л.А.Артемяева билан ҳаммуаллифликда бир мунча кейин ёзилган «Вопросы интегративного потенциала дидактики» номи (Дидактиканинг интегратив имкониятлари

масалалари.) ишида М.Махмутов таъкидлайди: «Ўзаро алоқадан фарқли Ўлароқ интеграцияда турли соҳаларга оид билимлар гўё бир-бирини сингиб кетади, соҳа чегараларини суриб ташлайди ва янги назариялар, концепциялар яратлади». Бу билан Ўзаро алоқалар фанлараро алоқалар – Ўзаро алоқалар – интеграция генетик зина поясида ўз ўрнини эгаллайди.

Интеграция билан фанлараро алоқалар ўртасидаги Ўзаро муносабатларнинг таҳлилини В.С.Безрукова ҳам амалга оширган. У интеграция ва фанлараро алоқаларнинг функционал Ўзаро боғлиқлиги ғоясини илгари суради. Ўзаро алоқалар: а) педагогика назарияси ва амалиётида умумий интеграция ғояларини конкрет татбиқ қилиш базаси; б) педагогик интеграцияни ривожлантириш учун махсус ташкил қилинган педагогик шароит; в) интеграциянинг индефферент жараёнига йўналганлик бахш этади, уни конкрет педагогик мазмун билан тўлдиради; г) конкрет интеграция жараёнлари бошланғич таркиби ва мазмунини белгилайди; д) бўлгуси ишчиларни ўқитишнинг иккита кичик системаси турли компонентлари яқинлашишига кўмаклашувчи кучли интегратор. Ўз навбатида, интеграция: а) замонавий таълим тизими ривожланиш қонунияти сифатида Ўзаро алоқаларни реализациялашнинг яқиний мантикий шаклларида бири; б) Ўзаро алоқаларда ўзи гўё билишнинг умумий тенденцияларини намойён этади ва бу билан муаммони ҳал этишни замонавийлаштиришга анчагина кўмаклашади; в) Ўзаро алоқаларни реализациялаш чегараси саналади. Натижада, муаллиф хулоса қилади: «педагогик интеграцияни системали асосда умумий ва касбий таълимнинг Ўзаро алоқаларини ривожлантиришнинг олий шакли деб билишга барча асослар бор».

Ўзлуксиз таълим тизимида ўқитишда интеграцияни таъминловчи муҳим омиллардан бири узвийлик. Узвийлик педагогик системаларда ўқув-тарбия иши ва унинг натижаларининг яхлитлигига олиб келадиган интеграцион жараёнларни таъминлашнинг специфик функцияси деб эълон қилинади. Фикримизча, интеграция, ўз навбатида, узвийликни таъминлаш

вазифасини бажаришга кодир. Педагогик интеграцияни педагогикадаги бошқа бирлаштириш жараёнларидан фарқлаш муаммоси таҳлили якунида бу ҳодисаларнинг интегратив потенциали турлича экани ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас. Фанлараро алоқалар ва ўзаро алоқа ўз таъсир дэирасида фанлар ўртасидаги горизонтал муносабатлар билан чекланган бўлса (ўзаро алоқалар, одагда, таълимий ва касбий билимлар, янада аниқроғи таълимнинг тегишли турлари ўртасидаги муносабатлар билан чекланади), узвийлик асосан таълим даражалари вертикал алоқалари билан чекланади. Интеграция амалда чекланмаган ҳаракат майдонига эга. У гўё ўтувчан радиация у педагогик фаолиятнинг барча соҳаларини камраб олади.

Педагогик интеграциянинг ягона мақоми йўқлиги - қонуниятли ҳодиса. Педагогик интеграция фақат қонуният ёки тенденция ё хатто биргаликда ҳар чекласиз бўлиш учун ҳам жуда мураккаблик қилади. Бу бирлаштирувчи жараёнларнинг бошқа таркибий қисмларига ҳам тааллуқли. Масалан, фанлараро алоқалар тушунчасини таҳлил қилиб, Н.С.Антонов уларнинг статус изохи кўп маънолиги ҳақида хулоса қилади: белгиловчи сифатида дидактик тамойил, оптимallasштириш воситаси келиб чиқади. Ўзаро алоқалар мақомини белгилашда ҳам аҳвол шундай. У ҳали қонуният, ҳали тамойил сифатида тилга олинади.

Шундай қилиб, 1. Педагогик интеграциянинг интегратив-педагогик фаолиятни амалга ошириш шароитларида кўп ўлчамли инсоннинг ривожланиш, тикланиш ва шаклланиш жараёни ва натижаси сифатидаги моҳиятини аниқлашга уриндик. 2. Интеграциянинг инвариант характеристикалари: эргатиклик, динамиклик, латентлик ва бошқаларни тўлдирадиган ва аниқлаштирадиган педагогик интеграциянинг ўзига хос белгиларини аниқладик ва тавсифладик. 3. Педагогик интеграциянинг яқин-турдош категориялар ва тегишли онтологик тасаввурлар: фанлараро алоқалар, ўзаро алоқа ва узвийлик билан ўзаро муносабатадаги асосий линияларини аниқладик.

Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мутахассислик оид ўқув предметини интеграциялаб ўрганишда бизнингча қуйидагилар тўсқинлик қилади:

1. Ўқув предметларини мазмунан мужассамлаштиришни умумдидактик ва услубий имкониятлари аниқланмаганлиги;

2. Ўқув предметлари ва уларнинг мажмуалари орасидаги интеграциялаштириш жараёнини ва касбий тайёргарликни такомиллаштириш ҳамда мақбуллаштириш имкониятлари етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги;

3. Умумтаълим ва махсус таълим мазмунини интеграциялаштириш муаммосининг ўрни ва роли ҳамда амалга ошириш йўллари мукамал таҳлил қилинмаганлиги;

4. Турли ўқув предметлари мазмунини интеграциялаштиришни ўрганиш зарурияти ва унинг имкониятларини назарий жиҳатдан асосланмаганлиги ва ҳ.к.

Интеграциялаштириш жараёнлари ҳозирги замон илмий билимларининг ўзаро таъсиридан фарқли ўлароқ қуйидаги йўналишларда кечиши мумкин:

- алоҳида олинган фан доирасида ички илмий ривожланиш сифатида;

- фанлараро ўзаро алоқадорлик доирасида, яъни бир ёки бир неча соҳалар доирасида;

- махсус яхлит илмий билимлар доирасида кабилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишлар уйғунлигини интегратив ёндашув сифатида тасаввур этиш мумкин.

Икки ва ундан ортиқ, нисбатан мустақил қисмларда кечаётган жараёнларни бирлаштириш - интеграциялаштиришнинг натижаси бўлиши мумкин.

Яхлит тизимни тузишда интеграцияланувчи алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни ички илмий алоқадорлик ҳам деб аталади.

Тизимлаштиришдан кўзланган асосий мақсад ички илмий алоқадорликни тартибга келтириш йўли билан яхлитликни юзага

келтиришдан иборатдир. Бу жараёнда ҳосил бўладиган яхлитлик янги сифат кўрсаткичларига эга бўлади.

Интеграциялаштиришнинг моҳияти назарий синтез воситаси сифатида янги даражадаги билиш натижаларига эришидир.

Касб таълими факультетларида машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш йўналиши бўйича ўқитувчилар тайёрлашда, мутахассисликка оид фанларни интеграциялаб ўрганиш қуйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилган:

- мутахассисликка оид фанларни интеграциялаб ўрганишнинг моҳияти, мазмуни ва уни амалга ошириш шарт-шароитлари ва воситаларини ўрганиш;

- турли фанлар мазмунини интеграциялаштиришнинг илмий-назарий ва педагогик-усулвий асослари билан таълининг;

- таҳсил олувчиларининг ўқув-билиш фаолияти, мустакиллиги ва билимлар даражасини интегрatív оширишда билимларнинг долзарблигини себоглаш;

- ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, руҳий-педагогик, техник-технологик билимларни синтезлаш талаблари, имкониятларини аниқлаш.

Кўп ҳолларда таълим-тарбия ишида интегрatív, тизимли ва мажмуавий ёндашувлар синоним сифатида талкин этилади. Бу тушунчаларнинг умумий томонларини ўрганилаётган объектларнинг турли қирра, томон ва хусусиятлари ташкил этади. Лекин улар бир-бирдан моҳиятига кўра ҳам фарқланади. Бу фарқларни қуйидагича кўрсаташ мумкин.

Тизим деганда, яхлитлик хусусиятга эга кўп сонли бир-бирини мавжуд бўлишини талаб этувчи ўзаро алоқадор элементлар (таркибий қисмлар) тушунилади. Тизимли ёндашувни реал оламдаги предметларнинг ўзаро муносабати сифатида таҳлил этиш қуйидаги муҳим икки масалани ҳал этишга қаратилган:

а) тизим таркибига кирувчи компонентларни аниқлаш (очил);

б) тизим таркибига кирувчи компонентларнинг ўзаро алоқасини аниқлаш, бундай таҳлил жараёнида тизимнинг тузилиши

аниқланади. Шунинг учун ҳам агар тизимни маълум компонентлар бирлиги деб қаралса, фақат унинг компонентларини кўрсатиб ўтишнинг ўзи камлик қилади, тизим мавжуд бўлиб, фаоллият кўрсатиши учун, бу компонентлар керакли ва етарли даражада ўзаро алоқада бўлиши лозим. Шу мақсадда ўрганилаётган тизим нисбатан катта бошқа тизимнинг ташкил этувчиси деб қаралади.

Объектни яхлитликдан унинг ташкил этувчи қисмлари томон таҳлил этиш охиригисия, яъни таркибий қисмларни керакли ва етарли даражасини очиб бериш, уларни яхлитга нисбатан ўзаро муносабатини кўрсатишга имкон беради.

Тарихийлик жиҳатдан ҳам тизимли ёндашув қуйидаги икки муҳим йўналишга эга: генетик ва прогностик.

Генетик таҳлил тизимни шаклланганлик масалаларини ўрганса, прогностик таҳлил унинг ривожланиш истикболларини ва кутилаётган натижаларни олдиидан кўра билишни кўзда тутаяди.

Тизимли ёндашув касб таълими ўқитувчисини тейёрлаш ишидаги ҳар қайси компонент моҳиятига чуқур кириб боришга ва улар орасидаги зиддиятли муносабатларни очиб беришда ҳамда ривожланиш қонуниятларини аниқлашга имкон беради. Тизимли ёндашувдан фойдаланган ҳолда мазмунан туташ мутахассисликка оид фанларни ўзаро алоқадор бири иккинчисини тўлдирувчи, кенгайтирувчи, мантиқий тугалланганлигини таъмин этувчи интегратив ўқув предмети мазмунини танлаб олишга имконият яратади.

Тизимли, мажмуавий ва интегратив ёндашувлардаги энг муҳим умумийлик-ўрганилаётган объектни яхлитликда тасаввур этишдир.

Интегратив ёндашувдан таълим-тарбия ишининг мажмуавий ҳал этилиши, яъни, узвийлик, политехник ва касбий йўналганлик, назария билан амалиётнинг бирлиги, таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг ривожланиши, таълим-тарбия жараёни натижаларини таҳлил этиш ва шу қабилар таъминланади.

Таълим-тарбия жараёнида интегратив ёндашув амалга ошириш тизим ёки мавжуд шаклдаги яхлит объектнинг ички ва ташқи

алоқалари, уни ташкил этиши ва бошқарини қонуниятларини билган ҳолда олиб борилиши мумкин.

Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда интегратив ёндашув мутахассисликка олиб билим, инъ-харакат усуллари ва шахсий сифат ҳамда фазилатларни яхлитлигини таъминлаш учун қўлланилади.

Интегратив ёндашув бизнинг илмий тадқиқот ишимизда мазмунан туташ алоқадор, маънавий б-р-бирини тақозо этувчи ва бир-бирига сингиб чуқурлаштирувчи ва кенгайтирувчи ўқув фанларини интеграциялаш учун қўлланилиб, яхлит маънавий мукамал билим, инъ-харакат усуллари ва шахсий сифатларни таркиб топтиришни кўзда тутати.

Ўқув предметлари интегратив фан сифатида қуйидаги масалаларда ўз ечимини қандай топганига боғлиқ ҳолда унинг самарадорлиги қуйидагича аниқланади:

1. Интегратив ўқув предмети таркибига кирувчи ҳар бир ўқув предметининг қандай вазифа ечимини таъминлашдаги роли;

2. Интегратив ўқув предметини шакллантиришда муҳим гоё сифатида танилаб олинганнинг асослари;

3. Интегратив билим инъ-харакат усуллари ва шахсий хислат, фазилатларнинг қўлланилиши шароитлари;

4. Нисбатан тор доирадаги ўқув предметларининг дидактик вазифаларини интеграциялаш жараёнида тўлиқ сақлаб қолган ҳолда умумий мақсадга бўйсундирилиши;

5. Интегратив ўқув предметини ўрганиш методикаси, шакли, методлари, воситалари ва шарт-шароитларини мажмуавий ишлаб чиқиш.

Тизимли, мажмуавий ва интегратив ёндашувларнинг умумийлик жиҳатлари мавжуд бўлиб, ўзига хос тафовутларга ҳам эгадир. Умуман олганда интегратив ёндашувга тизимли ва мажмуавий ёндашувларнинг натижаси сифатида қараш мумкин.

## **II БОБ. КАСБ ТАЪЛИМИ ҲҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАРМОҚЛАРАРО АМАЛИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ПЕДАГОГИК ВА МЕТОДИК ИМКОНИАТЛАРИ**

### **2.1. Касб таълими Ҳқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда фанларни интегратив ёндашув асосида Ҳқитиш методикаси.**

Узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлашда асосий эътибор бўлгуси Ҳқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини таркибий қисмлари бўлган илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлиги, гоъвий-сиёсий, маънавий-ахлокий етуқлигини таъминлашга қаратилган.

Педагогика олий таълим муассасаларида мутахассисларни Ҳзлари эгаллайдиган фаолиятга мақсадга мувофик тайёрлаш намунавий Ҳқув режадаги фанлар зиммасига юкланади. Бошқача айтганда Ҳқув режадан Ҳрин олган фанларнинг таълим мазмуни, Ҳқитиш жараёни талабанинг танлаган мутахассислиги бўйича педагогик фаолият юритиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга замини тайёрлайди.

Шу сабабли ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастури узлуксиз таълим тизими олдига қатор вазибалар, жумладан, юқори малакали педагогик кадрлар тайёрлаш, таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, педагогларнинг касбий нуфузини ошириш, таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш, педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш назарда тутилган.

Юқорида қайд этилган педагогларнинг касбий нуфузини ошириш, Ҳрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш,

педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш каби вазифалар нафақат ҳар бир фанни талаб даражасида ўқитишни, балки фанлар интеграциясини амалга оширишни тақозо этади. Бўлғуси касб таълим ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида фанлар интеграциясини амалга ошириш учун куйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

Ўқув режадан ўрин олган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишда талабаларнинг ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий етуқлигини шакллантириш билан бир қаторда, фанлар интеграциясини амалга ошириш орқали илмий-назарий, психологик-педагогик, илмий-методик тайёргарлигини мажмуа ҳолда таркиб топтиришни назарда tutиш, яъни мазкур фанларнинг мазмунини талабалар эгаллайдиган касбига йўналтириш, масалан талабалар илмий дунёқарашини кенгайтириш, оламни билишнинг фалсафий асосларини ўқитишда, хусусан, категориялар ва қонуниятларни ўрганишда мутахассислик ҳисобга олиниши, бошқача айтганда касб таълими йўналишида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар мазмуни бошқа мутахассисликларда ўқитиладиган фалсафадан категориялар ва қонуниятларни ўрганишда келтириладиган мисоллари билан фарқланиши керак.

Ўқув режадан ўрин олган математика ва табиий фанларни ўқитишда профессор-ўқитувчилар талабаларнинг келгусида эгаллайдиган мутахассислигини эътиборга олган интеграциясини амалга ошириши зарур. Жумладан, «Олий математика» курси математиканинг умумий қонуниятларини ўрганишда технологик тизимлар, жараёнларни асос қилиб олиши, «Информатика ва ахборот технологиялари» курсидан асосий эътибор машинасозлик ва машинашунослик фанларини ўқитишда информацiон ва ахборот технологияларидан фойдаланиш масалаларига қаратилгани мақсадга мувофиқдир.

Педагог кадрларни тайёрлаш ва фанлар интеграциясини амалга оширишда умумкасбий ва ихтисослик фанлар блокидан ўрин олган фанларнинг улуғи салмоқли. Бўлғуси касб таълими ўқитувчилари фанлар интеграцияси бўйича ўзлаштирийдиган назарий билимлари,

фанларро боғланишларни амалга ошириш кўникмаларини шу фанларни ўрганиш жараёнида эгаллайдилар. Умумқасбий фанлар блокидаги психология ва педагогика фанларини ўқиштишда талабаларда касбий сифат ва касбий тайёргарликнинг таркибий қисмларини шакллантиришга эътиборни қаратиш, юқори даражада психологик-педагогик тайёргарликка эришиши орқали илмий-методик тайёргарликка асос яратишни назарда тутиш лозим.

Машинасозлик ва машинашунослик фанларини ўқитишда касбий йўналтириш, фанлар интеграциясини амалга ошириш ва талабаларнинг илмий-назарий тайёргарлигини илмий методик тайёргарлик билан уйғунлаштириш, «Касб таълими методикаси»да ижтимоий-гуманитар, математика ва табиий фанлар ва умумқасбий фанлар билан интеграциясини амалга ошириш орқали талабаларда мўйиян билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва узвий равишда касбий тайёргарликнинг таркибий қисмлари бўлган ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий етуклик, илмий-назарий, психологик-педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга замин тайёрланади.

Педагогика олий таълим муассасаларида педагогик фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар фанлар интеграциясини амалга оширишнинг дидактик асослари, шунингдек, ушбу жараёни амалга оширишда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини билиши, муаммоли саволлар занжирини тузиши, ўқув баҳси ва мунозараларни ўтказиш кўникмасини эгаллаган бўлиши лозим.

Педагогика олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ амалга оширилган фанлар интеграцияси, педагогик кадрларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини орттириш ва самарадорлик кафолатининг муҳим за зарурий омили, шунингдек, бўлгуси касб таълими ўқитувчиларининг ўз педагогик фаолиятларида фанлар интеграциясини амалга оширишнинг намунаси бўлиб хизмат қилади.

Дидактик тизимда предметлараро асосда интеграциялаш ўқитувчи (таълим бериш ) ва талаба (таълим олиш )харакатларининг мос келишини кўзда тутади. Иккала фаолият ҳам умумий гузилишга эга: мақсадлар, сабаблар, мазмун, воситалар, натижалар, назорат. Бироқ ўқитувчи ва талаба фаолиятларининг мазмунида фарқ бор.

1. Мақсадли босқичда ўқитувчи умумий мақсадни кўяди. Талабалар ўқитувчи бошчилигида предметлараро боғлиқликларни тушуниб етишлари, турли предметлардан керакли билимларни танлаб олишлари керак, бунда улар ўз эътибор фикрларини фақат умумий билимларни ўзлаштиришга эмас балки, кўчириш таҳлил қилиш шахснинг белгилари қобилият ва қизиқишларининг ривожлантиришга қаратишлари керак.

2. Ишотлаш босқичида ўқитувчи талабаларни дунёқарашини ўстирувчи билимларга, турли предметлар тушунчаларини умумлаштиришга раббарлантиради. Талабалар ўз иродаларини дунёқарашни кенгайтирувчи билимларга қизиқишга йўналтирадилар.

3. Фаолиятнинг мазмун босқичида ўқитувчи янги ўқув материални киритади, шу билан бирга интеграцион далиллар, тушунчалар, муаммолар мажмуи даражасидаги бошқа предметлардан олинган таянч билимларни жалб қилади. Талабалар умумпредметли тушунча, муаммоларни умумий билимлар даражасида ўзлаштирадilar.

4. Воситалар танлаш босқичида ўқитувчи турли предметлар билимларини умумлаштиришга ёрдам берувчи кўргазмали воситаларни-дарсликлар, таблицалар, схемалар саволномалар, амалий вазифалар. Талабалар кўчириш, умумлаштириш, бириктириш характерларини интеграцион масалаларни хал қилишда кўргазмали воситалар ёрдамида бажарадилар.

5. Кейинги босқич - натижа. Ўқитувчи таълим бериш, ривожлантириш, тарбиялаш мақсадида интеграцияни амалга ошириш учун педагогик билимларни қўллайди. Талаба билимлар тизимида, умумлаштириш уларни амалда қўллайди.

6. Назорат қилиш босқичида ўқитувчи бир- бири билан боғланган предметларга талабаларнинг тайёрлигини баҳолайди. назорат қилади, ўзлаштириш сифатида баҳолайди. Талабалар ўз билимларини баҳолашни, турли предметлар бўйича ўз-ўзини ҳам, уларни бирлаштириш кўникмаларини назорат қиладилар.

Текширувлар кўрсатишича интеграл ёндошувчи амалга оширишга ёрдам берувчи усул ва воситаларга:

1. Эвристик суҳбатлар;
2. Умумий суҳбатлар;
3. Эскурсиялар;
4. Нутк ўстириш учун ёзилган ижодий ишлар;
5. Таълимнинг кўргазмалари, методлари;
6. Мустақил ишлар;
7. Масалаларни ҳал қилиш, ечиш ва бошқалар.

Таълимни табақалаштириш рад этмайдиган, уни тўлдирадиган интеграция тизимини киритиш яхлит дунёқарашга, ўзидаги бор билимларини мустақил тартибга солиш ва турли муаммоларни ҳал қилишга ноанъанавий ёндошиш қобилиятига эга бўлган билимдон ёшларни тарбиялашга анъанавий предметларга бўлиб ўқитишга нисбатан кўпроқ ёрдам беради.

Интеграция таълим мақсади сифатида олам тизимининг алоҳида қисмлари боғлиқлигини кўрсатувчи билимларни бериши эмас, болани барча элементлари бир-бирига боғлиқ яхлит оламни ўргатиши керак.

Интеграция - предметли билимлар чегарасида янги тасаввурларини қабул қилиш воситаси. Биринчи навбатда табақалаштирилган билимлар орасида билмаган жойларни тўлдириш, улар орасидаги алоқаларни ўрнатиш лозим. У таълим олувчининг билимини оширишга, таълимдаги тор ихтисослаштиришни янгилашга йўналтирилган. Интеграция таълимининг классик ўқув предметлари ўрнини эгаллаши керак эмас, у фақат муаммонинг қийин томони интеграциянинг таълим бошидан охиригача динамик ривожлантиришдадир. Агар бошида «ҳамма нарса тўғрисида озгина билиш» лозим бўлган бўлса,

кейинчалик тарқоқ билим ва кўникмаларни бирлаштириш керак бўлади ва охирига келиб «озгина нарса тўғрисида ҳаммасини билиш» керак бўлади, яъни бу янги интеграция даражасидаги ихтисослаштиришдир.

## **2.2. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнининг интеграциялашган инновацион шакллари.**

Ўқув жараёнини ташкил этишдаги асосий вазифа педагогик технологиядан самарали фойдаланиш эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Аммо шу кунга қадар педагогик технологиянинг аксарияти назарий муаммоларга бағишланган бўлиб, амалиётга таъсири камроқ сезилмоқда. Бунинг учун замонавий технологияларни тезроқ амалиётга жорий этиш усулларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Таълимда талабаларга маълум билимлар тизимини етказиб, уларни фақат эслаб қолишнинг ўзи бугунги кунда етарли бўлмай қолди. Замонавий билим олишда мотивация уйғотиш, мустақил билим олиш иштиёқини ҳосил қилиш, интеграция асосида таълим бериш долзарб вазифалардандир. Педагогик технология ана шундай талабни рўёбга чиқаришга қаратилган таълим тизимидир. Технологиянинг асосий талаби-талабаларнинг пухта билим олиши, билимларни ўзлаштиришда фаоллик кўрсатиши, мустақил фикрлаши, таълимда аниқ самарадор натижага эришишдир. Педагогик технология турли-туман қирраларга эга. Биз ушбу параграфда фақат бир масала-интеграция ва шу орқали самарали натижага эришиш йўл-йўриқлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Биз аввало ҳозирги кунда таълимда турли хил яъни, инновацион технологиялар, педагогик технологиялар, интерфаол методлар, илғор педагогик технологиялар ўқитишнинг фаол методлари каби атамаларга дуч келмоқдамиз. Шуларни эътиборга олган биз бу атамаларнинг вужудга келиши ва ривожланиши тарихига назар ташлаймиз.

30-йилларда “Педагогик техника“ тушунчаси махсус адабиётларда пайдо бўлди ва у ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга йўналтирилган усул ва воситалар йиғиндиси сифатида қаралди. Шунингдек, бу даврда ПТ деб ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан муомала қилишни уддалаш, кўргазмаларни қуроллардан фойдаланиш тушунилди.

40-50 йилларда ўқув жараёнига ўқитишнинг техник воситаларини жорий этиш даври бошланди. Айниқса кино, радио, назорат воситалари, улардан фойдаланиш методикаси ПТга тенглаштирилди.

60-йилларнинг ўрталарида бу тушунча мазмуни чет эл педагогик нашрларда кенг муҳокамага тортилди. 1961 йилдан бошлаб АҚШда “Педагогик технология“ (Educational Technology), 1964 йилдан Англияда “Педагогик технология ва дастурли таълим“ (Technology and programmed Learning), Японияда эса 1965 йилдан “Педагогик технология“ (Educational Technology) журналлари чоп этила бошланди. 1971 йилда худди шу номли журнал Италияда чиқарила бошланди.

ПТ муаммосининг ўта долзарблиги ҳисобга олиниб, унинг илмий асосларини тадқиқ қилиш мақсадида махсус корхоналар тузилди. Мисол учун, 1967 йилда Англияда педагогик технология Миллий Кенгаши (National Council for Educational Technology) ташкил этилди ва 1970 йилдан бошлаб “Педагогик технология журналари“ (Journal of Educational Technology) чиқа бошлади. АҚШнинг қатор университетлари ва илмий марказларида ҳам ПТ муаммоларига жиддий эътибор берилди. 1971 йилда махсус “Коммуникация ва технология Ассоциация“си (Association for Educational Communications and Technology) фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирги кунда бу ташкилотнинг барча штатларда ва Канадада 50 дан зиёд филиаллари ишлаб турибди.

Японияда ПТ муаммолари билан тўртта илмий жамият шуғулланмоқда, фаол ҳаракатдаги педагогик технология Марказий Кенгашининг 22 та давлат университетларида марказлари мавжуд, ҳар уч ойда япон тилида чиқадиган “Педагогик технология

соҳасидаги тадқиқотлар“ (Educational Technology Research) журналларида йирик олимларнинг илмий ишлари ўз ўрнини топмоқда. Яқинда Умумяпон педагогик технология Марказий Кенгаши (The Japanese Council of Technology Centers) тузилиб, бу соҳада халқаро алоқалар ўрнатиш ишлари билан машхур.

Дидактиканинг бу йўналишига эътибор ниҳоятда ошиб боришини 70-йилларда ўтказилган қатор халқаро конференциялар тасдиқлайди. Шундай халқаро конференциялар 1966 йилдан бошлаб ҳар йили баҳорда Англияда ўтказилиб келинади ва анжуман материаллари “Педагогик технология жиҳатлари” (Aspects of Educational Technology) номида нашр қилинади.

Юқоридагиларнинг ўзиёқ ПТ педагогика назарияси ва амалиёти соҳасидаги алоҳида ҳодиса сифатида диққат марказда турганлигини, 60-йиллардан бошлаб чет элларда янги йўналиш сифатида шаклланганлигини таъкидлаб турибди. Таҳлиларнинг кўрсатишича, бу даврда ПТ икки йўналишда муҳокама қилинди ва ривожлантирилди: биринчиси - ўқув жараёнига техник воситаларини қўллаш билан боғлиқ бўлса (шу жумладан дастурли таълимнинг техник воситалари), иккинчиси - ўқитиш технологияси масалаларини, яъни ўқув материалларни таҳлил қилишдан тортиб таълим жараёнини турлича нашрли ва техник воситалардан жамулжам фойдаланган ҳолда тизимли ташкил этишга қадар бўлган кенг доирадаги муаммоларни қамраб олади.

1977 йилда Будапештда ўтказилган ўқитиш технологияси бўйича Халқаро семинарда таълимни технологиялаштириш жараёни билан боғлиқ омилар рус олими С.Г. Шаповаленко томонидан қуйидагича белгиланди:

- техникани билиш ва мукамал эгаллаш;
- аудиовизуал фонди билан таниш бўлиш;
- техник воситалардан фойдаланиш методикасини эгаллаш.

Бироқ бу фикрнинг бир ёқламалиги яққол кўзга ташланади. Ундан фарқли ўлароқ ғоялар шу семинар иштирокчилари томонидан айтилди. Мисол учун, венгер олими Л. Салаи ўқитиш технологияси доирасини бир мунча кенгайтиришга уринади:

режалаштириш, мақсад таҳлили, ўқув- тарбиявий жараёни илмий асосда ташкил этиш, мақсад ва мазмунга мос келадиган методлар, воситалар ва материалларни танлаш бевосита ПТни лойиҳалашдаги ўқитувчи фаолиятига хослигини таъкидлайди. Шунга яқин фикрлар, яъни ўқитиш технологияси ўзида ёрдамчи восита ва янги тизимни қамраб олган ҳолда ўқув жараёнини ривожлантиришга, унинг ташкилий шакллари, методларини, мазмунини ўзгартирган ҳолда ўқитувчи ва талабаларнинг педагогик тафаккурлашига таъсир кўрсатиши Ж. Целлер томонидан таъкидланди. Бу маълумотлар шундан далolat берадики, 70-йиллар охирига келиб чет элларда техника ривожини ва таълимни компьютерлаш даражасига боғлиқ ҳолда ПТнинг иккита жиҳатлари алоҳида ажратилиб кўрсатилган ва тадқиқ қилинган: 1) ўқув жараёнига техник воситаларни жорий этиш; 2) амалий масалалар ечимини топишда билимлар тизимидан фойдаланиш. Мисол учун, Японияда бу даврда олиб борилган тадқиқотлар ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг биринчи йўналиши, яъни таълимнинг янги техник воситаларини яратиш ва ўқув жараёнига қўллаш билан бевосита боғлиқ бўлган (Noshinisono Harou, Educational Technology in Japan, Audio shal Instruction, November, 1979).

Бундай ҳолат бошқа қатор давлатлар учун ҳам характерли бўлиб, ПТнинг иккинчи йўналиши - назарий-дидактик жиҳатлари 80-йилларнинг бошида АҚШ ва Англияда тадқиқот объектига айланди. Чунки “технология“ сўзи кенг маънода назарий билимларни амалиёт мақсадига кўчириш, бу кўчиришнинг аниқ йўллари ишлаб чиқиш зарурати эътироф этилди.

Уш, ПТ мамлакатимиз таълим тизимида, қолаверса, педагогик нашрларда илмий тушунча тарзда қачон пайдо бўлди? Шубҳасиз, янги соҳа 1997 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида долзарб тадқиқот объекти даражасига кўтарилди ва ижтимоий буюртма сифатида юзага қалқиб чиқди. Шу билан биргаликда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бу муаммога қўл урилди, аниқроғи 1993 йилда “Халқ таълими” журналида чоп этилган

мақолада биринчи марта ПТ тушунчаси моҳияти, унинг таърифи маълум педагогик тизим доирасидаги талкини ёритилди .

Бугун эса ПТ мавзуси бўйича мамлакатимизда назарий ва амалий конференцияларни уюштириш, вақтли матбуотларда мақолаларнинг тез-тез кўзга ташланиб туриши ижтимоий воқеликка айланиб борётганлиги қувончлидир. Самарқанд Давлат Университетида ўтказилган “Олий таълимнинг ҳозирги долзарб муаммолари” Олий ўқув юртлариаро илмий-методик конференциянинг ялпи йигилишида “Педагогик технология: концептуал таҳлил” мавзусида маъруза қилинди Маърузада таълимни технологиялаштириш жараёни ижтимоий буюртма сифатида мавжудлиги эътироф этилди, ПТ таърифи, моҳияти ва тарихи ҳамда замонавий лойиҳаси методологик ёндашувлар асосида таҳлил қилинди.

XXI асрга қадам қўйиш арафасида Г.К.Селевко томонидан ПТга оид йирик методик асар - ўқув қўлланма яратилди ва унда педагогик технологиялар таснифи келтирилади. Олим ПТларни ўн икки турга ажратади:

1. Қўлланиш даражаси бўйича (умумпедагогик; хусусий предметли; локалли, модулли, тор педагогик).

2. Фалсафий асос бўйича (материализм, идеализм, диалектик, метофизик, инсонпарвар, ноинсонпарвар, антропософия, теософия, прогматизм, экзистенциализм, сционизм).

3. Рухий ривожлантиришнинг етакчи омиллари бўйича (биогенли, социогенли, психогенли, идеалистик).

4. Ўзлаштириш концепцияси бўйича (ассоциатив - рефлаторли, ривожлантирувчи, беҳевиористик, гештальттехнология, суггестив, нейролингвистик).

5. Шахс тузулмасига йўналтирилганлик бўйича (информацион, операцион, ҳаяжонли-бадий, ҳаяжонли-ахлоқий, ўз-ўзини ривожлантирувчи, эврестик ва амалий).

6. Мазмуни ва тузулиш характери бўйича (таълимий ва тарбиявий, дунёвий ва диний, умумтаълим ва касбга йўналтирилган, гуманитар ва технократик, турлича соҳавий

технологиялар, хусусий предметли ҳамда монотехнологиялар, политехнологиялар).

7. Ташкилий шакллар бўйича (синф - дарс, муқобилли, академик, яққа тартибли, гуруҳли, жамоа бўлиб ўқиш усуллари, табақалаштирилган таълим).

8. Билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тури бўйича (маърузали классик ўқитиш; аудиовизуалли техник воситалар ёрдамида ўқитиш; "маслаҳатчи тизим"; китоб ёрдамида ўқитиш; "кичик гуруҳ" тизими; компьютерли ўқитиш; "репетитор" тизими; "дастурли таълим" - В.П.Беспалько).

9. Болага ёндашиш бўйича (авторитар, дидактоцентриқ, шахсга йўналган технологиялар, ҳамкорлик технологияси, эркин тарбиялаш технологияси, эзотерик технологиялар).

10. Устувор методлар бўйича (репродуктив, изоҳли-тасвирли, ривожлантирувчи таълим, муаммоли таълим, ижодий, дастурли таълим, диалогли, ўйинли таълим, ўз-ўзини ўқитиш таълими, информацион таълим).

11. Мавжуд анъанавий тизимларни янгилаш йўналишлари бўйича (муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосида; болалар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосида; ташкиллаштириш ва бошқариш самарадорлиги асосида; ўқув материалларни методик ва дидактик реконструкциялаш асосида; табиатан монандлик, муқобиллик технологиялари; муаллифлик мактабининг ягона технологияси).

12. Таҳсил олувчилар тоифаси бўйича (оммавий технология, олға одимловчи таълим, тўлдирувчи; ўзлаштирмовчилар билан ишлаш технологиялари, иқтидорлилар билан ишлаш технологиялари).

Бу таъсифни келтиришдан асосий мақсад педагогларни ўтмишда қўлланилган, ҳозирги кунда жорий этилаётган ва келажак фаолиятда қўллаш мумкин бўлган технологиялар билан тўлиқ таништиришдир. Таъсифдан кўриниб турибдики, олимнинг ўзи ҳам ҳар доим илмий жиҳатдан асосланган ва ҳаммага ҳам тушунарли

бўлган технологияларни келтириш лозимлиги олдида ҳисоб беравермайди.

Шундай қилиб, ИТ концепциясининг ривожланиш тарихини кузатиш натижалари асосида бу соҳада сермашаққат изланишларни олиб бораётган тадқиқотчиларни фаолият даражаларига боғлиқ ҳолда шартли уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Баъзи “жонкуяр” олимларнинг ИТни педагогикадаги замонавий йўналиши деб анъанавий ёндашишлари ва ўз имкониятлари доирасида муаммога илк бор қўл уришлари. Улар “тасодифий” гуруҳ вакиллари дир.

2. Таълимнинг бугунги аҳволига қайғурадиганлар ва уни инқироздан қутқарувчи куч технологиялаштириш деб қарайдиган “қисман ижодкор” гуруҳига мансуб тадқиқотчилар дир.

3. Бу гуруҳ аъзолари технологиялаштиришни объектив жараён, деб ҳисоблайдилар ва янги сифатий муаммоларни ечиш учун таълимни эволюцион жараёнга кўтариш шартларидан бири эканлигини эътироф этган ҳолда ижод қилмоқдалар. Улар “илмий” гуруҳни ташкил этадилар.

Дидактик жараён босқичларини муайян кетма-кетликда қуриш талабаларнинг билиш фаолиятини мавзу бўйича белгиланган мақсадларга мос ҳолда танланган ўқитиш методлари ёрдамида ташкил этиш демак дир. Ўқитиш методлари ўз моҳияти ва мазмунига кўра маълум педагогик назарияга асосланган у ёки бу таснифга тегишли бўлади. Уларнинг самарадорлиги тўғрисида фикр юритилганда ўқитиш жараёнини изга соладиган ва уни мақсадли йўналтира оладиган, ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлаш асосида жамият томонидан ОЎЮ (мактаб, касб-хунар коллежи) олдига қўйилаётган мақсадга нечоғлиқ эришилаётганини кўзда тутиш керак. Ёхуд ўқитиш методлари бевосита таълим амалиёти билан алоқадор концепция дир. “Ўқитиш методи дастлаб педагог онгида фаолиятнинг умумлашган лойиҳаси тарзида мавжуд бўлади. Бу лойиҳа амалиётга ўқитувчи ва талаба фаолиятларининг ўзаро туташуви текислигида, ўқитиш ва ўқишнинг аниқ ҳаракатлар,

амаллар ёки усуллар мажмуаси сифатида жорий этилади. Методнинг бошқа намоён бўлиш шакллари йўқ, сабаби умумий ҳолда ўқитиш методи ўзида фаолиятнинг дидактик моделини ифода этади” .

Педагогик нашрларда ўқитиш методларини фаол ва сустр гуруҳларга ажратиш ҳоллари мавжуд. Агар ҳар бир метод белгиланган у ёки бу мақсадни ечишда ўз ўрнида ишлатилса, шубҳасиз, фаолдир. Педагогик технологиялар ҳам дарсда талабалар фаоллигининг юқори даражасини таъминлаш асосида олдиндан белгиланган мақсадга эришишга қаратилади. Шу боисдан бу фаслда ҳали педагогик амалиёт учун нотаниш бўлган чет эл дидактикасига оид методлар ҳақида фикр юритилади.

Американинг “Street law” (кўча қонуни) дастури бугунги кунда ер юзининг кўплаб давлатлари томонидан “аср”га олинган ва таълим маконига ўрнашиб қоляпти. Бунга сабаб дастурдан ўрин олган юзлаб ўқитиш методларининг фаоллиги, жозибалиги ва таъсирчанлигидир. Улар ёрдамида талабалар ўз фикрларини эркин ифодалаш, ахборотларни танқидий қабул қилиш, жамоада ишлаш, ўз мавқеини мустақкамлаш, фикрларини ҳимоя қилиш, ҳақ-хуқуқларини англаб етиш каби имкониятларга тезда эга бўладилар. Ўқитувчи эса дидактик жараёни қуришда бу методлардан оқилона фойдаланмоғи, уларни мавзу бўйича ўқув элементларининг мураккаблиги ва вақт тўғизлигига қараб чалғиштирмоғи лозим. Қуйида “Street law” дастуридаги баъзи методлар келтирилади.

### **“АҚЛИЙ ҲУЖУМ”.**

“Ақлий ҳужум” методининг моҳияти жамоа ҳамкорлиги асосида муаммони ечиш жараёнларини вақт бўйича бир қанча босқичларга (ғояларни генерациялаш, уларни танқидий ва конструктив ҳолатда ишлаб чиқиш) ажратишдан иборат.

Дарс жараёнида ақлий ҳужумдан мақсадли фойдаланиш ижодий, ностандарт тафаккурлашни ривожлантириш гарови ҳисобланади. “Ақлий ҳужум”ни уюштириш бир мунча содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимини

топишда ҳам жуда қўл келади. Дастлаб гуруҳ йиғилади ва улар олдига муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадilar. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзга киши ғояларига ҳужум” қилиши ёки баҳолашига ҳаққи йўқ. Демак, “ақлий ҳужум” йўли билан қисқа минутларда ўнлаб ғояларни юзага чиқиш имкониятлари мавжуд бўлади. Аслини олганда ғоялар сонини қўлга киритиш асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладилар. Бу метод шартларидан бири ҳеч қандай ташқи таъсирсиз қатнашувчиларнинг ҳар бири фаол иштирокчи бўлиши керак. Билдирилган ғояларнинг беш ёки олтитасигина асосий ҳисобланиб муаммо ечимини топишга салоҳиятли имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, “ақлий ҳужум” қоидаларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;

-иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;

-исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;

-муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;

-барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;

-“ҳужум”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;

-бериладиган саволларга қисқача ( асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

**Вазифаси:** “Ақлий ҳужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллилигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ (синф) янада жипслашади.

**Объекти:** қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади). ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади.

**Қўлланиш усули:** “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва ҳужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

#### **“АЖУРЛИ АРРА”**

“Ажурли арра” (ажур - французча “ajour” сўзидан олинган бўлиб “бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган, икки томони очиқ” маъносини англатади) методи тузилиш жиҳатидан ўзида қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1. **Топшириқларни бўлиш:** Топшириқ ва матнли материаллар бир неча асосий қисмларга (ёки мавзуларга) қирқилади.

2. **Бирламчи гуруҳлар:** Ҳар бир гуруҳ аъзолари қирқилган мавзунини оладир ва экспертга айланадир.

3. **Эксперт гуруҳлари:** қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган талабалар мавзунини муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллагаш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар.

4. **Бирламчи гуруҳлар:** Ўқувчилар ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўрганганларини ўқитишади.

**Изоҳ:** “Ажурли арра” моҳиятига аниқлик киритиш учун баъзи бир тавсияларни ёритиш лозим.

1. Ўқитиш жараёнига бу тарзда ёндашилганда талабаларнинг ҳамкорликда ишлашига ва қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришларига имкон туғилади.

2. У ёки бу фаолиятни дарсда амалга ошириш учун талабаларга бошланғич ахборотларни узатиш зарурати туғилса, маъруза ўрнини боса оладиган самарали инструментарий ҳисобланади.

3. Ўқитувчи мураккаб мазмунли мавзулар бўйича талабаларни дарсга тайёрлаш учун олдиндан уларнинг ҳар бирига мўлжалланган алоҳида ахборотли пакет тайёрлайди. Унда дарсликдан, қўшимча тарзда газета, журнал, мақолалардан материаллар бўлиши керак.

4. Ҳар бир талаба 2 гуруҳ таркибида иштирок этди: дастлаб “ўз уйи” (бирламчи) гуруҳига, кейин эса “эксперт” гуруҳига бирлашиб, ўқув элементларини мустақил ўрганишади. Эксперт гуруҳини тезда ташкил этиш учун талабалар олган ахборотли пакетларда ҳар бир мавзуга оид материаллар бир хил рангдаги қоғозларга ёзилган ёки рангли қалам билан қоғознинг бирор бир бурчаги бўялгани маъқул.

5. Ҳар бир гуруҳда 3 тадан 5 тагача киши (талабалар сонига қараб) бўлиши мумкин. Ҳар бир талаба “ўз уйи”дагиларни ва қайта учрашиш жойини аниқлаб олиши керак.

6. Ўқитувчи талабаларни “рангли” топшириқлар асосида гуруҳга бирлашишини таклиф этади ва улар алоҳида мавзулар бўйича экспертга айланади. Мисол учун, “қизил”ларни синф хонаси охирида, “кўк”ларни эса аудитория йўлакчасида учрашиши белгиланади. Ҳар бир эксперт гуруҳда 3 тадан кам талаба бўлмаслиги керак.

7. Гуруҳларга ахборотли пакет тарқатилади. Ҳар қайси гуруҳ турли хил материаллар тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, муҳокама қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича экспертга айланиши лозим. Ўқув материаллари бўйича “эксперт” бўлиши учун талабаларда вақт етарли бўлиши керак. Бу учун агар материаллар мураккаб ва катта бўлса, эҳтимол, бир дарс тўлиқ талаб қилинади.

8. Талабаларга қуйидагича топшириқлар берилади:

- пакетдаги материалларни кунт билан ўрганинг ва муҳокама қилинг;

- бир-бирингиздан сўранг ва ўқув материалларини ҳар бирингиз тушуниб олганингизга ишонч ҳосил қилинг;

- ўз “уйингиз” гуруҳини ўқитиш зарурлигини ҳисобга олиб материалнинг муҳим ўқув элементларига эътиборни қаратинг.

9. Талабаларнинг ўз “уйларига” қайтишларини илтимос қилинг. Ҳар бири ўз “уйи”- гуруҳига ахборот беради. Шаксиз, “уй” гуруҳида эксперт гуруҳларидан биттадан талаба бўлиш шарт. Талаба ўрганиб келган материалларни ўз гуруҳи талабаларига ўргатиш жавобгарлигини бўйнига олиш лозим. Бу жараён ўқув материалининг ўзлаштириш зарурлигига қараб яна бир соат давом этиши мумкин.

10. Талабалар бир-бирларидан ахборотларни ўрганишиб бўлишгач, ўқитувчи олдиндан режалаштирган фаолият турини ўтказиши мумкин.

### **“МУНОЗАРА”**

Бу метод ёрдамида талабаларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзуни талабалар аёвсиз “штурм” қиладилар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўрганадилар

#### **Мунозарани ўтказиш методикаси.**

1. Мунозара олиб борувчи - бошловчи (ўқитувчи, журналист, бошлиқ ва ҳоказо) мавзуни олдиндан танлайди ва иштирокчиларни таклиф этади.

2. Бошловчи иштирокчиларга “ақлий хужум” топширигини беради ва унинг қоидаларини тушунтиради:

- “хужум”дан мақсад - муаммо ечимига оид вариантларни мумкин қадар кўпроқ таклиф этиш;

- ўз ақл-идрокингни марказлаштиришга ҳаракат қилинг ва диққатни муаммо ечимига қаратган ҳолда фикрлар билдиригиз. Билдирилган ғоялар умумий фикрга зид бўлсада, ҳеч бири рад этилмайди;

- бошқа иштирокчилар ғояларини ҳам ривожлантиригиз;

- таклиф этилганларни баҳолашга уринманг, бу иш билан сиз кейинроқ шуғулланасиз.

3. Бошловчи котибини тайинлайди ва у юзага келган барча ғояларни ёзиб боради. Муҳокама вақтида сўзга чиқувчилар тартиби ўрнатилади, мунозарага барча иштирокчилар жалб этилади ва уларга ўз фикрларини ифодалаш учун имкониятлар берилди. Агар бирор бир киши томонидан “ақлий ҳужум”ни ўтказиш қоидалари бузилса, бошловчи зудлик билан муҳокамага аралашади. Биринчи босқич янги ғоялар пайдо бўлгунча давом этаверади.

4. Бошловчи иштирокчиларнинг танқидий тафаккури “чархланиши” учун қисқача танаффус эълон қилади. Кейин иккинчи босқич бошланади. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари гуруҳланади ва биринчи босқичда билдирган ғояларини мустаҳкамлайдилар. ғоялар гуруҳ бўйича бирлаштирилиб, муаллифлар уларни таҳлил қилишга киришдилар ва натижада ўртага қўйилган муаммонинг ечимига тегишли бўлган фикрларгина ажратиб олинади.

Бошловчи мунозарага яқун ясайди.

**Изоҳ:** Америкача мунозара методи турли шаклларда ташкил этилиши эътироф этилган. Бизнинг амалиётда энг кўп тарқалган тури - бу “телемунозара” ҳисобланади.

Телешоу усулидаги мунозара афзалликлари хусусида икки оғиз: бу шаклда ташкил этиш бир вақтнинг ўзида гуруҳда маъруза ва мунозара методларини қўллаш имкониятини беради. 3-5 киши бўлган гуруҳ олдиндан танланган мавзу бўйича бошқа қатнашчи (томошабин)лар иштирокида мунозара ўтказадилар. Томошабинлар муҳокамага кейинроқ қўшилиб ўз фикрларини айтишади ёки савол берадилар.

Телешоу шаклида ташкил этилган мунозарада берилган мавзу бўйича турли фикрларни бирмунча аниқ ифодалашга имконият туғилди. Албатта, бу ерда муҳокамага жалб этилганлар суҳбатга пухта тайёргарлик кўришлари ёки шу соҳа билимдонлари бўлишлари билан биргаликда асосий мавзудан четга чиқиб кетмасликлари керак.

Телешоуда ҳар бир иштирокчига ўз фикрини тўлиқ баён қилишлари учун кенг имкониятлар бериши лозим (3-5 мин). Бошловчи мунозара боришини кузатиб боради, агар белгиланган мавзудан четга чиқиш ҳоллари рўй берса, дарҳол мунозарага аралашиб шарт.

### **“ЎЗ ЎРНИНГНИ ТОП”.**

Агар аудиторияда у ёки бу мавзу бўйича тортишувлар вужудга келса бу метод ёрдамида муаммонинг ечимини топиш мумкин. Ундан кўпинча дарснинг кириш қисмида фойдаланишда ва ўтилаётган мавзунини ўрганишга турли хил ёндашувлар мавжудлиги намойиш этилади. Бу бир томондан. Иккинчидан, талабаларга ўз фикрини баён қилишга, мулоқот қўникмаларини қайтадан тузатишга имкониятлар мавжуд бўлади. Учинчидан, дарс сўнгида ўқитувчи томонидан мавзунини ўзлаштириш даражасини баҳолаш аниқ амалга оширилади.

1. Аудиториянинг қарама-қарши бурчакларига иккита плакат осилди. Уларнинг бирига “розиман”, бошқасига “рози эмасман” деган сўзлар ёзилиши керак. Плакатларда баъзи бир мавзуга оид саволлар бўйича билдирилган қарама-қарши фикрлар ҳам ёзилиши мумкин. Масалан: “анжир гуллайди ва мева тугади”, ёки “анжир гулламадан мева тугади”.

2. Дарсни ташкил этиш қоидалари муҳокама қилинади.

3. Қаралаётган муаммо юзасидан ўз фикрларига мос келадиган плакат ёнига бориш зарурлиги талабаларга таклиф этилди.

4. Бўлинган талабалардан ўз қаршиларини асослаш сўралди. Бу пайтда бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиш рухсат этилади ва шу тариқа синф талабаларининг ҳаммаси жалб этилди.

5. Муаммо бўйича фикрлар билдирилгач, талабалар ичида мунозара давомида ўз нуқтаи назарини ўзгартирганлар ва бошқа гуруҳга ўтувчилар бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда улар ўз ўрнини ўзгартириш сабабларини асослаши керак бўлади.

6. Иштирокчилардан оппонентлари ичида муаммо юзасидан энг ишончли фикр айтган талабаларни аниқлаш сўралди.

## **“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ”.**

### **ҚЎЛЛАНИШ УСУЛИ.**

Кичик гуруҳларда ишлаш талабаларнинг дарсда фаоллигини таъминлайди, ҳар бири учун мунозарада қатнашиш ҳуқуқини беради, бир-биридан синфда ўрганишга имкони туғилди, бошқалар фикрини кадрлашга ўргатади.

1. **Фаолиятни танлаш.** Мавзуга оид муаммо шундай танланадими, натижада талабалар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.

2. **Зарурий асос яратиш.** Талабалар кичик гуруҳ ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича баъзи билим, кўникма ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари керак.

3. **Гуруҳларни шакллантириш.** Одатда ҳар бир гуруҳда 3-5 талаба бўлади, (эхтимол, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гуруҳда ишлаш у ёки бу ёзма ҳужжат тайёрлашни талаб этса, яхшиси 2-3 кишили гуруҳ тузилгани маъқул. Гуруҳ ўлчови масаланинг муҳимлиги, аудиториядаги талабалар сони, талабаларнинг бир-бири билан конструктив ҳолатда ўзаро ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Энг яхшиси, “гетроген” гуруҳ ташкил этишидир. (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). Гуруҳда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянади. (Мисол учун, бир талаба мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва ҳоказо). Аудиторияни гуруҳларга ажратиш, ҳоқиқ бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.

4. **Аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш:** Талабаларга фаолиятни бажариш бўйича аниқ ва ҳажм жиҳатдан кўп бўлмаган тушунтириш берилади. Ўқитувчи гуруҳларининг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инobatга олган ҳолда вақт чегарасини айтади. Гуруҳлар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланади. Талабалар гуруҳда ишни бошлашлари учун вазифаларини аниқ тушуниб етганлиги текшириб кўрилади.

5. **Қўллаб-қувватлаш ва йўналтириш:** Ўқитувчи зарурат туғилса гуруҳлар ёнига навбатма-навбат келиб тўғри йўналишда ишлаётганлигини қайд этади ёки уларга ёрдам беради, гуруҳларга таъйиқ ўтказилмайди.

6. **Муҳокама қилиш ва боҳолаш:** Гуруҳларда иш якунлангач, улар натижалари бўйича ахборот берадилар. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ ўз сардорини белгилайди. Зарурат туғилса, фаолият натижалари бўйича билдирилган фикрлар ўқитувчи томонидан ёзилиб борилади. Муҳими, гуруҳнинг Ҳз ечимининг асосланишини аниқлаштириб олишдир. Агар вақт етарлича бўлса, у ёки бу фикрни аргументлашда гуруҳлар бир-бирига савол ҳам беришлари мумкин. Кичик гуруҳларда ишлаш натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

*“Меню”*

Якка тартибда ёки кичик гуруҳлар билан иш олиб боришни хоҳлаган ижодкор ўқитувчига “Меню” методидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда кичик гуруҳ (талаба) га аниқ топшириқ берилади. Мисол учун “Касб таълими методикаси” фанидан “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмуни” мавзусида талабалар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида керак бўладиган меъёрий ҳужжатлар билан танишишлари талаб этилади. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ учун алоҳида топшириқ тайёрлайди.

1. Давлат таълим стандартлари.
2. Ўқув режаси.
3. Ўқув дастури
4. Календар мавзули режалар.
5. Дарс режаси.

Ҳар бир гуруҳ топшириқ олади ва 3 дақиқа давомида муҳокама қилишади, сўнгра ҳар гуруҳлардан биттадан вакил ўқитувчи столига келишади ва тайёр “Меню”ни олиб қайтишади. Бу узун қирқилган қоғозлар - “Тиллар” бўлиб, уларда хилма-хил мавзу бўйича маълумотлар баён қилинган бўлади. Гуруҳ вакили тиллардан танлаб олади ва ўз гуруҳига олиб келади, кейин бошқа

талаба шу ишни бажаради ва зарурий материаллар йиғилгунча бу ҳолат давом этади. 10 дақиқа давомида топшириқ муҳокама қилинади ва расмийлаштирилади. Бу жадвал қўлда тайёрланиши ҳам мумкин ёки жавоблар оғзаки ҳам бўлиши мумкин. Бошқа гуруҳ вакиллари саволлар беришади, ўқитувчи эса гуруҳ ишларини, сардор фаолиятини баҳолаб боради.

### **“Кичик гуруҳларда босма материаллар билан ишлаш”.**

Кичик гуруҳларда ишлашнинг яна бир самарали методи - бу нашр қилинган материаллар билан ишлаш ҳисобланади. Талабаларнинг зарурий ахборотларни излаб топишлари учун, назарий билимларни мустаҳкамлаш ёки таснифлашлари учун, назарий материалларни чуқур англаб олишлари учун бу методдан фойдаланиш яхши самара беради. Аудитория 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳ бир хил ёки турлича мазмундаги топшириқлар, газеталар, журналлар, фотоальбомлар, бюллетенлар олишади.

Зарурий материаллар: А - I Форматли оқ қоғоз, қайчи, елим.

Топшириқлар:

А) Газеталардан таълим муассасаларига оид ахборотларни топинг ва қуйидаги тартибда уларни жойлаштиринг.

- 1) Мактабгача таълим муассасалари.
- 2) Умумий ўрта таълим мактаблари.
- 3) Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими.
- 4) Академик лицейлар.
- 5) Касб-ҳунар коллежлари.
6. Олий таълим.

Ҳар бир гуруҳ (улар 4 та) топшириқ олади, газетадан керакли материалларни топади, мақолаларни, суратларни қирқиб олади ва плакатга елимлайди, зарурий матнни шарҳлайди. Ҳар бир гуруҳ ўз сардорини аниқлайди ва улар иш якуни тўғрисида ҳисобот берадилар. Бошқа гуруҳ талабалари саволлар беришади ва ишни баҳолашади.

Бу методни қўллаш давомида талабалардан барча материаллар йиғиб олинади, аксинча талабалар газеталардаги бошқа қизиқарли

мақолаларни ўқишга киришиб кетадилар ва сардорлар фикрларига кулоқ солмайдилар. Талабалардан эҳтиёт бўлиб ишлаш талаб этилади, ортиқча қоғоз қирқиш, елимлаш, аудиторияни ифлослантиришга йўл қўйилмайди.

### “ ДЕБАТЛАР ”

Дебатлар асосида дарсларни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад муаммонинг ечимини топишда талаба ўзгаларни ўз ёндашувининг тўғрилигига ишонтиришдир. Ўз фикрини аниқ ва мантиқий баён этиш, бунинг учун эса ишонarli далиллар ва хулосалар топиш кўникмаларини шакллантиришда дебатлар ўтказиш самарали метод ҳисобланади.

Улар талабаларда ижтимоий фикрни ўзгартиришга таъсир этиш қобилияти мавжудлигига ишонч туйғуларини ривожлантиради.

#### **Методик тавсиялар:**

Дебатлар мавзусини англаб етишлари учун талабаларга шароит туғдирилади. Бунинг учун эса мавзуни *резолуция* шаклида ифодалаш керак бўлади. Маълумки, резолуция ҳар доим мавжуд ҳолатни ўзгартиришни талаб этади.

Машғулотга маҳаллий мутахассислардан (олим, врач, муҳандис, ижтимоий арбоб ва бошқа) бири таклиф этилади.

Дебатда қатнашиш учун иктидорли талабалар танланади ва улар икки гуруҳга ажратилади: резолуцияни қўллаб-қувватлайдиган ва уларга қарши чиқувчи иштирокчилар дебатларни ўтказиш қондасини чуқур ўзлаштирган бўлишлари керак. Гуруҳ сардори регламентга риоя қилишни кузатувчи - ёрдамчини тайинлайди.

“Конструктив аргументлар” (3-5 та ҳолатга асосланган); мантиқий ифодаланган ва далилий материаллар билан мустаҳкамланган аргументлар тайёрлаш учун талабаларга етарлича вақт берилади. Уларга муаммонинг кўламини англаш ва баҳсда ўз фикрини сақлаб қолишлари учун аниқ, мантиқий аргументлар тайёрлашда ўқитувчи ёрдам бериши керак. Шу билан биргаликда талабалар қарши томон билдирган фикрларни қандай бўлиши

мумкинлигини тахмин қилишлари ва олдиндан бу фикрларни инкор этишга ҳам тайёргарлик кўришлари лозим.

Баҳслашув натижасида талабалар нималарни қўлга киритиш мумкинлигини тушуниб етсагина дарс самараси тўғрисида гапириш мумкин. Талабаларни шундай далил-исбот топиш кўникмаларини эгаллашга ўргатиш керакки, натижада билдирилган фикрни қарши томоннинг муҳокама қилишига ўрин қолмасин. Шундагина талабалар тенгдошларининг қарашларини ҳурмат қилишга ёки хусусий тасаввурларини курсдошининг фикри олдида ожиз эканлигини тан олишга ўрганади, энг асосийси, уларда эркин фикр юритиш кўникмалари шакллана боради.

#### **Дебатларни ўтказиш тартиби:**

1. Ўқитувчи ва дебат иштирокчилари аудиториядан жой олишади. қулай бўлиши учун резолюцияни қўллаб-қувватлайдиганлар ўқитувчининг ўнг томонига, қаршилар эса чап томонига жойлашишгани маъқул.

2. Ўқитувчи қисқача муҳокама мавзусини ва иккала резолюция вариантларини баён қилади, сўзга чиқувчилар учун вақтни белгилайди.

3. Ўқитуви дастлаб резолюцияни қўллайдиганларнинг биринчисига сўз беради ва ундан конструктив аргументларни баён қилиш сўралади. Иложи бўлса сўзга чиқувчилар тартибини ҳар бир гуруҳ аъзолари учун олдиндан белгилаш керак. Ўқитувчининг ёрдамчиси гапирувчи учун ажратилган вақтнинг тугаганлигини эслатиб туради.

4. Ўқитувчи резолюцияни қўллайдиган гуруҳ талабаларини биринчисига сўз беради ва у ўз фикрини етарлича аргументлар ёрдамида асослаб беради.

5. Ўқитувчи биринчи гуруҳнинг иккинчи рақамли талабасига сўз беради, сўнгра иккинчи гуруҳнинг иккинчи рақамли талабаси ўз фикрларини резолюция бўйича баён қилади. Шу ҳолат барча дебат иштирокчилари навбатма-навбат чиқиш қилгунларига қадар давом этади.

6. Кейинги боскичда ҳар бир иштирокчига қарши томоннинг далилларини инкор этиб ташлашга ва улар танқидига жавоб беришга имконият туғдирилади.

7. Масала талашиш давомида янги аргументларни келтириш мумкин эмас. Баҳсни ҳар доим резолюцияга қарши томон вакиллари бошлашади.

8. Талабалар бу боскичда резолюцияга нисбатан у ёки бу мавқени эгаллаш сабабларини баён қилишади. Ўқитувчи бу сабабларни аудитория доскасига ёзиб бориши ҳам мумкин. Талабалар бу сабабларга тегишли саволларга жавоб беришлари ҳам мумкин, бироқ ўз мавқеининг тўғрилигини оқлашга киришиб кетмасликлари керак.

9. Иштирокчилар шундай аргументларни кўрсатиш керакки, биринчидан уларнинг қарашлари муаммо ечимига зид ҳам бўлиши мумкин, иккинчидан, барчани ўйлашга мажбур этсин, учинчидан, ҳайратда қоларли даражада ифодаланиши лозим.

10. Дебат дарс сўнгида талабалар қарши томон қабул қилган резолюциянинг жорий этилиши оқибатларини баҳолашиши керак. Шунингдек, ҳар икки томондан ўртага ташланган қарашларни ҳаётга тадбиқ этиш жамият учун қанчалик фойдали ёки зарарли эканлиги ҳам муҳокама қилиниши мумкин.

### **“ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ”**

**Вазифаси:** Демократик жамиятда ҳар бир фуқаро ўз олдида турган муаммоларни оқилона ечиш қобилиятига эга бўлиши керак. Шу боисдан талабаларни дарсларда кўпроқ баҳсли тортишувларга сабаб бўладиган муаммолар ечимини топишга жалб этиш лозим.

Баҳсли саволларни ечиш жараёнида талабаларда тинглаш, мулоқот олиб бориш, турлича фикрларни таққослаш, бошқа киши тақдирига бефарқ қарамаслик каби хислатлар шакллана боради, масалаларни ечиш ва тегишли ҳукм чиқариш, аналитик фикрлаш қобилиятлари ривожланади, маълум кетма-кетликда тафаккур юргизиш, тўғри ечимларни топиш малакалари ўзлаштирилади.

**Ўтказиш усули:** Мунозарали саволларни аналитик-синтетик таҳлил қилиш ва объектив фикр юритиш кўникмаларини

ривожлантириш учун талайгина методика мавжуд. Рўй бераётган воқеликни танқидий фикрлаш асосида баҳолаш қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

### **1. Талабанинг ўз фикрини эркин ифодалаши.**

Талабага ечимини топиш учун таклиф этилган муаммо бўйича ўз ўрнини аниқлаб олиши учун имкон берилади. Муаммога талабадан жавоб олиш учун қатор саволлар билан мурожаат қилиш мумкин: Сенинг фикринг қандай? Бу ҳақда сен нималарни ўйлайсан? ва бошқа.

### **2. Ўз фикрини оидинлаштириш.**

Талабаларнинг билдирган фикрларини янада аниқлаштириш мақсадида уларга қўшимча тарзда қуйидаги саволлар берилади: Бу билан нима демоқчисиз? Ўз фикрингизни тушунтира оласизми? Бу нима дегани?

### **3. Талабаларнинг фикрларини асосланганлигини текшириш.**

Бу ерда қуйидагича саволларнинг берилиши ўринлидир: Нима учун сиз айнан шундай деб ўйлайсиз? Сизнинг мавқеингизни тасдиқловчи қандай асослар бор? Нима учун сизда шундай таассурот туғилди? Қандай аргументларни билдирган фикрингиз фойдасига келтирасиз? Сизнинг фикрингизни нима исботлайди? ва хоказо.

### **4. Бошқалар фикрини ўрганиш.**

Инсон ўз фикрининг ожизлигини ҳар доим ҳам тан олавермайди ва суҳбатдошининг фикрига ҳурмат ва эҳтиром билан қаравермайди. Айниқса бу ҳолатни кўпроқ ўсмирларда кузатиш мумкин. Шубҳасиз, кўп ҳолларда бунинг аксини ҳам кўриш мумкин. Шу билан биргаликда қатор мураккаб муаммоларнинг ечимини топишда ўзгалар фикрини эшитиш ва тинглаш кўникмаси жуда асқотади. Бу кўникмани талабаларда шакллантиришни хоҳласангиз, марҳамат, қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинг: Ўз фикрингизга муқобил бўлган ҳолатни баён қила оласизми? Бу ҳақда бошқалар нима дейин мумкин? Танқидга учрашингиз мумкинми?

## **5. Ўз ҳолатини ва ўзгалар фикрини таҳлил этиш.**

Бу ҳақда нафақат ўсмирлар, балки катталар ҳам кўпинча ўйлашмайдилар. талаба хусусий фикри билан тўғри келмайдиган фикрларни ҳам ўзаро такқослаш, илмий асосланган ҳолатни аниқлаш учун фикрлар қарама-қаршилигини таҳлил этиши керак. Шу мақсад учун куйидаги саволлар асқотиши мумкин: Ўз фикрингизни ожизлиги нимада? Қарши томоннинг далил-исботи нима учун кучли ёки нима учун кучсиз? Қандай фикрлар сизнинг мавқеингизни мустаҳкамлайди ёки уни кучсизлантиради?

Ўрганилаётган муаммо бўйича ҳар иккала фикрларнинг мантикий оқибатларини ўрганиш учун саволлар: агар сизнинг ғоянгиз қабул қилинса, нималар рўй бериши мумкин? Бу жамиятга қандай таъсир кўрсатади? Унинг натижаси келажакка фойда берадими?

## **6. Муаммо бўйича ечим қабул қилиш.**

Бу “танкидий фикрлаш” методининг сўнги босқичи ҳисобланиб, талабалар томонидан билдирилган турлича фикрлар қайтадан баҳоланади ва мутаносиблик аниқланади. Бунинг учун: қайси натижа энг қулай ва ишончли? Кимнинг чиқиши мақсадга мувофиқ бўлди? Сиз баҳсга қандай нуқта қўйган бўлардингиз? ва ҳоказо.

**Изоҳ:** Бу метод кўпроқ ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришда қўл келишини таъкидлаш жоиз. Ҳуқуқий таълим ёшларга жамиятда, жамоада, оилада ўз ўрнини топишлари учун кўмаклашади, атрофда рўй бераётган воқеаларга танкидий кўз билан қараш ва объектив баҳолаш имконини беради.

Аслида қонунлар тафовутларни ечиш учун хизмат қилади. Ҳуқуқни ўрганиш талабаларга жамиятда рўй бераётган тафовутли саволларни ўз ёшига мувофиқ чуқур ўрганишга, ўзини Ўзбекистон фуқароси деб ҳис этишга ундайди.

Бу методлардан дидактик жараённинг қайси босқичида фойдаланиш керак? Шубҳасиз, мавжудлик алгоритмида (МА) - талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда - мустақил ўз-ўзини (курсдошини) ўқитишда, яқка тартибда, кичик гуруҳларда

фойдаланилади. Уларни танлаш мезонлари эса ўқитувчига маълум: мавзудан кўзланган мақсадга, мазмунига мос келиши, талаба ва ўқитувчининг имкониятлари, вақт ўлчови, мавжуд ўқув-моддий база ва бошқалар. Энг асосийси, якуний натижани таъминлайдиган ва кафолатлайдиган педагогик муҳит яратилиши лозим.

Интеграция фанларнинг механик бирлашиши эмас, бу синтез, янги нарсанинг келиб чиқиши, кашфиётдир. Алоҳида системаларнинг яқинлашиши, боғланиши ва ягона бир янги нарсанинг яратилишидир.

Интеграция - дифференциациянинг акси бўлиб, унга тескари бўлган жараёндир. Уни куйидаги йўналишларда татбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

а) ўқув предметлари ва фанлар доирасидаги мазмунни интеграциялаб ўрганиш;

б) турли ўқув предметларидан таҳсил берувчи шахсларнинг фаолиятларини интеграциялаш;

в) таълим-тарбия ишини ташкил этиш шакллари ёки ўқув кунини интеграциялаш.

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» эълон қилингандан буён ўқув режасидаги фанларнинг сони ортди. Ўқув фанлари миқдорини ошириш, албатта, ҳар доим ҳам ижобий натижа беравермайди. Чунки бугунги замонавий технология сон орқасидан қувиш эмас, балки сифат ўзгаришларининг ҳам бўлишини тақозо этмоқда. Бу жиҳатдан ривожланган давлатларнинг тажрибасига таянмоқ лозим. Жумладан, Буюк Британия таълим тизимида асосан интегратив фанлар жорий қилинган бўлса, Корея ва Швейцарияда интеграциялашган фанлар, Венгрияда маданият йўналишидаги ўқув фанлари, Ирландияда фан ва техника каби блокларда барча ўқув фанлари мужассамлаштирилган ҳолда ўқитилади.

Ўқитувчининг ижодкорлиги шундаки, улар фан учун маълум, аммо ўқувчи билмайдиган томонларни, аввало, ўзи лойиҳалайди ва талабаларини ҳам шунга ундайди. Модомики, шундай экан, олий таълим муассасалари талабаларида тафаккур ўстириш учун

интерфаол методлардан фойдаланиб дарсларини ташкил қилиш орқали интеграцияни амалга ошириш самарали усул ҳисобланади.

### **2.3. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда ахборот технологияларининг ўқув жараёнидаги интеграцияси.**

Ахборот технологиялари жамиятимиз тараққиётининг замонавий босқичдаги ривожини таъминлаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда у инсон фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Жумладан, ахборот технологиялари таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг, яъни таълимни технологик асосларга ўтказишнинг воситавий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Умумий қаралганда, ахборот тармоқларини таълим соҳасига татбиқ қилишнинг учта даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи даража глобал ва минтақавий ахборот тармоқлари асосида таълим муҳитини юзага келтиришни кўзда тутлади.

Бунга мисол сифатида INTERNET, WORLDCLASSROOM, PLATO ва бошқа шу каби тизимларни келтириш мумкин. Ушбу тизимларни таълим жараёнига қўллашнинг зарурий шартлари сифатида ўқув режа ва дастурларини глобал тизим талабларига мослаш, юқори талаблар даражасидаги компьютер техникасининг мавжуд бўлиши, фойдаланувчиларнинг етарли даражадаги компьютер саводхонлигига эга бўлиши, шунингдек таълим олувчилардан юқори даражадаги мотивация билиш фаолиятини ташкил қила олиш кўникмалари талаб этилади.

Иккинчи даража таълимни компьютерлаштиришнинг нисбатан қуйроқ даражаси бўлиб, у ўқув юрти ёки муайян синф миқёсидаги ловал ахборот тармоқлари асосида таълим муҳитини яратишни кўзда тутлади. Бунда ҳар бири локал тизим хусусиятидан келиб чиқиб алоҳида компьютер дастурлари ишлаб чиқиш ва мавжуд бўлаганлирини мослаштириш лозим бўлади.

Ахборот тармоқларини татбиқ қилишнинг учинчи даражаси компьютер техникасини ўқув жараёнида таълим олувчилар ўқув-тарбиявий фаолиятини жадаллаштирувчи дидактик воситалар каторида қўллашни кўзда тутди. Бундай тармоқларни лойиҳалашнинг асосий шартлари ҳар қандай энг содда компьютер тизимлари ҳамда ўз фанини яхши биладиган ва педагогик фаолиятини ижодий ривожлантириш истагида бўлган ўқитувчиларнинг мавжуд бўлишидир.

Баён этилган даражаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ахборот тармоқларини татбиқ қилишнинг биринчи даражаси кенг миқёсда қўллаш учун йўналтирилган бўлиб, бугунги кунда кўпроқ умумий масалаларни ҳал қилишда қўлланилиши мумкин. Уни таълим жараёнига чуқур татбиқ этиш учун жиддий ташкилий-педагогик ўзгаришларни амалга ошириш, катта миқдордаги моддий-молиявий ва бошқа турдаги харажатлар талаб этилади. Бу ҳолат фақат истиқболда, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишнинг учинчи босқичида уни тўлақонли татбиқ этиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Ахборот тармоқларини татбиқ қилишнинг иккинчи даражаси қуйи ва юқори поғоналар ўртасидаги боғловчи босқич ҳисобланиб, у алоҳида олинган ўқув юрти миқёсидаги локал ахборот муҳитини ўзида акс эттиради.

Бизнингча ахборот теҳнологияларини татбиқ қилишнинг иккинчи даражаси бугунги кунда энг мақбул йўналиш ва бу йўналишдаги тадқиқотлар “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни рўёбга чиқаришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Республикамиз таълим тизимининг ягона ахборот маконини юзага келтириш мақсадида шу соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда, узлуксиз таълим тизимини ахборот тармоқлари воситасида такомиллаштиришнинг қуйидаги тадбирларини амалга ошириш лозим:

- таълим тизимининг ҳар бир босқичида ахборот теҳнологияларини қай даражада жорий қилиниши, қандай ҳажмда ўқитилиши ва унинг мақсадлари белгилаб берилиши;

- таълим муассасаларини замонавий компьютерлар билан таъминлашни йўлга қўйилиши ва бунда уларнинг мультимедиа воситалари билан жиҳозланишига алоҳида эътибор берилиши;

- ўқитишнинг ахборот технологиялари ва ахборот тармоқларидан фойдаланиш асосида ўқув юртларининг ўзаро ахборот алмашинувини, таълим ва тадқиқот жараёнларини масофадан ахборот билан таъминлашни амалга оширилиши;

- ҳар бир ўқув муассасаси учун билимлар банки, маълумотлар базаси, ўргатувчи дастурлар ҳамда ўқув юрти хусусиятларидан келиб чиқувчи бошқа тузилмалари бўлган ихтисослашган автоматлашган ўқув ахборот тизимини ишлаб чиқилиши.

Инсоният ўзининг фаолиятида ахборотларни қабул қилиш, йиғиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш билан шуғулланади. Ушбу амалларнинг компьютерга юклатилиши ва уларни амалга ошириш усул ва воситаларининг пайдо бўлиши, ахборот технологияларини алоҳида фан сифатида ажралиб чиқишига сабаб бўлди. Ахборот технологиясининг асосий ўзагини компьютер ташкил этиб, унинг техник таъминотини таъминлайди. Ахборотни қайта ишлашни ташкил этиш учун ахборот технологиясининг техник таъминоти ягона бўлиб қолмай, балки ахборот таъминоти, ташкилий ва дастурли таъминоти биргаликда қаралиши лозим.

Ахборот технологияларининг такомиллаштирилиши жамиятнинг ахборотлаштиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ахборот технологиялари нима?

Ахборот технологиялари ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш усул ва воситалари мажмуидир.

Ахборот технологиясининг мазмунини қуйидаги оддий бир мисол билан тушунтириш мумкин. Биз бирор бир маълумот ҳақида бошқа бир вилоят (республика, қитъа)да яшовчи ўртоғимиз билан фикр алмашмоқчимиз дейлик, буни турли ўйинлар орқали амалга оширишимиз мумкин. Биз ўртоғимизга ўз фикримизни (ўз навбатида, ўртоғимиз ҳам бизга жавобан) қуйидаги усуллар орқали етказишимиз мумкин:

1) алоқа бўлими орқали (ёзма равишда);

2) телефон тармоқлари орқали (оғзаки);

3) замонавий телекоммуникация воситалари орқали.

Бу усуллардан фойдаланиш натижалари турлича бўлади ва натижаларга қараб, қайси усулдан фойдаланишни ўзимиз танлаб оламиз. Юқорида кўрсатилган усуллардан фойдаланиш узатилаётган ахборот мазмуни ва моҳиятига боғлиқ. Ўзимиз учун иқтисодий жиҳатдан энг арзон ва сифати юқори бўлган усулни белгилаб оламиз.

Ахборотни узатиш усулларидан 1 ва 2-усуллар билан биз олдиндан танишмиз ва ундан фойдаланишни яхши биламиз. Замонавий телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш эса улар билан мулоқот кўникма ва малакаларини эгаллашни талаб қилади. Чунки, замонавий телекоммуникация воситалари имкониятлари жуда кенг тизим бўлиб, унга компьютер, мультимедия воситалари, компьютер тармоқлари, интернет, интранет каби тушунчалар ва булардан ташқари ахборот тизимлари, маълумотлар омбори, маълумотлар омборини бошқариш тизими, билимлар омбори каби янги тушунчалар ҳам киради.

Ахборот технологиясидан фойдаланиш ва уни бирор бир соҳага татбиқ этиш ўз ичига қатор вазифаларни олади. Яъни:

- фойдаланувчининг мустақил ва онгли равишда олиб борадиган фаолиятига ахборот объектларини яратиш;
- керакли ахборот объектларини излаш;
- ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва ажратиб олиш;
- ахборотларни ташкиллаштириш, керакли кўринишда тасвирлаш;
- ахборот объектларини (матн, суҳбат, расм ўйин ва б.) узатиш;
- ахборотни моделлаштириш, лойиҳалаш, объектларни режалаштириш ва бошқалар.

Ахборот технологиясидан фойдаланишнинг вазифаларидан ташқари ахборот технологиялари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- компьютер, шунингдек принтер, модем, микрофон ва овоз эшитиш қурилмаси, сканер, рақамли видеокамера, мультимедиа

проектори, чизиш планшети, мусиқали клавиатура кабилар ҳамда уларнинг дастурий таъминоти;

- ускунавий дастурий таълимот;

- виртуал матн конструкторлари, мультипликациялар, мусиқалар, физик моделлар, график чизмалар, географик хариталар, экран процессорлари ва ҳ.к.

- ахборот мажмуи – маълумотлар, энциклопедиялар, виртуал музейлар ва ҳ.к.

- техник кўникмалар тренажёрлари (тугмачалар мажмуидан тугмачаларга қарамасдан маълумот киритиш, дастурий воситаларни дастлабки ўзлаштириш ва ҳ.к.).

Ахборот қандай кўринишда ифодаланишдан қаътий назар, уни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланишда компьютер техникасининг ролини қуйидагилар белгилайди.

1. Ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш стандарт (анънавий) тизимга нисбатан ўқув жараёнини жадаллаштириб, ўқувчиларда илмга қизиқишни оширади, уларнинг ижодий фаолиятини ўстиради, билим беришга ёндашиш, олинган билимларни такрорлаш, мустаўкамлаш ва назорат қилишни енгиллаштиради, ўқувчини ўқув жараёнини субъектига айлантиради.

2. Ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида қуйидаги шаклларда фойдаланиш мумкин бўлади:

- янги предметларни ўқитишда компьютер дарслари;

- компьютер дарслари – кўргазмали материал сифатида;

- ўқувчиларни гуруҳли ва фронтал ишларини ташкиллаштиришда;

- ўқувчиларнинг илмий изланишларини ташкиллаштиришда;

- ўқувчиларнинг ўқишдан бўш вақтларини ташкил қилиш масалаларни ҳал этишда ва ҳ.к.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ўқитишнинг ахборот технологиялари ўқитувчига ўқув ишларининг алоҳида турлари каби уларнинг ҳар қандай йиғиндисини қўллаш, яъни ўқув муҳити лойиҳасини тузишнинг дидактик мақсадига эришиш имконини беради. Ўқитувчилар телекоммуникациялар тармоқлари орқали

турли хил ахборотларни оладилар, шунингдек, амалда жаҳондаги ўз ҳамкасблари билан муомала қилишнинг ноёб имкониятларига эга бўладилар. Бу касбга оид муомала билан биргаликда ўқув методик ва илмий ишларни бажариш, ўқув ишланмалари, компьютер дастурлари, маълумотларни айирбошлаш учун ҳам жуда яхши шароит яратади.

Ахборот технологияларининг жадал равишда ривожланиши, турли соҳаларда махсус-ихтисослаштирилган дастурларнинг яратилиши (масалан, тиббиётда-компьютер томографи; кино учун 3D графика, телевидения ва анимациялар; электрон банки ва бошқалар) битирувчиларни ахборот технологиялари бўйича махсус тайёргарликдан ўтишларини тақозо этади.

Мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда таълим сифати муҳим аҳамият касб этади. Зеро, таълим сифатини таъминлаш ўқув муассасаси ривожланишининг асосий шартларидан биридир.

Таълим муассасасини ахборотлаштирмасдан туриб, бўлажак мутахассисларнинг касбий (хусусан, ахборот) тайёргарлигини ошириб бўлмайди. Таълим муассасаларини ахборотлаштиришда, энг аввало, куйидаги йўналишларга алоҳида эътибор берилиши лозим:

- маъмурий бошқарув ишини такомиллаштириш;
- информатика курси мазмунини такомиллаштириш;
- янги ахборот технологияларини қўллаш асосида илмий-методик ва тажриба-синов ишларини такомиллаштириш;
- ўқув жараёнида ва фанлар бўйича дарсларни ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда таълимни интеграциялаш;
- ахборот технологияларидан фойдаланиб сабоқ берадиган ўқитувчилар ва бошқа ходимларнинг малакасини ошириш бўйича ишларни режа асосида ташкил этиш;
- ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини интеграциялаш.


Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, интеграция педагогик жараёнда қўйилган мақсадга боғлиқ ҳолда яхлит тизимни ифода этувчи билимларни, фаолият усуллари ва улар билан ўзаро боғлиқ бўлган билиш жараёнларини, ўқув-билиш муаммолари, ўқитиш воситалари ҳамда методларини қамраб олади.

В.С.Безрукованинг таърифича, педагогик интеграция-бу илмий интеграциянинг бир кўриниши бўлиб, унинг илмий интеграциядан фарқли хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, педагогик назария ва амалиёт доирасида амалга оширилади.

Ахборот технологиялари интеграцияси асосида шаклландиган янги педагогик тизим, уни ташкил этувчи компонентларининг самарали фаолият кўрсатишга асос бўладиган принциплар анъанавий таълим тизимида ишлатиладиган принципларга таянган ҳолда фаолият кўрсатади. Шунини таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши электрон қўлланмалар (ЭҚ), виртуал стендлар (ВС), масофадан ўқитиш, виртуал кутубхона ва виртуал ўқитиш каби бир-бири билан боғлиқлиги асосланган компонентлардан ташкил топган яхлит педагогик тизимнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

АТлари интеграциясида асосий элемент сифатида ЭҚ ва ВСлар эътироф этилади. Бунинг сабаби ЭҚ ва ВСлар ёрдамида ўқув материалларини образлар кўринишида ифодалаш, назарий ва амалий машғулотларни биргаликда олиб бориш, мустақил ўқитишни ташкил қилиш, электрон кутубхона, масофадан ўқитиш ўқув материаллар базасини яратиш, талабалар билимини назорат қилиш каби ўқув жараёни билан боғлиқ ишларни амалга ошириш мумкин.

Ахборот технологияларининг олий таълим тизимидаги интеграцияси деганда, биз қуйидагиларни назарда тутамиз (2.3.1-расм ).




**1-шакл. Ахборот технологияларининг таълим тизимидаги интеграцияси.**

АТларининг интеграцияси схемасида элементларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Бу боғлиқлик виртуал стендлар яратишда электрон қўлланмалар ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган методикани қўллаш билан белгиланади. Яъни ВСлар бевосита электрон қўлланмаларда фойдаланилган методика-компьютер имитацион модели асосида яратилади. Бу эса ЭҚ ва виртуал стендларнинг яратиш жараёни узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари ЭҚлар асосида маъруза дарсларини ўтишда у ёки бу мавзуга тегишли амалий ва лаборатория машғулотларни ҳам ВСлардан фойдаланиб ўтиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, назарий ва амалий дарсларни биргаликда олиб бориш имкониятини беради. Шунингдек, ЭҚлар ва ВСлар масофадан ўқитиш тизимининг ўқув материаллари базасини ташкил этади. Масофадан ўқитиш асосан ахборот коммуникацион технологиялар базасида ташкил этилиши сабабли ўқув материалларини тармоқ тизими орқали узатиш эҳтиёжи туғилади. Шу сабабли ЭҚлар ва ВСларни тармоқ тизимига (локал ва глобал) мослаштириб яратиш ва улардан масофадан ўқитиш тизимида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Виртуал ўқитиш тизимини ташкил этиш учун виртуал кутубхона яратиш талаб қилинади. ВК базасини ҳам ЭҚлар ва ВСлар ташкил этади. Бундан кўринадики, ЭҚлар ва ВС лар юқорида қайд қилинган тизимнинг асосини ташкил этади ва улар базасида масофадан ўқитиш, виртуал кутубхона ва виртуал ўқитиш ташкил қилинади. Бунда ягона педагогик тизим доирасида амалга оширилаётган узлуксиз жараёни кўриш мумкин. Бу тизим, ўз навбатида, ўзидан каттароқ педагогик таълим тизимининг компоненти бўлиб, унинг таълим мақсади, шакллари, методлари, воситалари, таълим олувчи, таълим берувчи каби бошқа компонентлари билан мустаҳкам ўзаро алоқага кириша олади ва тизим олдига жамиятимиз томонидан қўйилган умумий вазибаларни муваффақиятли ҳал қилишга ўзининг ҳиссасини қўшади. Мазкур педагогик тизим худди бошқа динамик тарзда ривожланиб бораётган очик тизимлар каби уни такомиллаштиришга қаратилган барча инновацияларни ўзига қабул қилиш хусусиятига эга. Бу тизимда ўқитиш ЭҚлар, ВСлар ёрдамида ташкил қилиниб, локал (ЛТ. Интранет), глобал, (ГТ, Интернет) тармоқларида масофадан ўқитиш ва виртуал кутубхонадан фойдаланиш имконияти яратилади. Ушбу педагогик тизим орасидаги боғланишлар 2.3.2-расмда акс эттирилган.

Эк ҳақида тўхталганда, уларнинг психологик, эстетик, гигиеник ва тиббий-психологик томонларини ҳам эътиборга олиш лозим. Бунинг сабаби инсон организми электрон кўринишидаги маълумотларни қабул қилишда ўзига хос хусусиятларни талаб қилади. Маълумотларни қаюул қилишга унинг фақат мазмуни эмас, балки ўлчами, ҳарфларнинг кўриниши, ранги ва тасвирнинг ҳаракати ва каби омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ЭҚнинг матни муайян хусусиятларга эга бўлиши керак. Талабаларнинг маълумотларни қабул қилишида ЭҚдаги ўзига хос хусусиятлар, яъни ўчиб-ёниш, рангни ажратиш кўрсатиш, тагига чизиш қўйиш, овоз каби воситалар таъсир этиши табиийдир.



**2-шакл. АТлари интеграциясига асосланган педагогик тизим тузилмаси**

ЭҚларни ўқув жараёнида қўллаш ўқитувчилар, талабалар учун бир қатор қулайликлар яратади. ЭҚ ва ВС лар ёрдамида дарс ўтиш, биринчидан, ўқитувчилар учун ўқув материалларини саралаш, мавзулар бўйича савол-жавобларни тайёрлаш, назарий материалларга доир амалий машғулотлар шаклларини танлаш, лаборатория машғулотларига тегишли маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, иккинчидан, дарс жараёнида мавзуга тегишли объектлар учун яратилган компьютер имитацион моделидан фойдаланиш имкониятини яратади.

Таълим жараёнида интеграциялашган техник воситаларни қўллаш «Таълим технологияси» йўналишини белгилаб берувчи омил бўлиб, ахборот узатиш хизматини ташкил этиш, таълим олишни индивидуаллаштиришга қаратилади. Таълимнинг интеграллашган техник воситалари (ТТВ) га қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- ишлатиладиган техниканинг оддийлиги;

- техника хавфсизлиги;

- таълимнинг техник воситаларидан фойдаланишда аудиторияларни етарлича ёритиш (ЎТВ ишлатишда конспект ёзиш учун ёритиш, телевизион курсатувлар ва бошқа ҳолларда аудиторияларни қўшимча ёритиш);

- экранни туширишда механизация ва автоматизациянинг керакли воситалар билан таъминланиши, ТТВларининг тўхтаб қолишини минимал ҳолатга олиб келиши ва мажмуавий дастурли бошқаришга имкон бериши учун аудиторияларнинг ойналарига пардалар тутиш;

- ахборот материалларини сақлаш учун шкафлар ва бошқа нарсалар билан таъминлаш;

- ўқитувчиларни интеграллашган ТТВдан фойдаланишга оид методик, дидактик адабиётлар, амалий билимлар билан таъминлаш.

ТТВларининг турли синфларига, уларнинг асосий вазибаларига қараб талаблар қўйилади. Асосий вазибаси ўқув ахборотлари бериш бўлган ТТВнинг овозли, статистик ва динамикли мажмуалари қуйидагича бўлиши мумкин:

- универсал, яъни барча предметларни ўрганиш учун қўллаш;

- узатилаётган ахборотнинг синхронли ва овоз ҳамроҳлигида тасвирнинг етарли даражада тиниқ ва ёрқинлиги билан объект ва материалнинг намоёишини таъминлаш;

- ишлатишда қулай бўлиши, аудитория ва препаратор хонасидаги электр тармоғига доимий ўрнатилган ва уланган бўлиши, яхши қоронғилаштирилган, биринчи ва охириги қаторлардан ахборотларни қабул қилишни ҳисобга олган ҳолда экран керакли катталиқда бўлиши, бегона товушларнинг бўлмаслиги;

- интеграллашган техника воситаларидан дарс жараёнида фойдаланиш, тизимларни тез алмаштириш имкониятига эга бўлиш (автоматик равишда).

Мажмуанинг самарали қўлланилиши юқорида санаб ўтилган талабларнинг бажарилишига бевосита боғлиқ бўлиб, ТТВнинг назорат мажмуаси қуйидаги талабларга жавоб беради:

- ТТДВ (таълимнинг техник дастурли воситаси) керакли дидактик конструкцияга эга бўлиши;

- доимий ўрнатилган дастурли ўқитиш ёки билимларни назорат қилишни амалга оширувчи машиналарнинг етарлича миқдорга эга бўлиши;

- ўқувчиларнинг яқка фаол ишлаши, ўқитувчи бошқараётган пульт ёрдамида доимий равишда қайта алоқа ўрнатишни таъминлаш;

- ўқувчиларнинг руҳиятини чарчатмаслик, ўрганилаётган фанга нисбатан қизиқиш уйғотиш;

- ўқитиш жараёнини таҳлил қилувчи ёки билимларини баҳолашнинг қайб қилувчи рўйхатга олинган механизмига эга бўлиш;

- дастурларни автоматик алмаштириш имконияти ва катта «хотира»га эга бўлиш.

ЭХМ базасидаги мажмуаларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- мажмуалар ишлаши учун содда дастурлар тузиш;

- ахборот киритишнинг соддалиги (энг мақбули овоз билан диалогли режим);

- ўқитиш жараёнини режалаштириш, таълим муассасаси фаолияти (ўзлаштириш ҳисоби, ўқув режалари таҳлили киритилган ҳолда) тўғрисидаги ахборотларни қидириш ва қайта ишлаш учун ЭХМнинг қўшимча фойдаланиш имконияти;

- бир нечта ташкилот ва ўқув юртлари учун ЭХМдан марказлашган тарзда фойдаланиш;

- ташкилий техника воситалари мажмуи тузилиши жиҳатидан замонавий бўлиши ва қуйидагиларга эга бўлиши керак:

а) фойдаланишнинг универсаллиги;

б) ишлатишда қулайлиги (махсус ажратилган аудитория ва кабинетларда ўрнатилади);

в) ўқитувчиларнинг лаборант ёрдамсиз ишлаш имконияти.

Зарурий педагогик шарт-шароитлар таъминланган ҳолда юқорида санаб ўтилган дидактик тадбирлар кўпгина педагогик масалаларни ҳал этишга имкон беради. Энг асосийси таълим

сифати ва битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги ортади. Ахборот технологияларини ўқув жараёнидаги интеграциясини таъминлаш бўлажак мутахассисларнинг касбий масалаларни мустақил ечиш кўникма ва малакаларини ортишига олиб келади.

### **III БОБ. КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ВА ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

#### **3.1. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда тармоқлараро интеграциялаш йўналишлари**

Республикамызда амалга оширилаётган туб ислохотлар жамиятда ўзига хос ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланиш йўлининг танлаб олинishi, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграция жаҳон таълим стандартларига мувофиқ келувчи узлуксиз таълим тизимини шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратди.

Ўқув фанларини интеграциялашнинг назарий асослари, тамойиллари, интеграцияга бўлган ёндашув, интеграция йўналишлари, интегротив дастурлар, интегротив дарс, интеграциялашган курс моделини яратиш каби масалалар ўз ечимини кутаётган энг муҳим педагогик муаммо ҳисобланади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Республикамызда амалга оширилаётган таълим ислохотларини амалга ошириш жараёнида ривожланган хорижий давлатларнинг таълим тизимида интеграциянинг ўрнини таҳлил қилдик.

Жумладан, АҚШ университетларида магистрлар тайёрлашда фан ва таълим интеграциясидан кенг фойдаланилади. Бу ҳолат университетларда катта ҳажмда илмий тадқиқотлар бажарилиши билан боғлиқ.

Таълим ва илмий-тадқиқот ишлари билан узвий алоқадорлик Германиянинг анъанавий ва техника университетларида, шунингдек, олий техника мактаблари ва махсус олий таълим муассасаларида эътибор қаратилади. Ушбу таълим муассасалари илмий даража ва унвон бериш ваколатига эга. Олий техника

мактаблари учун мутахассисларнинг назарий ва амалий тайёргарлиги хос.

Япониянинг иқтисод соҳасидаги ва технологиялар борасидаги муваффақиятлари таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг чуқур интеграцияси негизида эришилган. Япония ишлаб чиқаришнинг ўз фани ютуқларини жорий этиш ва технологиялар экспортига ўтиши билан боғлиқ ҳолда университетларда табиий фанлар ва технологиялар соҳасида катта ҳажмдаги тадқиқотлар бажарилмоқда.

Япония университетлари ва саноатининг ўзаро ҳамкорлиги қуйидаги қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- саноат соҳаси билан боғлиқ тадқиқотларни ҳамкорликда амалга ошириш ва уларнинг натижаларидан таълим жараёнида фойдаланиш;
- университетларнинг саноат билан ҳамкорлиги асосида технополисларни ривожлантириш.

Технополис ихтисослашган илмий-ишлаб чиқариш ҳудуди ҳисобланиб, унинг фаолияти илмий тадқиқот фаолиятини кўп илм талаб қилувчи ишлаб чиқариш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш жараёни билан омухталашиб кетишига қаратилган. Технополислар учун кўп илм талаб қилувчи устувор тармоқ ва технологиялар танланади (авиация ва космик техника, композицион материалларва ҳисоблаш техникасини ишлаб чиқариш каби)

Ғарб мамлакатларида Япониядаги технополисларнинг аналоги сифатида ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари, марказлар, парклар ташкил этилган бўлиб, уларга ўқитувчилар, олимлар ва муҳандислардан иборат юқори малакали мутахассислар жалб қилинган. Бундай бирлашмалар юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёни, илмий-тадқиқот ишларини бажариш ва олинган натижаларнинг саноат томонидан ўзлаштирилишини ўзида мужассамлаштиради.

Таълимни талабаларнинг узлуксиз илмий-ишлаб чиқариш амалиёти билан уйғунлашувига қаратилган бу каби комплекслар конструкторлик бюрolari, бўлим, лаборатория ва илмий ишлаб

чиқариш компонентининг бошқа бўлинмаларидаги иш ўринларида бажариладиган ишлаб чиқариш меҳнати шаклида ташкил этилади. Бу каби комплекслар мутахассисларни мақсадли тайёрлашга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда республикамизда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш муҳим долзаб масалалардан ҳисобланади. Ташкилий жиҳатдан у ўзининг нисбатан самарали ечимини ОТМ лари кафедраларнинг ишлаб чиқариш ҳамда илмий тадқиқот институтлари (ИТИ) даги филиали шаклида топган бўлиб, ушбу асосда талабалар касбий таълимининг, шунингдек узок муддатли интеграциялашган амалиётларнинг асосий қисми бажарилган.

Бу каби интеграция муҳандис кадрлар тайёрлашни муайян даражада яхшилаш, уларнинг ишлаб чиқаришга мослашиш даврини қисқартириш ва энг асосийси касбий тайёргарликни замонавий илмий-техник база ва малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда олиб бориш имконини берди.

Чкалов номидаги ТАИЧБ, «Технолог» ИИЧБ, Тошкент трактор заводи, «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш» ва бошқа етакчи корхона ва муассасалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси институтлари бу интеграциянинг фаол иштирокчилари бўлишган.

Шу билан бирга, бозор муносабатлари шароитида республикамиз барча соҳалари модернизациялашиб бориши таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлашни тақозо этмоқда.

Таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш куйидагиларга асосланиши лозим:

- саноат ва интеллектуал жиҳатдан тараққий этган давлат тажрибаси ва халқаро ҳамкорликка;
- академик ва тармоқ ИТИларни, корхона ва ташкилотларни манфаатдор шериклар сифатида барча даражадаги

мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларига кенг жалб этиш,

- талабаларнинг таълим, илмий-тадқиқот, илмий-ишлаб чиқариш ва инновацион кичик фирмаларини ривожлантириш.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси қуйидаги асосий йўналишларда ривожлантирилиши лозим:

1. Касб таълимининг вертикал бўйича интеграцияси:

- касб-хунар коллежи (КХҚ) - олий таълим муассасаси (ОТМ), академик лицей (АЛ)-ОТМ каби интеграциялашган таълим муассасаларини ташкил қилиш, шу асосда:

- касбий тайёргарлик даражалари бўйича ташкилий ва методик узвийликни таъминлаш;

- тармоқ вазибаларини ечимини топиш учун мутахассисларни мақсадли тайёрлашни амалга ошириш;

- мутахассис-кадрлар тайёрлашда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари моддий-техник базасидан ўзаро ҳамкорликда фойдаланиш.

2. Касб таълимининг горизонтал бўйича интеграцияси:

- рақобатбардош олий маълумотли (бакалавр-магистр) мутахассислар тайёрлаш учун техник университетлар, ўқув-илмий (ОТМ-ИТИ), ўқув-илмий-ишлаб чиқариш (ОТМ-ИТИ-ишлаб чиқариш) ва ўқув-ишлаб чиқариш (ОТМ-ишлаб чиқариш) бирлашмаларини, шунингдек, малакали ишчи кадрлар тайёрлаш учун касбий-ишлаб чиқариш (КХҚ-ишлаб чиқариш) бирлашмаларини ташкил қилиш.

Бундай интеграциялаш натижасида:

- ОТМлар (айниқса ҳудудларда) педагогик, илмий ва моддий-техник потенциалидан самарали фойдаланиш, шунингдек маъмурий-бошқарув харажатларини қисқартиришга олиб келади;

- академик ва тармоқ тадқиқотларининг ўқув муассасаларидаги таълим жараёни билан ўзаро алоқадорлигини таъминлайди;

- катта илмий ходим-изланувчилар, педагоглар ва талабалар ҳамкорликда фойдаланиши учун фундаментал

тадқиқотларнинг тажриба-синов ва асбоб-ускуналар базасини ривожлантиради ;

- таълим жараёнида фойдаланиш учун фундаментал тадқиқотлар ахборот базасини шакллантиради;

- касб таълимининг барча даражаларида узоқ муддатли интеграциялашган амалиётларни ташкил қилиш имкониятларини яратади.

3. Касб таълимининг комбинацияли (вертикал ва горизонтал) интеграцияси – турли даражадаги рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув-илмий-ишлаб чиқариш базаларини яратиш.

4. Касб таълимининг халқаро интеграцияси:

- Ривожланган мамлакатлар билан биргаликда бозор ва халқаро муносабатлар, юқори ва кўп илм талаб қилувчи соҳалар, экология йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ҳамкорликдаги таълим муассасалари (олий таълим муассасалари, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари ва бошқалар) ни ташкил қилиш;

- иқтидорли ёшларни саноат ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган давлатлар етакчи таълим муассасаларида ўқишини ташкил қилиш;

- хорижий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан талабалар, магистрлар, катта илмий ходим-изланувчилар алмашинуви йўлга қўйиш мақсадида тўғридан-тўғри алоқани йўлга қўйиш;

- республика таълим муассасаларини халқаро таълимий ва илмий дастурлар ҳамда лойиҳаларга қўшиш.

Касб таълими, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси мутахассислар тайёрлашнинг қуйидаги йўналишларида кўпроқ истиқболли ҳисобланади: кимё, экология ва табиатдан фойдаланиш, геология ва фойдали қазилмаларни қидириш, тоғ ва нефт-газ иши, иссиқлик ва электр энергетикаси, янги материаллар технологияси, авиасозлик, метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаш, кимё технологияси и биотехнология, текстил ва

енгил саноат буюмлари технологияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёр маҳсулот даражасида қайта ишлаш, архитектура ва қурилиш, агрокимё ва тупроқшунослик, агроинженерия ва бошқалар. Фикримизга кўра, ушбу йўналишлар бўйича республикамизда салоҳиятли таълим муассасалари, академия ва тармоқ ИТИлари, йирик корхона ва ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Ҳозирги давр илмий-техника ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири таълим фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш тизимининг мавжудлигидир. Бу ўз-ўзини ривожлантирувчи тизим турли даражадаги юқори малакали мутахассисларини тайёрлайди. Улар эса ўз навбатида дунё бозорида рақобатбардош илм-фанни ривожлантиради ва шу билан янги янада сифатли илмий-техник марралар эгалланади. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўқув фан ишлаб чиқариш марказлари, технополисларини ташкил қилиш дунё тажрибалари мавжуд. Бундай мажмуаларда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш илмий изланишларни олиб бориш ва уларни меҳнатда олиб бориш функциялари тизим асосида бирлаштирилади. Чет эл тажрибаларида таълим муассасалари (ЎМКХТ, ОТМ) жамият ижтимоий буюртмасини бажариб бориб мақсадга йўналтирилган ўқув илмий техникавий бирлашмалар айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида давлат иқтисодиётини ривожлантириш учун етарли етук мутахассислар тайёрлаб беради.

Кадрлар тайёрлашда, ривожланган мамлакатлар интеграция жараёнларининг бир неча даражасини қўллаб келмоқдалар. Масалан, Америка Қўшма Штатларда интеграцион бирламчи вертикал даражаси икки йиллик ва тўрт йиллик коллежларни университетларга бириктириш ва бутун таълим-тарбия жараёнини университетларнинг юқори малакали мутахассислари орқали амалга оширилади. Таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг иккинчи горизонтал босқичи ҳам хориж мамлакатларда кенг тарқалган.

Америкада, йирик-йирик концерн, корпорациялар қошида ўқув марказлари бакалаврларни 6 ойдан мутахассислик бўйича

қайта тайёрлашади. Яъни умумий дастур бўйича фирма ва корпорацияларнинг ишлаб чиқариш жараёни, технологияси билан гаништиради. Шу билан бирга мутахассиснинг йўналиши бўйича ишлаб чиқариш корхоналарида махсус дастур бўйича қайта тайёрланади. Америка университетлари кафедраларида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётганлиги сабабли магистрлар таълим билан фан орасида интеграцион жараёнларга бевосита қатнашадилар ва магистратурада таҳсил олиш жараёнида фан соҳалари бўйича илмий даражалар олиш учун диссертация химояларини ўтказишади.

Германияда дуал (таълим-ишлаб чиқариш) тизими кенг ривожланган. Германия техника университетларида ва олий техника мактабларида таълимни илмий тадқиқот ишлари билан бевосита алоқалари ўрнатилган. Олий техника мактаблари ҳам, техника университетлари ҳам илмий даража ва илмий унвонлар бериш ҳуқуқига эга. Олий техника мактабларида фан асослари бевосита амалиёт билан қўшиб олиб борилади.

Япония иқтисодиётини ривожланиши кўп жиҳатдан таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширишга бевосита боғлиқ. Япония университетларида дунёдаги мутахассисликларнинг деярли барчаси бўйича мутахассислар тайёрлаши билан бирга талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиши юқори курсларда битирувчиларнинг барчасини қамраб олади. Натижада Япония халқ ҳўжалиги ўзлари яратиб бевосита ишлаб чиқаришга қўлланган технологиялар бўйича ривожлантирилади. Илғор ишлаб чиқариш технологиялари эксперт учун асосий йўналиш ҳисобланади. Япония университетларида ишлаб чиқариш билан интеграция жараёни бир томондан ишлаб чиқариш билан биргаликда илмий тадқиқот ишларини ўтказиш ва улар натижаларини таълим-тарбия жараёнига қўллаш бўлса, иккинчи томондан университет ва ишлаб чиқариш билан яқиндан алоқани технополисларни ривожлантириш орқали амалга оширилади.

Технополис махсус илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлиб, илмий тадқиқот ишлари билан ишлаб чиқариш, иккинчи томондан бевосита мутахассисларни тайёрлаш орқали алоқани ўрнатади. Бундай бирлашмалар университет талабалари ва коллеж ўқувчиларини таълим олиш билан бирга узлуксиз илмий ишлаб чиқариш амалиётини бевосита ишчи ўринларида лойиҳалаш, илмий ишлаб чиқариш мажмуалари лабораторияларида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ташқи иқтисодий, интеллектуал ва таълимнинг барча жабҳалари орасида ташқи мамлакатлар алоқаларининг таснифи, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш даврида таълим ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот ишлари орасидаги интеграцион жараёнларини янги ва янада юқори сифат даражасига кўтариш мақсадида қуйидаги илмий изланишларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Фанлар Академияси ва илмий тадқиқот институтлари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнлари фойдаланиш учун технологик, гуманитар ва педагогик технологияларни яратиш.

2. ОТМ талабалари ва магистрлари, КХК ўқувчиларига кичик корхоналар очиб бериш имкониятларини яратиш, ишлаб чиқариш технологияларини педагогик технологиялар билан узвий ва узлуксиз боғланганлигини таъминлаш.

3. Таълим, илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион жараёнлар қуйидаги йўналишда амалга оширилгани мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Касб таълими интеграциясининг вертикал йўналишлари ўз ичига касб таълими фан асослари билан ишлаб чиқариш орқали интеграциялашганда «КХК-ОТМ», «АЛ-ОТМ» тизимларида узлуксизлик ва узвийликни таъминланиши, кичик мутахассислар тайёрлашда олий тоифали юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, горизонтал йўналишдаги интеграцион жараёнлар: йирик «Ўқув-илмий тадқиқот», «Ўқув-илмий ишлаб чиқариш», «ОТМ-ишлаб чиқариш», «КХК-ишлаб чиқариш» интеграциясини таъминлаш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш йирик

илмий тадқиқот институтлари, илмий ишлаб чиқариш корхоналарининг техник технологик салоҳиятини бевосита таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш, педагогик технологиялар ва бевосита ишлаб чиқариш технологиялари орасида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш ва талаба-ўқувчи ва инженер-техник ходим бир хил ахборот «доираси»га эга бўлишини таъминлаш;

4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилганидек, таълим-илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион жараёнларни иқтисодий ривожланиши даражаларига кўтариш. Бунинг учун интеллектуал ривожланган мамлакатлар билан биргаликда бозор иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий алоқаларни таъминловчи барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ҳамкорликдаги ОТМлари, КХКлар, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларини очиш, иқтидорли ёшларни ривожланган мамлакатлар университетлари ва коллежларида ўқитишга юбориш, улар билан яқин алоқа ўрнатиш, биргаликда илмий дастурлар ва лойиҳаларни бажаришда қатнашишларини таъминлаш.

5. Педагогик технологиялар ва ишлаб чиқариш технологияларини бириктирувчи, уйғунлаштирувчи тамойиллар билан таъминлаш.

- **касбий мослашувчанлик тамойили:** бунда-бўлғуси мутахассисларнинг янги технологик ускуналарини ўзлаштириш қобилияти ҳамда мунтазам равишда ўз билим ва малакаларини такомиллаштириб бориш эҳтиёжини тарбиялаш мақсади кўзланади. Шунга мувофиқ, таълим мазмунига муайян назарий билимлар мажмуи, малака ва кўникмаларнинг юқори даражада шаклланганлиги, тезкор малака ва кўникмаларни ўрганишни киритиш талаб этилмоқда. Касбий мослашувчанлик ўз ичига нафақат касбий, балки ижтимоий ва психологик жиҳатларни камраб олади. У - касбий маҳорат асосларини шакллантириш билан бирга баркамол шахснинг вояга етказиш эҳтиёжини акс эттиради.

- **турғунлик ва ўзгарувчанлик (динамик) тамойили:** бунда-ўқув фанларнинг (асосий) бир қисми турғунлигини ва бир қисмининг динамик (ўзгарувчан) хусусиятга эга бўлишини кўзда

тутади. Умумий тайёргарлик - умумтаълим, умумтехникавий, политехник билим, малака ва кўникмалари ҳамда фан тарихига оид маълумотлардан иборат бўлиши лозим.

Махсус ва касбий тайёргарлик эса ўз навбатида саноат, қишлоқ хўжалиги ва мутахассислик таснифлагичига (классификатор) киритилган бошқа соҳа касбларига тааллуқли масалалардан ташкил топади.

- **ягоналик ва табақалаштириш тамойили:** бунда-бир томондан, муайян касб ва бир нечта турдош касбларга йўналтирилган ягона намунавий ўқув режа ва дастурларнинг ишлаб чиқиши, иккинчидан - илмий-техник тараққиёти, ишлаб-чиқариш шароит ва талабларидан келиб чиққан ҳолда умумтехникавий ва махсус фанлар мазмунининг табақалаштирилишини назарда тутати. Шундай экан, махсус фанлар (назарий ва амалий) мазмуни мутахассисликларга қараб турлича бўлади.

- **касб таълимида политехник таълим тамойили:** политехник таълим-ўқувчиларнинг замонавий ишлаб-чиқариш асосларини ўзлаштириши, типик объектлар билан танишиши, баркамол шахс сифатида шаклланиши жараёнида амалга оширилади. Бунда - «политехник мазмунга эга объектларни ёритувчи, уларнинг ўзлаштирилиши ва ўқувчиларда қизиқувчанлигини таъминлаб берувчи таълимий (дидактик) воситалар мажмуи» деб, тушунилади.

Яхлит тизим сифатида политехник билимлар - табиий, техникавий, ижтимоий ва аниқ (математика) фанлар элементларининг йиғиндисини ташкил қилади. Политехник билимлар моҳияти - замонавий ишлаб- чиқаришнинг техникавий ҳамда ташкилий-иқтисодий жабҳаларини акс эттиради.

Политехник характерга эга бўлган билимларни танлаб олиш ва аниқ тизимга шакллантиришда асосий мезон сифатида уларнинг умумийлиги, ўзлаштиришда осонлиги, бошқа турдаги фаолиятларга кўчириш имкониятига эга эканлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Политехник малакалар деб, политехник билимларнинг амалий

қўлланилиши усуллари, уларнинг мослашувчанлиги (эгилювчанлиги), ақлий-амалий масалаларни ечишда кенг қўламда ишлатилишига айтилади.

- **модуль-блок усулида ишлаш тамойили:** ушбу усул - таълим жараёнига киритилган барча ўқув материалнинг қамраб, шакл жиҳатдан алоҳида тузилмаларга бўлинишини билдиради. Мазкур тамойилга кўра таълим жараёни турли фанларда мустақил шаклланган блоклар асосида амалга оширилади.

**Модуль** - ўқув материалнинг фанлараро ташкилий-услубий тизилмаси бўлиб, назарий билимлар тизими билан боғлиқ тушунчаларнинг алоҳида чиқарилишини кўзлаб, бўлгуси мутахассис қизиқиш фаолияти нуқтаи назаридан келиб чиқади.

Ўқув материалнинг модулларга тақсимлашда бир қатор мезонлар мавжуд: ўзлаштириш мажбурлиги, фан туркумлари, ўқитиладиган материал ҳажми (кириш, илгарлама, чуқурлаштирилган), баён этиш услуби (назарий, тарихий, методик) шулар жумласидандир. Модуль тизимида ўқитиш таълимда узвийлик, кўп босқичлик, индивидуаллик каби масалаларни ҳал қилиш имкониятини беради.

«**Модуль**» тушунчаси технологик характерга эга бўлиб, ўқув жараёнининг яқунланган бирлиги сифатида қабул қилинган ва ўзининг мақсадли кўрсатмалари, ташкилий шакл ва якунида мажбурий назорат турларини қамраб олган ҳолда ўқувчиларга кейинги модулга ўтишини таъминлаш билан бирга, тайёргарлик жараёнини табақалаштириш, таълимии индивидуаллаштириш имкониятини беради.

Модуль - ўқувчиларнинг ҳар бир босқичда тайёргарликнинг юқори даражага эришиб, кейинги (цикл) туркумга ўтишда даврийлик тамойилига асосланган. Тайёргарликнинг эгувчанлигини ва хилма хиллигини таъминловчи синов бирликлари тизими киритилади.

Модуль тўлақонли ишлаши учун қуйидагилар зарур бўлади:

- модулнинг яратилиши ўқитувчиларнинг фанлараро фаолиятини ташкил этилишига, модуль-блокли ўқитилишига қаратилиши;

- фаолият барча турларининг шакллантирилишига йўналтирилган модуллар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирига боғлиқ бўлади;

- ҳар бир модуль ўзининг тугалланган натижаси, ўқитиш услуги ва технологиясига эгадир;

- ҳар бир модуль муайян назорат тизими билан яқунланади ва бир вақтнинг ўзида у кейинги модулнинг бошланишини билдиради.

Таълимда - «шўнғиш» (погружение), интеграциялашган дарслар ёки ўқув фанларнинг бирлашган шаклидаги модуллар мавжуд. Бунда ҳар бир босқичнинг - назарий, амалий, методик, назорат ва коррекцион блоklarининг алоҳида кўрсатилиши зарур.

Ҳозирги кунда жорий этилган яқунланган таълим инсоннинг ҳар хил ёши, ҳаётий босқичларида таълим олаётганлигини ҳисобга олган ҳолда унинг муайян турдаги меҳнати ва ижтимоий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ривожланган мамлакатларда турли даражада интеграциялашган ўқув муассасалари мавжуд. Масалан Америка Қўшма штатларида университет қошида 2-4 йиллик касб-хунар коллежлари ташкил этиш тажрибалари мавжуд. Бундай тажриба бошқа мамлакатларда ҳам оммавий тус ола бошлади. Интеграциялашган таълим турида мутахассислар тайёрлаш ОТМларининг моддий базаси ҳамда профессор ўқитувчилар ҳисобига амалга оширилади. Натижада ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашда сифат ва самарадорлик таъминланади.

Юқори малакали мутахассисларни корпорациялар, фирмалар таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлигига асосланган ўқув марказларида тайёрлаш оммавий тус олиб бормоқца.

Бундай марказларда таълимнинг давомийлиги олти ойдан икки йилгача бўлиб, айникса бакалавр мутахассисларини тайёрлашда яхши натижалар берапти.

Ўқув марказларида таълим икки дастур асосида қайта тайёрланиб, буларнинг биринчисида корпорация ёки фирманинг умумий фаолияти, унинг тизими асосий ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида тасаввур ҳосил қилса, махсус дастур бўлажак мутахассисларнинг ихтисоси бўйича тўлақонли касбий малакалар беришга мўлжалланган бўлиб, бу дастур корпорацияларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида жорий қилинади.

### **3.2. Интеграциялашган ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш методикаси**

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган, таълим мазмуни қисман янгиланди. Давлат таълим стандарти талаблари асосида янги ўқув қўлланма ва дарсликлар ишлаб чиқилди. Лекин, қузатишлар шуни кўрсатадики, ўқув режасида ўқув предметларнинг сони ортиб кетган. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Ўқув фанлари миқдорини кўпайтириш орқали талабанинг билим даражасини оширишга эришиляптими? Йўқ албатта. Чунки: 1) ўқув фанлари кўпайган сари талабаларга тақдим этиладиган билимлар майдалашиб бормоқда; 2) ўқув қўлланма ва дарсликларда такрор материалларнинг миқдори ортмоқда; 3) талабанинг ижтимоий тажрибасига қирмай қолаётган билим ва тушунчалар кўпаймоқда; 4) ДТС лари билан ўқув режа, ўқув дастурлари орасида номувофиклик вужудга келмоқда.

Маълумки, таълим жараёнида муайян ўқув фанларга оид билимлар билан бир қаторда халқнинг ижтимоий тажрибаси, тил бойлиги, маънавий, маданий қадриятлари, ахлоқий меъёрлари билим ва тушунчалар шаклида ўргатилиши лозим. Амалдаги таълим жараёнини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, у ёки бу ўқув фани мазмунида талабанинг ижтимоий тажрибасига қирмай қолган билим ва тушунчалар мавжуд. Бунинг асосий сабаби ўқув фанининг мазмунини ўта мураккаб ёки ҳаддан ташқари содда эканлигидадир. Агар ўқув материали ўта мураккаб бўлса, талаба уни тўлиқ ўзлаштиришга қийналади. Агар содда ва такрор ҳолда

ифодаланган бўлса бундай ўқув материални ўзлаштиришга эҳтиёж сезмайди, ундан безади.

Бугунги кунга келиб жаҳондаги мамлакатларнинг 70 фоизи таълим тизимида интегротив характердаги ўқув дастурлари ва дарсликлардан фойдаланиб келмоқда. Ҳар бир мамлакат айни шу давлатнинг таълим тизимига қўйилган буюртманинг табиатидан келиб чиққан ҳолда интеграциянинг турли даражаларини ишлаб чиққан ва жорий қилиб келмоқда. Чунончи, Буюк Британия таълим тизимида асосан интегротив фанлар жорий қилинган бўлса, Корея ва Швейцарияда интеграциялашган фанлар ёки алоҳида ўқув предметлари Австралияда интеграциялаштирилган фанлар, Япония, Шимолий Ирландия, Уэльс, Гонг-Конг ва Германияда ҳам алоҳида фанлар, Венгрияда маданият йўналишидаги ўқув предметлари, инсон ва табиат, интегротив фанлар, Нидерландияда алоҳида ўқув предметлари, Ирландияда фан ва техника каби блокларда барча ўқув фанлари мужассамлаштирилган ҳолда ўқитилади. Бизда бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Таълим жараёнини интегротив дастурлар ва дарсликлар асосида ташкил этиш орқали ўқув-билув жараёни натижасида самарадорликка эришиш назарда тутилган экан, бунда интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш мақсадида мувофиқдир. Масалан,

1. Мавзуларни кетма-кет тақдим этиш асосидаги интеграция; бунда ўқув материалларини баён қилишда концентризм принципига амал қилинади, яъни олдинги ўқув материали кейингисини тўлдиради. Лекин ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди. Бундай интегротив ёндашув натижасида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда ижодий фаолиятлари мунтазам равишда ривожланиб, бойиб боради.

2. Ўқув дастурларида ўзаро уйғунлашган нуқталарни вужудга келтиришга асосланган интеграция; бунда ҳам такрор тарзда бериладиган тафталогия асосидаги ўқув материалларининг олдини олиш учун дастурларда мавзулараро уйғунликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг афзаллиги шундаки, талабанинг вақти ва

кучи тежалади, дарсликларнинг ҳажми ихчамлашади ва таннархи арзонлашади.

3. Модуллашган интеграция; бундай интеграция доирасида турдош ўқув фанларига оид билим ва тушунчалар бир тизимга солинган ҳолда, узвий тарзда талабаларга тақдим этилади.

4. Интегратив дастурлар; ушбу типдаги дастурлар бир неча ўқув предмети ёки ўқув фанларига оид мавзуларни уйғунлаштиришган ҳолда тақдим этишни назарда тутлади. Бугунги кунга келиб чиқиб ўқув режасида ўқув предметларининг сони максимум кўпайиб кетганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай типдаги дастурлар яратишга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

5. Мавзулараро интеграция; бунда айти бир курс доирасида бериладиган ўқув материаллари бошқа бир курс доирасидаги моҳиятан яқин бўлган ўқув материаллари билан уйғунлаштирилади.

Таълимда интеграцияни амалга ошириш ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам педагогик, гигиеник ва физиологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, талабани вақти ва кучи тежалади, ортиқча зўриқишнинг олди олинади. Ўқув-билув жараёнининг самарадорлик даражаси ортади.

ДТС асосида талабанинг билим ҳамда тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимум талаблар ўз ифодасини топмоғи лозим. Амалга оширилиши кўзда тутилаётган интеграция даражаси айти бир ўқув фани мазмунида чуқур, ҳар томонлама алоқадан бошланиб, ўқув фанлараро боғланиш, уйғунлаштириш даражасида таъминланиши керак.

Бунда биринчи навбатда ўқув материалларининг мазмун жиҳатдан бой ва кўп мамлакатларнинг таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай мақсадга эришиш учун: таълим мазмунида ўқув фанларини интеграциялашнинг илмий ва педагогик асосларини ишлаб чиқиш; таълим жараёнини либераллаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув режасини такомиллаштириш; интеграл мазмундаги ўқув дастурлари ва даарликларнинг янги авлодини

яратиш; таълим мазмуни интеграциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Интеграциянинг у ёки бу даражасини таълим жараёнида қўллаш натижасида талабанинг вақти ва кучи тежаллади, унинг билиш имкониятлари кенгайди. Мавзулараро интеграция асосида ўқув-билув жараёни натижаларини истиқболли қилиш механизмлари яратилади; интеграциялаштирилган таълим жараёнини бошқарадиган ўқитувчиларини тайёрлаш ва малакасини оширишни йўлга қўйиш учун ҳуқуқий методик имкониятлар яратилади; интеграл дастурлар асосида ўқув-билув жараёнининг иқтисодий жиҳатдан самарадорлик даражаси аниқланади; ўқув-билув жараёнини интеграл дастурлар асосида ташкил этиш соҳасидаги халқаро тажрибалардан кенг фойдаланиш учун қулай имкониятлар туғилади.

### **3.3. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда таълим мазмуни ва жараёни сифат мониторингини амалга ошириш технологиялари**

Таълим мазмуни ва жараёни сифат мониторингини амалга оширишнинг мақсади касб таълими йўналиши ўқитувчиларини тайёрлашда таълим мазмунини интеграциялаш, уларни интеграциялашган ўқув режа ва ўқув дастурлари орқали билим олишга ундовчи омилларни ривожлантириш имконини берувчи педагогик шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш даражасини аниқлашдан иборат бўлди.

Белгиланган мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

- олий таълим муассасаларида касб таълими йўналиши бўйича бакалавр ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнини ёритувчи ўқув-меъёрий ҳужжатларни (Давлат таълим стандарти, ўқув режа, фан дастурлари ва ҳ.к) ўрганиш асосида ўқув-тарбия жараёнини, таълим мазмунини интеграциялашни ташкил этиш бўйича назарий маълумотларни ўрганиш ва умумлаштириш;

- анкета сўровлари ёрдамида касб таълими факультети талабалари ва ўқитувчиларнинг таълим жараёнида интеграциянинг моҳияти борасидаги асосий тушунчалари ҳақидаги маълумотларни аниқлаш;

- талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларининг шаклланганлиги даражасини бевосита умумкасбий ва ихтисослик фанлар мисолида ҳамда мустақил бажариш учун берилган топшириқлар ёрдамида ўрганиш;

- касб таълими факультети талабалари ўзлаштириш даражаларини интегротив ёндашув асосида билим олиш хусусиятлари шаклланишига эришиш.

Таълим мазмуни ва жараёни сифат мониторингини амалга ошириш уч босқичда олиб борилди:

1. Асословчи тажриба босқичида касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида умумкасбий ва ихтисослик фанларида интеграллашган билимлар мазмуни аниқланди ва бундай билимлар базасида интеграллашган дарсларни ўтказиш методикаси, фанлар интеграциясини ташкил этиш, уларда билим, кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражасини аниқлашга йўналтирилган педагогик фаолият ташкил этилди. Кўзда тутилган мақсадга эришишда касб таълими факультетида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқув фаолияти кузатилди, улар билан суҳбат, анкета сўровлари ўтказилди. Булардан ташқари ўқув режа, ўқитилаётган умумкасбий ва ихтисослик фанлари ўқув дастурлари ва ўқув-меъёрий ҳужжатларда интеграциянинг таъминланганлик даражалари таҳлил қилинди. Бу ишлар тадқиқот йўналиши ва дастурини белгилаш имконини берди. Етакчи олимлар ва тажрибали педагогларнинг тадқиқот мавзусига оид илмий ишлари таҳлил қилинди. Таълимда интеграцияни амалга ошириш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли фанлар мазмунида интегротив ёндашувни амалга ошириш ва уларни бажариш методлари, шакллари ва воситалари белгиланди.

2. Шакллантирувчи тажриба босқичида интеграллашган билимлар мазмуни, бундай билимлар базасида яратилган

тавсиялар, интеграллашган дарсларни ўтиш методикаси, биз томондан тавсия этилган кўрсатма, йўриқнома, методик ишланмалар ва интеграцияни амалга ошириш шакллари асосида амалий-методик фаолият ташкил этилди. Талабалар фаолиятини бевосита ва билвосита педагогик кузатиш, улар иштирокида амалий тренингларни ташкил этиш, суҳбат, анкета сўрови ёрдамида таълим мазмунини интеграциялаш шакллантирилди. Таълим жараёнига интеграцияни амалга ошириш даражаси таҳлил қилинди.

3. Таъкидловчи тажриба босқичида касб таълими йўналиши бўйича тайёрланаётган ўқитувчиларга таълим бериш жараёнида фанлар интеграцияси ташкил этилиб, уларда билим, кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражаси таҳлил қилинди ва қўлланилган методиканинг самарадорлиги, шунингдек таълимнинг самарадорлик даражаси аниқланди.

Тажриба-синов ишларининг муваффақиятли кечиши куйидаги объектив ва субъектив омилларнинг мавжудлиги ҳисобига таъминланди:

- касб таълими йўналиши бакалавр-ўқитувчиларида таълим мазмунини интеграциялашга қаратилган методик шарт - шароитларнинг яратилганлиги;

- олий таълим муассасаларининг етарли моддий-техник базага эгалиги;

- ўқув ва тарбиявий ишлар жараёнида замонавий техник воситалар ҳамда ахборот технологияларидан унумли фойдаланилганлиги;

- касб таълими ўқитувчиларининг таълим олишларига ва билим, кўникма ҳамда малакаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги;

- талабаларнинг ўқув жараёнига интеграл ёндашувни амалга оширишда малакали, юксак педагогик маҳоратга эга педагогларнинг жалб этилганлиги;

- талабаларнинг электрон кутубхоналардан фойдаланиш имкониятларига эгаликлари ва ҳоказолар.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида олий таълим муассасаларида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда ўқитувчилар, интегратив билимлардан қай даражада фойдаланилаётганлиги ҳамда дарсларда бу вазифани ҳал этишнинг аҳволи аниқланди. Бунинг учун ўқитувчилар билан қўшимча «Интеграция нима?», «Интегратив материал деганда нимани тушунасиз?», «Интеграция таълимнинг қандай муаммосини ҳал этишда кучли восита сифатида иштирок этади?», «Борлиқни бир бутун англашда интегратив билимлар қандай роль ўйнайди?» каби мавзуларда суҳбатлар ўтказилди.

Таълимда «Интеграция» атамаси матбуот саҳифаларида кенг ўрин олаётган ҳозирги кунда, ҳам кўпчилик ўқитувчиларнинг бу муаммо ҳақида тасаввурларини қониқарли эмаслиги аниқланди.

Хусусан, олий таълим муассасаларида касб таълими йўналиши бўйича тайёрланаётган ўқитувчиларни умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида интеграцияга ўқитувчилар қай даражада эътибор бераётганликларини аниқлаш мақсадида 78 нафар умумкасбий ва ихтисослик фанлари ўқитувчиларига қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинди ва улардан ёзма жавоб олинди.

1. «Интеграция» сўзини маъносини биласизми?
2. Сизнингча фан дастурлари, дарсликларидан интегратив материаллар етарлими?
3. Дарс жараёнида бошқа фанларга оид интегратив билимларни қўллайсизми?
4. Амалдаги дарслик ва дастурларда талабалар ўзлаштириши қийин мавзулар мавжудми ва бу мавзулар оламни яхлит тушунишга тўлиқ имкон берадими?
5. Машғулотларни ташкил қилишда фанлараро алоқадан фойдаланасизми?
6. Сизнингча, ҳозирги даврда, таълим жараёнида интеграциядан фойдаланиш зарурми?
7. Таълим муассасангизда интеграллашган тўғрақлар мавжудми?

8. Интегротив дарсларни талабалар билан олиб борасизми?

9. Таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида республикамиздаги ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсия уюштирганмисиз?

10. Ёшларни ҳар хил диний экстримистик гуруҳларга берилишини олдини олишда, интеграллашган билимлар зарур деб ҳисоблайсизми?

Ўқитувчиларнинг юқоридаги саволларга берган ёзма жавоблари таҳлилининг кўрсатишича:

- биринчи саволга ўқитувчиларнинг 89%и – «Йўқ», 11%и-«Ҳа»-фанлараро боғланиш деб. жавоб беришган;

- иккинчи саволга ўқитувчиларнинг 98%и, «Йўқ» дейишган;

- учинчи саволга 72%и йўқ деган жавоб беришган;

- тўртинчи саволга 97 % -«Ҳа» деб жавоб беришган;

- бешинчи саволга 78% -«Ҳа» -деб жавоб беришган;

- олтинчи саволга 98% -«Ҳа» -деган жавобни айтишган;

- еттинчи саволга 100% - «Йўқ»- деган жавобни беришган;

- саккизинчи саволга 78% ўқитувчилар «Йўқ»-деб жавоб беришган, чунки бу борада асбоблар, дарс соатлари етарли эмас, - деган жавоб қилишган;

- тўққизинчи саволга -77% «Йўқ»-деб жавоб қилишган;

- ўнинчи саволга- 98% и «Йўқ»- деб жавоб беришган;

Кузатиш жараёнида умумқасбий ва ихтисослик фанлари ўқитувчиларига берилган сўровнома саволлари асосида қуйидаги масалалар ўрганилди:

1. Ўқитувчиларнинг интеграция тўғрисида «тушунча», «билимлари» қай даражада эга эканлиги.

2. Умумқасбий ва ихтисослик фанларини интеграциялаб ўқитиш асосида талабалар билимининг сифати ва самарадорлигига таъсири.

3. Умумқасбий ва ихтисослик фанларини интеграциялаб ўқитиш асосида талабаларнинг фанга қизиқишларини ошириш, оламни яхлит ҳолда англаш кўникмасини ҳосил қилишларига таъсири.

4. Умумқасбий ва ихтисослик фанларини интеграциялаб ўқитишдаги қийинчиликлар.

5. Фанларни интеграциялаб ўқитишда талабалар ижодий қобилиятини ривожлантиришдаги аҳамияти.

6. Фанлар интеграциясини амалга оширишда интерфаол методлардан фойдаланиш аҳамияти;

7. Ахборот технологияларининг ўқув жараёнидаги интеграциясини амалга ошириш.

Бундай мазмундаги сўровнома саволлари, умумқасбий фанларни ихтисослик фанлари билан интеграциялаб ўқитиш, талабаларда оламни яхлит ҳолда анлаш, ўзларини ҳам унинг бир қисми эканликларини ҳис этиш, ҳамда уларда Она заминни севиш маъсулиятини шакллантиришда муҳим восита эканлигини кўрсатди.

Фанларни ўқитишда, ишлаб чиқилган интегротив билимларни қўллаш методикаси, дастур материалларини ўрганишга ижобий таъсир қилишини, талабаларни оламни яхлит ҳолда анлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишга олиб келишини кўрсатди.

Ҳозирги даврда талабаларнинг юксак ривожланган технологиялар, компьютер, ахборот технологиялари ва касбларига бўлган қизиқиш, интилишлари катта. Фанларни ўқитиш жараёнида интегротив билимларни замонавий ахборот технологиялари, жумладан, компьютердан фойдаланиб ташкил этиш бўйича ўқитувчиларга таъсиялар бериб берилди.

Педагогик тажриба-синов ишининг биринчи босқичида талабаларнинг билим даражасини англаш учун, улар билан суҳбат, назорат ишлари ўтказилди. Тажриба-синов гуруҳ талабаларига танланган интегротив дидактик материалларни ўргатишда, қуйидаги услублардан ўрилли фойдаланиб борилди: кузатиш, суҳбат, савол-жавоб, оғзаки баён этиш, масала ечиш, мустақил ижодий изланиш. Юқорида танланган олий таълим муассасаларида тажрибали ўқитишни илмий жihatдан синаб кўриш учун, олинган натижалар параллел ҳам гуруҳларда олиб

борилди. Таълим муассасаларининг касб таълими йўналиши бўйича тайёрланаётган ўқитувчилар ўқув режаси, умумкасбий ва ихтисослик фанлари ўқув дастурлари таҳлил қилинди. Тадқиқотчи томонидан, махсус интегрatív ўқув материаллари, уларни ўзида акс қилган дидактик иллюстрация кўргазмалари тайёрланди. Қайд қилинган муассасаларда тажрибали ўқитиш дарс машғулотларида, талабаларнинг фанларга қизиқишларини орттириш мақсадида олиб борилди.

Педагогик тажриба–синовни биринчи босқичининг мақсади фанларни интегрatív билимлар асосида ўқитишда, мавжуд интегрatív материалларни ижобий хусусиятларини аниқлашга, уни такомиллаштириш учун аниқ хулосалар чиқаришга ёрдам берди.

Умумкасбий ва ихтисослик фанларини интегрatív материаллардан фойдаланиб ўқитишда, қуйидагиларга алоҳида эътибор берилди:

1. Умумкасбий ва ихтисослик фанлари ўқитувчиларининг интегрatív материаллар асосида ўқитиш маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда методик ишланмалар тайёрланди.

2. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда, фан–техника тараққиётини ҳисобга олган ҳолда, интегрatív материалларни танлаш, умумлаштириш, мантиқий кетма-кетликда системалаштириш ишлари амалга оширилди.

3. Педагогик тажриба–синов ўтказиш учун тайёрланган интегрatív материаллар асосидаги дарс ишланмалари, ўқув методик қўлланма, кўргазмали иллюстрацион дидактик материаллар, намоёнлиги тажрибалар учун техник воситалар, кўрсатмали қуролларнинг ижобий ва салбий томонлари ўрганилди.

Педагогик тажриба–синовнинг иккинчи босқичида интегрatív асосда ўқитишнинг қуйидаги ижобий томонлари аниқланди:

1. Умумкасбий фанларни ихтисослик фанларига оид интегрatív билимлардан фойдаланиб ўқитишнинг кенг имкониятлари мавжудлиги.

2. Умумқасбий ва ихтисослик фанларини интегратив билимлар ёрдамида ўқитишнинг талабалар учун қизиқарли, тушунарли бўлиши.

3. Умумқасбий ва ихтисослик фанларини бошқа табиий ва гуманитар фанлар билан интеграллашганлик даражəsi амалда маълум миқдорда мавжудлиги

Тажриба—синовдан аниқландики, умумқасбий ва ихтисослик фанларида интегратив материаллардан мащгулотларда фойдаланиш натижасида:

- талабаларнинг фанларга қизиқиши ортади;
- талабалар оламнинг моддий бирлиги, табиатдаги уйғунлик, жамиятнинг комплекс муаммоларини осон билиш ва ҳал этиш мумкинлигини англаб етади;
- талабалар бошқа фанлардан олган билимларини синтезлаш, умумлаштириш кўбикмасига эга бўлишларига имкон яратилади;
- талабаларнинг ўз устида мустақил ишлашлари, ижодий қобилиятларини ривожлантиришлари учун шароит яратилади;
- талабаларнинг билими чуқурлашади; дарс самарадорлиги ошади; талабалар, цивилизациямизнинг глобал муаммоларни ҳис қилиш ва уларни ҳал этишга ҳисса қўшиш, мушоҳада юритиш руҳида тарбияланади.

Ўтказилган тажриба—синов ишлари жараёнида, умумқасбий ва ихтисослик фанларини интеграциялаб ўқитишнинг таълим—тарбия жараёнига, хусусан талабаларнинг билим сифатига таъсири, ўқитишнинг самарадорлигини оширишга ҳиссаси асосланди.

Педагогик тажриба—синовнинг биринчи босқичида, умумқасбий ва ихтисослик фанларида танланган интегратив материалларни ўзлаштириш сифати ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчилар билан доимий равишда суҳбатлар, савол-жавоблар олиб борилди. Умумқасбий ва ихтисослик фанларини интегратив материаллардан фойдаланиб дарс ўқишда, талабаларнинг олган назарий билимлари, амалий кўникма ва малакалари ҳар ўқув йили давомида текширилиб, таҳлил қилинди.

1. Талабаларни “Аъло” баҳолашда ўқув материални бутун тафсилотлари билан билиш ва тушуниш, материални изчил, мантиқан боғланган ҳолда ҳатосиз баён этиш, савоя ва топшириқларга жавоб беришда ўзлаштирилган методик билимларни мустақил, дадил ва тўғри татбиқ этиш, касб таълими методларини билиш ва улардан ўринли фойдаланиш, талаб дажарасида сифат кўрсаткичларига риоя қилиш, топшириқларни вақт меъёри доирасида бажариши, мустақил ижодий ишга мойилликлари назарда тутилди.

2. Уларни “Яхши” баҳолашда бутун ўқув материалларини билиши ва тушуниши, уни огзаки ва ёзма равишда тўғри баён эта олиши, топшириқларни тўғри ва пухта бажариши, берилган ишни белгиланган вақт меъёрига мувофиқ бажарганлиги учун қўйилади.

3. “Қониқарли” баҳолашда дастурдаги асосий материални бундан кейинги меҳнат вазифаларини бажаришга имкон берадиган ҳажмда билиши, тушуниши ва баён қилиши, ўқув материални бирмунча хаё ва камчиликлар билан, содда қилиб баён этиши, ўз ишини ташкил қилишда бир оз камчилик бўлган ҳолда бажаргани учун қўйилади.

4. “Қониқарсиз” баҳо эса мавзу юзасидан тайёргарликка эга эмас, фан дастури юзасидан умумий тушунчаларга эга, ўқув топшириқларини бажаришда зарур сифат кўрсаткичларини таъминлай олмаслик учун қўйилади.

Шундай қилиб, “аъло”, “яхши”, “қониқарли”, “қониқарсиз” баҳоли жавоблар, талабаларни умумкасбий ва ихтисослик фанларида интегратив билимлардан фойдаланиб, машғулот ўғишда эришган назарий билимлари, амалий кўникма ва малакаларининг сифатини аниқлашда асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

Синнов ишларининг натижалари, умумкасбий ва ихтисослик фанларини интегратив билимлар асосида ўқитиш тизимини такомиллаштиришга ва шу асосда методик тавсиялар, ёшдошувлар таклифлар киритишга ёрдам берди. Масалан, эксперимент бошида, синнов ва тажриба гуруҳи талабаларига интегратив характердаги

саволлар берилади. Таъриба-синов гуруҳларида 542 нафар талаба катнашди

Педагогик таъриба-синов натижаларини таҳлилий этишда, математик-статистика методи қўлланилди.

Таъриба-синов ишлари жараёнида, ўқитувчиларга таъриф этилган 400 дан ортиқ саволиномага, уларга жавоблар, назорат ишлари ва бошқа ҳужжатлар таҳвил этилди.

Таъриба-назорат гуруҳларида олиб борилган тадқиқот ишларини математик-статистик таҳлилий натижалари қуйидаги 3.2.1-жадвалда келтирилган.

3.3.1-жадвал

Талабаларда интеграллашган билимларнинг шаклланганлик даражалари

Босқичлар	Талабалар сони		“5” баҳо		“4” баҳо		“3” баҳо		“2” баҳо	
	Т	Н	Т	Н	Т	Н	Т	Н	Т	Н
I босқич	97	80	42	19	32	29	17	15	6	7
II босқич	109	86	46	18	50	36	8	22	5	10
III босқич	90	80	36	19	27	25	22	25	5	11
ЖА М И	296	246	124	56	109	90	47	62	16	28
Ўртачаси	99	82	41	19	36	30	16	21	5	9

Юқоридаги жадвалдан келтирилган ва эксперимент даврида талабалар оришган ўртача баҳолари қуйидаги 3.2.2-жадвал акс этган.

3.3.2-жадвал

Талабаларнинг ўртача олган баҳолари

Синфлар	Талабалар сони	Жавоблар сони							
		“5”		“4”		“3”		“2”	
Таъриба	99	41	42	36	37	16	16	5	5%
			%		%		%		
Назорат	82	19	24	30	37	21	27	9	12
			%		%		%		%


Тажриба-синов ишларини натижалари Стьюден-Фишер критерийси асосида математик-статистик таҳлил қилинди:

Тажриба ва назорат гуруҳидати баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион каторларга эга бўлидик.

<u>1-танланма</u>	$X_j$	"5"	"4"	"3"	"2"
(тажриба гуруҳи)	$n_j$	41;	36;	16	5
$n=99$ .					

<u>2-танланма</u>	$Y_j$	"5"	"4"	"3"	"2"
(назорат гуруҳи)	$n_j$	19	30;	21;	9
$m=82$ .					

Бу танланмаларга мос келган полигонларни чизамиз:



3.2.1-расм. Ўқитиш самарадорлигини аниқлаш диаграммаси.

Полигонда қайд этилган графикларидан англандики, тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари, мос равишда,  $M_T = 5$  ва  $M_n = 4$ , яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб,  $M_T > M_n$  экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам  $X > Y$  шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қуйидаги тавсия этилган формулалар асосида ҳисоблаймиз:



тенгликдан аниқлаймиз:  $t_{кр} = 1,67$ . Бундан баҳолашнинг ишончли четланишларини топсак:

$$\Delta_m = t_{\alpha} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,66}{\sqrt{99}} = 1,67 \cdot \frac{0,66}{9,9} = 1,67 \cdot 0,06 \approx 0,1$$

га тенг, назорат группасида эса:

$$\Delta_n = t_{\alpha} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,80}{\sqrt{119}} = 1,67 \cdot \frac{0,80}{10,9} = 1,67 \cdot 0,07 \approx 0,12$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба синфи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_{\alpha} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} \leq a_i \leq \bar{X} + t_{\alpha} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}}$$

$$4 - 0,1 \leq a_i \leq 4 + 0,1$$

$$3,9 \leq a_i \leq 4,1$$


назорат синфи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{\alpha} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_n \leq \bar{Y} + t_{\alpha} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$3,7 - 0,12 \leq a_n \leq 3,7 + 0,12$$

$$3,58 \leq a_n \leq 3,82$$

Буни геометрик тасвирласак, у қўйидагича кўриниш олади:



Демак,  $H_{\alpha 0,05}$  қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳида ўртача баҳо назорат гуруҳидаги ўртача баҳодан юқори бўлар экан.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълумки,  $X \sim K(4)$ ;  $Y \sim K(3,7)$ ;  $\Delta_m = 0,1$ ;  $\Delta_n = 0,12$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари ҳисобланди:

$$K_{\text{нб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(Y + \Delta_n)} = \frac{4 - 0,1}{3,7 + 0,12} = \frac{3,9}{3,82} = 1,02 > 1;$$

$$K_{\text{доп}} = (X - \Delta_m) - (Y - \Delta_n) = (4 - 0,1) - (3,7 - 0,12) = 3,9 - 3,58 = 0,32 > 0;$$

Олишган натижалардан, таълим самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталигини ва билиш даражасининг баҳолаш мезони esa нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан кўринадики, тажриба ўтказилган гуруҳдаги талабаларнинг ўзлаштириши, назорат гуруҳидагилардан юқори. Демак, умумкасбий ва ихтисослик фанларини интеграциялаб ўқитишда интегротив билимлардан фойдаланиш самарали бўлиб, ижобий натижага эришилганлиги тажриба-синов натижаларидан яққол кўриниб турибди.

Шундай қилиб, статистик таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда интегротив билимлардан фойдаланиб ўқитиш, етарлича самарали услублардан эканлигига асос бўлади.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг якуний bosқичига кадам қўйган даврда замонавий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, меҳнат бозори ва жамият эҳтиёжлари асосида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, унинг мазмунини ҳамда ташкилий-услубий негизини янада такомиллаштириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Ушбу асосда таълим тизимини янада тараққий эттириш учун тузилмавий ўзгаришларни давлат таълим муассасалари ривожланиш динамикаси, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг самарали тартибни жорий қилиш, таълим сифатини назорат қилиш тизимини шакллантиришни талаб этади. Шунингдек, мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқув, тарбиявий, бошқарув ҳамда инвестицион фаолият Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига қаратилган.

Ислохотларнинг бугунги bosқичида таълим тизими сифат жиҳатидан янги bosқичига кўтариш вазифасини ҳал қилиш, кадрлар тайёрлаш сифати ва бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари корхона ва муассасалар инновацион фаолиятига мос ташкил этилмаганлиги илмий фаолиятни баҳолашда асосий эътиборнинг етиштирилаётган кадрларга буюртмачи томонидан қўйилаётган талабларнинг етарлича эътиборга олинмаётганлиги билан боғлиқ бўлмоқда.

Мазкур монография юқоридаги муаммони ижобий ҳал қилишга қўйилган қадамлардан бири ҳисобланади. Монографияда касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда интеграциялаб ўқитиш илмий муаммо сифатида эканлиги, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграциянинг педагогик ва методик имкониятлари, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда таълим мазмуни ва ўқитиш самарадорлигини

ошириш технологиялари каби масалалар ёритилган бўлиб, тадқиқот натижалари куйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлди:

1. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг мавжуд ҳолати таҳлил қилинди ҳамда педагогика олий таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчилари тайёрлаш тажрибасини умумлаштириб касб таълими ўқитувчилари тайёрлаш ишини такомиллаштиришни талабгорларни танлаб олишдан бошлаш, уларнинг қизиқиши, мойиллиги, ҳиссиёти, касбий йўналганлигини ҳисобга олишга имкон берувчи мутахассислик фанларидан кириш имтиҳонларини киритиш; ўқув режа ва дастурларни фан-техника ютуқлари ҳамда илғор, истиқболли, ишлаб чиқариш технологиялари асосида такомиллаштириб бериш аниқланди.

2. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда интеграция муаммолари доирасида жараён ва ҳодисаларни ўрганишга умумий ёндашув, амалда муваффақиятли фойдаланиш. Ўрганиладиган ўқув материалларининг мақбул ўзаро муносабатини билиши, предметларни интеграциялаш асосига қўйиладиган етарли гоаяни аниқлай олиш маҳоратига эга бўлиши кераклиги белгилаб берилди.

3. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда интеграциялаб ўқиғишнинг аҳамияти асосланди. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда интегротив ёндашув мутахассисликка оид билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий сифат ҳамда фазилатларни яхлитлигини таъминлаш учун қўлланилди. Интегротив ёндашув бизнинг илмий тадқиқот ишимизда мазмунан туташ алоқадор, мантиқий бир-бирини такозо этувчи ва бир-бирига сингиб чуқурлаштирувчи ва кенгайтирувчи ўқув фанларини интеграциялаш учун қўлланилиб, яхлит мантиқий муқамал билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий сифатларни таркиб топтаришни кўзда тутди.

4. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда фанларни интегротив ёндашув асосида ўқиғиш методикаси ишлаб чиқилди. Педагогика олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида

мақсадга мувофиқ амалга оширилган фанлар интеграцияси, педагогик кадрларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини орттириш ва самарадорлик кафолатининг муҳим ва зарурий омили, шунингдек, бўлгуси касб таълими ўқитувчиларининг ўз педагогик фаолиятларида фанлар интеграциясини амалга оширишнинг намунаси бўлиб хизмат қилди.

5. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнининг интеграциялашган инновацион шакллари ишлаб чиқилди. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини оширишда интеграциялашган инновацион шакллари, таълим технологияларидан фойдаланиб дарсларни ташкил қилиш орқали фанлар интеграцияси амалга оширилди ва таълим технологиялари асосида интеграциялашган инновацион ишланма таклиф қилинди.

6. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда ахборот технологияларининг ўқув жараёнидаги интеграцияси таъбиғи ишлаб чиқилди. Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини интеграциялаш-педагогик жараёнда қўйилган мақсадга боғлиқ ҳолда яхлит тизимни ифода этувчи билимларни, фаолият усуллари ва улар билан ўзаро боғлиқ бўлган билиш жараёнларини, ўқув-билиш муаммолари, ўқитиш воситалари ҳамда методлари ишлаб чиқилди.

7. Интеграциялашган ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш методикаси таклиф қилинди. Таълим жараёнини интегрatív ўқув режа, дастур ва дарсликлар асосида ташкил этиш орқали ўқув-билув жараёни натижасида самарадорликка эришилди ва бунда интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

8. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда таълим мазмуни ва жараёни сифат мониторинги аниқланди. Ўтказилган тажриба-синов ишлари жараёнида, умумкасбий ва ихтисослик фанларини интеграциялаб ўқитишнинг таълим-тарбия жараёнига, хусусан талабаларнинг билим сифатига таъсири, ўқитишнинг самарадорлигини оширишга ҳиссаси асосланди.

Умумий хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, монографияда касб таълими ўқитувчиларини ҳар томонлама етук, мукаммал мутахассис бўлиб етиштириш учун таълим жараёнини тармоқлараро амалий интеграция асосида ташкил қилиш бош мақсад қилиб қўйилди. Монографияда касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнидаги ўқув-меъёрий ҳужжатларни инобатга олиб, таълим тизимининг узвийлигини такомиллаштириш, юқори малакали, юксак касбий, маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини тайёрлаш назарда тутилди.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. –384 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон –буюк келажак сари. – Т.: - Ўзбекистон, 1998. -686 б
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI-асрга интиломқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.-48 б.
4. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар тўплами. 9 т. –Т.: Ўзбекистон, 2001.-440 б.
5. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилан, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир.- Т.: Ўзбекистон, 2005. - 96 б
6. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил таракқиёт йули.- Т.: Ўзбекистон, 2007. - 48 б.
7. Абдуқуддусов О. Интегротив ёндошув-чуқур билим, яхши фазилатларни шакллантириш смили. – Т.: // Ж. Халқ таълими. № 3. 2000 й
8. Абдуқуддусов О. Интегротив ўқув предметлари мазмуни ва тузилмаси. – Т.: // Ж. Халқ таълими, 1999. № 1. Б.175-180.
9. Абдуқуддусов О. Касб таълими ўқитувчилари тайёрлашга интегротив ёндошув.- Т.: Фан, 2005.- 45 б.
10. Абдуллаева Қ.М. Махсус фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари: Дисс. ... пед. фан. ном.- Тошкент: 2006. - 182 б.
11. Абдураимов Ш.С. Интеграция образования, науки и производства как методологическое основание подготовки учителей профессионального образования // Образование: традиции и инновации. Материалы V международной научно-практической конференции, Прага, Чешская Республика. Прага. 2014 г. - Ст.7-8.
12. Абдураимов Ш.С. Кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлашда таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция фаолияти

- мазмуни // Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига раҳбар ҳамда педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг муаммо ва ечимлари. Халқаро илмий амалий конференция материаллари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти. Т.:2013 й. - Б. 34-35.
13. Абдураимов Ш.С. Кадрлар тайёрлашда фан ва таълим интеграцияси // Фан ва таълим интеграциясининг назарий ва амалий муаммолари. Республика илмий-назарий семинар материаллари, Ўзбекистон миллий университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти. Тошкент-Самарқанд-Бухоро-2014 й. - Б 94-95
14. Абдураимов Ш.С. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграция: муаммо ва ечимлар // Наука, образование и производство в обеспечении устойчивого развития инновационной экономики. Материалы научно-практической конференции, Филиал МГУ имени М.В.Ломоносова в городе Ташкенте. Ташкент. 2014 г. – Ст. 42-44.
15. Абдураимов Ш.С. Профессиональная подготовка учителя новой формации в условиях реализации межотраслевой интеграции // «Science and world» International scientific journal. Volgograd, 2014. №4 (8), 2014, Vol. III. Page 10-12.
16. Абдураимов Ш.С. Структура и содержание межпредметных связей в изучении спецдисциплин. Воронеж // «Технологии и методики в образовании» научно-технический журнал.: 2012 г. №1, - Ст. 51-54.
17. Абдураимов Ш.С. Таълим жараёнида интеграцияни таъминлаш муаммолари. // Ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялар бўйича компонентлиги: муаммо ва ечимлар. Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари микёсида илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. 2012 й. - Б. 212-215.

18. Абдураимов Ш.С. Таълим жараёнида интеграцияни таъминлаш муаммолари // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. 2013 й. – Б. 45-47.
19. Абдураимов Ш.С. Фанлар интеграцияси – касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашнинг муҳим омили сифатида // Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда инновацион технологияларни тадбиқ қилиш масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти. Т.:2014 й.-Б. 18-19.
20. Абдухалилов О. Дидактические основы использования межпредметной связи как средства совершенствование профессиональной подготовки учащихся средних специальных учебных заведений. дис. соис.кан.пед наук. Т.:1997. – 23 б.
21. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. - Т.: Фан, I том. – 1968. Б.22-25.
22. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. - Т.: Фан, V том. – 1976. 664 б.
23. Авазбоев А.И. Ўқув предметларини мазмунини интеграциялаш асосида меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш. П.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.–Т.:2001.–124 б.
24. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2003. - 174 б.
25. Баҳромов А., Мўминов Г, Назиров Э. Ўрта махсус, касб-хунар таълими фанлари давлат таълими стандартлари ва ўқув дастурлари. – Т.: Шарқ, 2001.- 29 б.
26. Бегимкулов У. Масофавий ўқитиш ва педагогик таълим // Педагогик таълим, – Тошкент. 2004. – № 5. – Б.19 – 21.

27. Беляева А.П. Интегративно-модульная педагогическая система профессионального образования. – СПб.: Радом, 1997. - 226 с.
28. Беспалько В. П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения.–М.: Институт проф. Образования, 1995.-336 с.
29. Беспалько В.П. Теория учебника: Дидактический аспект. – М.: Педагогика, 1998. – 160 с.
30. Воробьев А.И., Лиманский С.А., Каримов И.Г. Трудовые обучение: Учебник для 5 класса общеобразовательной школы. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 120 с.
31. Ғозиев Э. Психология (Ёш даврлари психологияси). - Т.: Ўқитувчи, 1994. - 130 б.
32. Ғуломов С.С. Ахборот тизимлари ва технологиялари. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 2000. - 592 б.
33. Давлатов К., Воробьев А.И., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
